

# Ортимдан юр

Мураббий учун қўлланма

Биринчи нашр, январ 2014

Тим Грин



2016-йил, Lulu.com иштирокида Бирлашган Буюк Британия Қироллигида чоп этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари © Tim Green 2014. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.  
Мураббий учун ушбу қўлланма шахсий фойдаланиш учун чекланмаган миқдорда ишлаб чиқарилиши мумкин.

### ***Китобхонларга мурожаат***

Сиз қўлланманинг биринчи нашри билан танишяпсиз. Уни сизларнинг тавсияларингиз ёрдамида такомиллаштиришга умид қиламан. Ушбу материалнинг А қисми, охири саҳифасида берилган баҳолаш саволлари асосида ўз фикрларингиз ва таклифларингизни юборишингизни сўрайман. Ушбу курс кўп жиҳатдан таълим жараёнидаги вазиятлар, гувоҳликлар, ҳаётий ҳикоялар, шеърят ва расмларга боғлиқ. Илтимос, бизга келгуси курсларни тайёрлашга ёрдам беринг. Бунинг учун мамлакатингизда яшаган имонлиларга қўллаш ўринли бўладиган, юқоридагиларга ўхшаш ҳар қанақа мисолларни юборинг.

Миннатдорчилик билан,                      Тим Грин                      [comefollowmecourse@gmail.com](mailto:comefollowmecourse@gmail.com)

Калом парчаларининг барчаси Муқаддас Китобдан олинган © 2003, 2009, 2013  
IMB-ERTP ва Biblica Inc. ®. Барча ҳуқуқлар ҳамма ерда сақланади.

ISBN 978-1-291-70700-7

## Илтимос, аввал ушбу мурожаат билан танишиб олинг

*Ортимдан юр* курси Исо Масихга эргашганларга мўлжалланган. Курсдан кўзланган мақсад – уларга имонда ўсишда ва Масихнинг Жамоатида мустаҳкам жой эгаллашда ёрдам бериш.

*Ортимдан юр* курси учта таркибий қисмдан иборат:

1. Ўқув қўлланма – уйда ўрганиш ва муҳокамага тайёрланиш учун мўлжалланган;
2. Мураббий учун ушбу қўлланма муҳокама вақтини олиб боришда сизга ёрдам бериш учун мўлжалланган;
3. Сиз мураббийсиз! Китоблар шогирд орттирмайди! Шогирдлар шогирд орттирадилар.

Худонинг етаклови билан сиз эндигина имонга келган одамнинг ҳаётига маслаҳатчи, мураббий, илҳомлантирувчи, ўрнак, ҳимоячи ва ҳоказолар сифатида катта таъсир кўрсатишингиз мумкин.

*Ортимдан юр* курси – шогирд орттириш жараёнидаги муносабатларда қўлланиладиган восита холос. Мураббий учун ушбу қўлланма сизга мазкур воситани битта имонли билан ҳам, бир гуруҳ имонлилар билан ҳам самарали ишга солишда ёрдам беради.

Мураббий учун қўлланма икки қисмдан иборат. ***Илтимос, А қисмда беш дақиқа вақтни “Ушбу курсдан қандай фойдаланиш” бўлимини ўқиб танишишга ажратинг.*** Бу муҳим аҳамиятга эга, чунки таълим усули ва умумий контекст сизга нотаниш бўлиши мумкин. Сўнг, А қисмдан ўзингизга керакли бўлимларни танланг.

***Б қисмда ҳар бир дарс учун қадамба-қадам қўлланмалар берилади.*** Бу ерда сиз жуда кўп маълумотларни топасиз. Улар икки турдаги имонли мураббийларга ёрдам беради: имонлининг келиб чиқишини билмаганларга ва муҳокама учун саволларни шакллантириш таржрибасига эга бўлмаганларга. Иккала жиҳатни билсангиз агар, сиз дарслар бўйича батафсил кўрсатмаларга эҳтиёж сезмайсиз. Шундай бўлсада, уларни муҳокама учун саволларингизни ишлаб чиқишда таянч сифатида ишга солинг. Нима бўлган тақдирда ҳам, ўқувчи билан “муҳокама учун” ёки “ҳар ким ўзи жавоб беради” деган белги остидаги мустақил ўрганиш учун саволларни муҳокама қилаётганингизга ишонч ҳосил қилишингизни сўраймиз.

Онгли даражада билимга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас ва ушбу курс имонлиларга уч жиҳатда ўзгаришга ёрдам беради:

- “фикрлаш” – Худонинг Каломига асосланган ҳолда дунёқарашнинг ўзгариши;
- “юрак” – ҳиссиёт соҳалари, илҳомланиш ва юрак муносабатлари билан боғлиқ;
- “қўллар” – амалда қўллаш: амалий топшириқнинг шогирд (лар) томонидан ҳар ҳафта бажариб борилиши.

Миннатдорлик билан, Тим Грин

[comefollowmecourse@gmail.com](mailto:comefollowmecourse@gmail.com)

Ортимдан юр  
Мураббий учун қўлланма

МУНДАРИЖА



А қисм: Умумий кўрсатмалар

Бўлимлар	Бет
Ушбу курсдан қандай фойдаланиш.....	7
Мураббий сифатида вазифангиз.....	10
Ҳар бир дарсни қандай ўтказиш.....	11
Гуруҳда муҳокама ўтказиш.....	14
Атрофингиздаги имонлиларга қандай таълим бериш.....	15
Атамалар ва маданиятга оид саволлар.....	17
Кўп бериладиган саволлар.....	19
Сўралган баҳо.....	19

Б қисм: Дарслар бўйича қўлланма

Бўлимлар	Бет
Кириш қисми.....	21
1 Масихга шогирд бўлиб.....	24
2 Масихда янги ҳаёт.....	32
3 Ота Худо.....	39
4 Масихга Унинг Руҳи қудрати билан бўйсунуш.....	46
5 Худо билан қандай гаплашиш.....	56
6 Худонинг биз учун Каломи.....	64
7 Масих жамоатининг аъзолари.....	72
8 Икки жамият аъзолари.....	81
9 Қувғинларнинг сабаблари.....	87
10 Ҳақоратларга ва қувғинларга қандай жавоб бериш.....	93
11 Эр-хотинлар.....	100
12 Низоларни бартараф этиш.....	110
13 Гувоҳлик бериш.....	119





14 Сувга чўмиш маросими.....	129
15 Тўғри йўл.....	135
16 Севги қонуни.....	144
17 Рўза ва хайр-эҳсон.....	153
18 Тақдир ва афсунгарлик.....	163
19 Бир-бирига хизмат қилиш.....	173
20 Самога зиёратимиз.....	181
Илова: Ушбу курс давомида ёд олиш учун берилган оятлар.....	190



**А қисм:**

**Умумий кўрсатмалар**



## Ушбу курсдан қандай фойдаланиш

*Ушбу бўлимни албатта ўқиб чиқишингизни сўраймиз*

### Ушбу курс ким учун ва нима учун мўлжалланган?

Ушбу курс *Масиҳга эргашган* ёки Унга эргашмоқчи бўлган одамларга мўлжалланган. Бу уларга шогирдлик йўлида илк қадамларни босишга ёрдам беради. Етук имонлилар ҳам ундан ўзлари учун фойдали билимларни топишади, чунки курс уларни ўз маданиятига оид масалалар ҳақида ўйлаб кўришга ва бу масалаларни бошқалар билан муҳокама қилишга ёрдам беради.

### Таълим усули нимадан иборат?

Ушбу курсни шунчаки мустақил ўрганиш орқали ўтиб бўлмайди. У ўзаро фойдаланиш учун мўлжалланган.

Курсда қўлланиладиган бу усул ўқувчи (лар) га ҳар ҳафта:

1. биринчидан, *ўқув қўлланмани* мустақил равишда уйда ўрганиб, *ундан билим олиш*;
2. иккинчидан, одатда ҳафтада бир маротаба бўладиган муҳокама вақтида *сиз билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш*;
3. учинчидан, *олган билимларини* ўзлари яшаган жойда кундалик ҳаётда *қўллаш* имконига эга бўладилар.

Батафсил:

- ❑ *“Уйда ўрганиш”* босқичи *пассив ўқишни* эмас, фаол равишда билим олишни назарда тутади. Бу борада ўқувчилардан дарснинг ҳар бир кичик бўлимидан кейин маълум бир топшириқни бажариш талаб этилади:
  - Айрим саволлар ўқувчиларга улар энди ўқиб билган нарсаларини *эслаб қолишга* ёрдам беради;
  - Айрим саволлар уларга таълимотни *тушунишга* ва ҳаётда *қўллашга* ёрдам беради;
  - Айрим саволлар уларга юрагининг муносабати устидан *мулоҳаза қилиш* ва бу ҳақда Худо билан гаплашишда ёрдам беради;
  - Айрим саволлар уларга муҳокама вақтида ўз тажрибалари билан *бўлишишга* тайёр бўлишга ёрдам беради;
  - Шу билан бир қаторда, расмлар ва мисоллар ўқувчиларга Худонинг Каломини ҳаётий тажриба билан *боғлашга* ёрдам беради.
- ❑ *Муҳокама босқичи* материални жонлантиради, унинг ҳозирги кундаги аҳамиятини оширади. Ўқувчилар ўз фикрларини билдириб, шу вақтнинг ўзида бошқаларнинг фикрларини эшитишади. Бу ўз навбатида уларнинг юрагидаги эски муносабатларни бузиб, янги илҳом улашади.
- ❑ *“Амалий топшириқ”* босқичи ўқувчиларга келгуси машғулотга қадар маълум бир топшириқни *бажариш* имконини беради. Бу орқали ўтилган дарс шунчаки бир назарий материал эмас, балки ҳаётимизнинг қисмига айланади.



### Курс фақат бир киши билан ўтиладими ёки гуруҳлар биланми?

Ушбу курсни иккала ҳолатда ҳам ўтиш мумкин ва ҳар бир ҳолатнинг ўзига яраша устунликлари ва камчиликлари бор. Курсни ўрганишга кимнинг имкони бўлишидан келиб чиққан ҳолда, вазиятга қараб иш тутилади. Агар имконини топсангиз кичик гуруҳ ташкил қилинг. Бу уларнинг ўзаро муносабатини мустаҳкамлайди ва муҳокама ўтказишда тажриба орттиришларига ёрдам беради. Якка ҳолда таълим беришнинг ҳам аҳамияти катта. Бироқ якка ҳолда муҳокама қилиш фақат битта йўналишда ўтади: сиз барча саволларни берасиз, ўқувчи уларга жавоб беради; шунинг учун тажрибани бойитишга ҳаракат қилинг, бунда сиз ҳам, у ҳам Каломдан ва бир-бирингиздан ўрганасизлар.

Мураббий учун ушбу қўлланмада одатда “ўқувчилар” деган атама ишлатилади ва бу билан бир ёки бир нечта ўқувчи назарда тутилади. Ўқувчи эркак ёки аёл бўлишидан қатъий назар “у” деб юритилади. Муҳокама учун барча саволлар гуруҳларда ёки алоҳида шахслар билан ишлатилиши мумкин, шуни ҳам айтиш керакки, айрим машқлар гуруҳ иштирокини талаб этади.

### Йигирмата дарсни тўлиқ бир муддат давомида ўтиш шартми?

Шарт эмас. Узликсиз йигирма ҳафта ўқиш курсини ҳаддан зиёд узайтириб юборади! Шунинг учун сизлар уни икки қисмга бўлиб, ўртада танаффус олишингиз ёки шогирдларингизга тўғри келадиган дарсларни танлашингиз мумкин.

### Муҳокама қандай шаклда ўтказилади ва унга қанча вақт ажратилади?

Аниқ бир шакл йўқ, вақт чегараси белгиланмаган. Сиз буларни ўзингизга қулай тарзда ўзгартириб боришингиз мумкин, бироқ талабга кўра баҳс-мунозара камида бир ярим соат давом этиши лозим. (бунинг ичига чой ичиладиган вақт ҳам киради):

- Чой ичиш ва суҳбат қилиш (бошида ёки охирида)
- Дарсни очиб берадиган ибодат
- Ўтган ҳафта берилган амалий топшириқни кўриб чиқинг
- Бу ҳафта уйда ўрганиладиган материалларни кўриб чиқинг
- Жорий дарсда танлаб олинган саволларни муҳокама қилинг
- Муқаддас Китобдан парчани муҳокама қилинг
- Гоҳида видео лавҳа кўрсатишингиз ёки машқлар беришингиз мумкин
- Ёд олиш лозим бўлган оятни такрорланг
- Вақтни ибодат билан якунланг, ибодатга шахсий илтимосларни ҳам киритинг.

Муҳокама вақтида ўқув қўлланмада берилган материалларни тўлиқ ўтиш керак эмас. Бу одамни зериктиради. Бундан ташқари, ўқувчилар муҳокамага келишдан аввал жорий дарсни ўзлаштиришлари лозим, шунинг учун бутун дарсни кўриб чиқишга ҳожат йўқ. Шу билан бирга ваъз кўринишида кўп янги таълимотларни қўшимча қилишга ҳам ҳожат йўқ. Бунинг ўрнига бутун диққат-эътиборингизни амалий жиҳатларга қаратиб, ўқувчиларнинг ҳаётига ўзгариш киритишга ҳисса қўшинг.





**Ушбу курс Муқаддас Китобга асосланганми?**

Ҳа, ушбу курс Муқаддас Китоб – Худонинг Каломи деган эътиқодга асосланиб қурилган, биз эса Масиҳнинг издошлари (шогирдлар ҳам, мураббий ҳам) уни тушунишимиз ва унга бўйсунушимиз лозим.

*Ортимдан юр* курси ҳаворий Бутруснинг биринчи мактубига асосланган.

Бу мактубнинг дастлаб эндигина имонга келган ва қийин шароитларда кун кечирган одамларга йўллангани маълум. Ушбу курс 1 Бутрус мактубини биринчи бобидан охиригача индуктив ўрганиш ва бобма-боб тафсир қилиш асосида қурилган. (Бироқ барча оятларни ўз ичига олмайди) Мана шунинг асосида имонлилар учун муҳим ёки уларга тўғри келадиган йигирмата мавзу ишлаб чиқилган. Бу мавзулар Муқаддас Каломнинг бошқа қисмларидан тегишли таълимотларни ўз ичига олади.

Ҳар бир дарсда ёд олиш учун оят берилади, бу оят мавзунини умумлаштиради. Бу оятлар 1 Бутрус мактубидан ёки бошқа китоблардан олинган ва сизга қулайлик яратиш мақсадида мураббий учун ушбу қўлланма иловасига тўплаб киритилган. Эслаб қолишга ёрдам бериш учун қисқа оятлар ёки узунроқ оятларнинг кичик парчалари танлаб олинган.

**Нима учун курс бу қадар содда кўринишга эга?**

Дастлаб ушбу курс айримларгина олий маълумот олиш имконига эга бўлган контекст учун ишлаб чиқилган. Шу тариқа бу ерда тушуниш учун содда ифода ишлатилади, аниқ мисоллар ва расмлар келтирилади.

Бироқ бу берилган тушунчалар оддий эканини англамайди. Мазкур дарсларни мустақил ўрганиш муҳокама учун асос бўлиб қолади, муҳокама эса ўз навбатида яна ҳам чуқур мулоҳаза қилишга, дунёқарашнинг ўзгаришига ва амалий шогирдликнинг ривож топишига олиб келади.

Аниқ мисоллар абстракт ўрганишдан фарқли равишда муҳокама ва қўллашни енгиллаштиради. Шунингдек, ушбу курс бўйича таълим олганлар ўз қўлида бошқаларни йўлга солиш учун енгил воситага эга бўладилар.

Бу орқали шогирдликни йўлга қўйиш енгилроқ бўлади.

**Нимага мураббийлар учун ушбу қўлланма бу қадар деталлаштирилган?**

Қўлланма кенг доирадаги мураббийларга ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Бировлар муҳокама учун саволларни тузишда кўпроқ ёрдамга муҳтож бўлса, бошқалар маданиятга оид принципларга эҳтиёж сезади. Шу билан бирга бу ерда баҳс-мунозарадаги саволларга тахминий жавоблар берилади. Тажрибали мураббийлар бунга эҳтиёж сезишмайди, шунга қарамай, сиз ўзингизга тўғри келадиганини танлашингиз учун, буларнинг ҳаммаси мазкур қўлланмага киритилган.

Агар ҳар ҳафтага мўлжалланган муҳокама учун саволлар сони ҳаддан зиёд кўп бўлса, бу ҳолда улар орасидан ўқувчиларингизга тўғри келадиганларини танланг. Шундай бўлсада, муҳокама вақтига “муҳокама учун” ёки “ҳар ким ўзи жавоб беради” деган белги остидаги саволларни киритишингизни сўраймиз.




**Ҳар бир ўқувчига ўқув курси қўлланмасининг нусхаси берилиши керакми?**

Ҳа, керак. Бундан ташқари, сизда ҳам алоҳида ўқув қўлланма нусхаси бўлиши лозим.

**Мураббий сифатида вазифангиз****Мураббий курси**

Бир ҳисобда сиз мураббий эмассиз. Шу сабабданки, курснинг ўзи таълимотни оддий кўринишда тақдим этади. Бу ерда оддий саволлар берилади ва ҳар бир дарснинг охирида ҳатто жавоблари ҳам келтирилади. “Ўқитувчининг” расми ўқувчиларга асосий бандлар ҳақида эслатиб туради. Шундай қилиб, сизнинг вазифангиз енгиллаштирилган, негаки дарс ишланмасини ишлаб чиқишингизга ҳожат қолмайди. Муҳокама вақтини ваъзга айланторманг, бунинг ўрнига ўқувчиларга ўқув қўлланмада берилган таълимотни ўзлаштириш ва амал қилишга ёрдам беринг.

**Сиз ҳам мураббий, ҳам дўстсиз**

Ўқувчилар сизни мураббий деб қабул қилишади. Сиз улар учун намуна бўлиб хизмат қиласиз, уларга ҳам маслаҳатчи, ҳам дўстсиз. Улар сизни диққат билан кузатадилар. Улар учун билим-иқтидорингиздан кўра сиз кўрсатган намуна анчайин муҳимроқ. Бир имонли шундай деган: *“Муқаддас Каломни ўрганишни сўраганимда ... шунга амин бўлдимки, менга таълим берган одамни ўрганибман”*.

Эсда тутинг, сиз болалар билан эмас, ёши катта ўқувчилар билан ишляяпсиз. Улар ҳаётий тажрибага бой ва бу тажрибани гуруҳга олиб келишга қодир. Шу тариқа муҳокама вақтида уларга кўп саволлар беринг. Улардан ўз фикрлари ва тажрибаси ҳақида бўлишишни сўранг. Уларга мустақил равишда мулоҳаза қилишга ёрдам беринг. Улар “амалий топшириқни” ҳар ҳафта бажариб келаётганига ишонч ҳосил қилинг. Улар учун муносиб ўрнак бўлинг. Улар ҳақида ғамхўрлик қилинг. Улар учун ибодат қилинг, уларнинг қувончи ва ташвишларига шерик бўлинг. Мабодо инқироз юзага келса, буни Худога ишонган ҳолда қабул қилишларига ёрдам беринг.

Дўстларингиз билан ҳар ҳафта ўтказиладиган машғулотлардан ташқари, норасмий муҳитда учрашиб туринг. Уларни тушликка таклиф этинг ёки бирга мириқиб гурунги қилинг. Биргаликда ҳар кунги ишларни қилинглар. Улар сиз ўзингизни қандай тутишингизни, жавоб ҳаракатларингизни, одатларингиз ва оиладаги турмуш-ҳаётингизни, руҳий зарбаларни қандай енгингизни, бошқаларни қандай кечиришингизни кузатиб, қанча нарса олишини кўрганингизда, ҳайрон қоласиз.

**Шогирдларни шогирдлар орттиради**

Курс бўйича ўқув қўлланма шогирд орттира олмайди. Фақат шогирдларгина шогирд орттиради. Кимдир сизга Масихнинг шогирди сифатида ўсишга ёрдам берган. Энди сизнинг навбатингиз: сиз бошқага бу борада ўсишда ёрдам беришингиз керак.



Бугунги кунда масиҳийлар сони тобора ошиб бормоқда. Авваллари бундай бўлмаган. Бироқ шогирд орттирилмаса агар, Хушxabарни ваъз қилишнинг ўзи билан кўп самарага эришиб бўлмайди. Худо сизни Ўзининг ҳамкори сифатида ишга солсин, сизга Исо Масиҳнинг ортидан эргашган ва Худо учун қимматли бўлган одамларнинг ҳаётида ва оилаларида фойдангиз кўпайиб бораётганини кўриш насиб этсин.

### Ҳар бир дарсни қандай олиб бориш

#### Ҳар бир машғулотдан аввал

1. Машғулотдан камида икки кун аввал, худди ўқувчи сингари дарсга тайёрланинг. Барча саволларга ўз жавобларингизни ёзиб олинг. Тайёргарликни соддалаштирманг.
2. Сўнг “Дарсдан кўзланган мақсадларни” ўқинг. Таклиф этилган мақсадлар мураббий учун ушбу Қўлланмада ҳар бир дарснинг бошида берилади. Мисол учун, 9-дарсдан кўзланган мақсадлар шундай кўринишга эга:

#### 9-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР

##### Ҳар бир ўқувчи:

- а. Ҳеч нарса бизни Худонинг меҳр-муҳаббатидан жудо қилишга қодир эмаслигига ишониши;
- б. Қувғинлар ҳаётимизнинг ажралмас қисми эканлигини, шундай бўлсада Худо уларни яхшиликка ишлатишини тушуниши;
- в. Керакмас қувғинларнинг олдини олиш учун донолик билан иш тутишни ўрганиши;
- г. 1 Бутрус 2:21 ни ёд олиши лозим.

Ушбу мақсадларнинг ҳаммаси иштирокчилар ҳафта давомида бажаришлари лозим бўлган топшириқлар билан боғлиқ:

- “Ишониш” - бу *муносабат*.
  - “Тушуниш” – бу *билим соҳаси*;
  - “Донолик билан иш тутишни ўрганиш” – улар амал қила бошлаши керак бўлган *маҳорат*;
  - “Ёд олиш” – Худо Каломини уларнинг юрагига ва ҳаётига сингдиришнинг яхши йўли.
3. Сўнг ушбу дарс бўйича кўрсатмаларни ўқинг. Бу ерда батафсил кўрсатмалар берилган бўлиб, улар сизга қадамба-қадам ёрдамлашади. Муҳокама учун саволлардан ўқувчиларингизга тўғри келадиганларини танланг. Кейинчалик, катта тажриба орттириб, сиз қатнашчиларнинг эҳтиёжига ва дарсдан кўзланган мақсадларга қараб, ўзингиз муҳокама учун саволлар туза оласиз.



4. Охиргиси: гуруҳдаги ҳар бир қатнашчи учун ибодат қилинг. Худодан сизга яхши маслаҳатчи бўлишга ёрдам беришни сўранг.

### Ҳар бир машғулот вақтида

1. Келганларни салом бериб кутиб олинг. Истасангиз, уларга чой таклиф этинг.
2. Машғулотни бошлаш учун рамкада берилган қадамларга амал қилинг. Намуна сифатида, қуйида 9-дарс учун биринчи қадамларни келтирамиз:

#### МАШҒУЛОТ БОШИДА

#### ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ

#### ЎТГАН ҲАФТА УЧУН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ

- Айтинг: “Саккизинчи дарс учун амалий топшириқ атрофимиздагиларга, муҳтожга ёки ҳокимиятга эга бўлган одамга хизмат қилиш билан боғлиқ. Бу топшириқни бажардингизми? Ўша одам буни қандай қабул қилди?” *[Бу ҳақда ҳар бир қатнашчидан навбатма-навбат сўранг. Ўзганинг хизматидан фойдаланган одам ёрдам учун мамнун бўлган бўлса, бу яхши. Мамнун бўлмаган тақдирда ҳам, бу муҳим эмас, негаки биз уларга Масиҳ ҳақи хизмат қиламиз.]*

#### БУГУНГИ МАВЗУ

- Айтинг: “Бугун қувғинлар ҳақида сўз юритамиз. Бу жуда қийин мавзу. Муҳокама қилганимизда балки кимдир бошидан кечирган қайғулар туфайли кўзига ёш олар. Бироқ, Худо қувғинларни яхшиликка ишлатади ва ушбу мавзунини муҳокама қилган вақтимизда У дилимиздаги оғриқларга шифо бериши мумкин”.

#### ДАРС МАЗМУНИ

- Ўқувчилар билан бирга 9-дарс мазмуни ёзилган саҳифани очинг. Ўқувчилардан қуйидаги саволлар бўйича нима ёзганларини сўранг:  
*1-савол: “сизлар учун/намуна бўлди. Унга тақлид қилинглр”*  
 (1 Бутрус 2:21)  
*2-савол: 1) дунё, нафратланади; 2) Худо, қувғинларга; 3) бемаъни иш тутамиз; 4) Масиҳнинг изидан*



(Изоҳ: Илтимос, ўқувчилар олдинги ҳафта берилган амалий топшириқни бажарганини албатта текширинг. Бу уларга мазкур курс нафақат ҳақиқатларни билиш, балки уларни амалда қўллаш учун мўлжалланганини ҳам кўрсатади. Бу сизга уларнинг шогирдлик йўлида қай даражада ўсиб бораётгани ва нимада ҳали ҳам қийинчилик сезаётганларини кўрсатиб беради).

3. Энди муҳокама ўтказинг ва унда ўзингиз аввал танлаган саволлардан фойдаланинг. Агар вақтингиз етмаса, ҳеч бўлмаса ўқув қўлланмадан “муҳокама учун” ёки “ҳар ким ўзи жавоб беради” деб белгилаган саволларни беринг. Агар муҳокама усулларини гуруҳда қўллаш тажрибангиз бўлмаса, бу ҳолда “Гуруҳда муҳокама ўтказиш” ҳақида кўрсатмани ўқинг.
4. Мураббий сифатида сиз ҳаддан зиёд кўп гапирмаслигингиз керак. Бунинг ўрнига ўқувчиларингизга ўз фикрларини айтишларига йўл қўйиб беринг. Шу тариқа, дарсдан абзац ёки Муқаддас Каломдан парча ўқиш керак бўлганда, буни сиз эмас, ўқувчи қилса яхшироқ бўлади.
5. 1-5 дарсларга айрим ўқув машқлар киритилган.
6. Охирида, машғулоти яқунлаш рамкасида кўрсатилган қадамларга амал қилинг. Намуна сифатида қуйида 9-дарс охирида берилган рамкани келтирамиз:

### **МАШҒУЛОТ ЯКУНИДА**

#### **[?] САВОЛ БЕРИНГ:**

- “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?”  
[Ҳар бир қатнашчи, шу қаторда сиз ҳам фикр бўлишингиз керак.]

9-дарсда берилган амалий топшириқни **ЎҚИНГ**

#### **АЙТИНГ:**

- “Ҳар куни оятни ўрганишда, уни бир неча марта жуда секин ўқинг. Қувғин келган пайтда бу оят сизни қандай юпатишини тушунишингизга ёрдам беришини Муқаддас Рухдан сўранг. Шунингдек, уйда мустақил равишда ўнинчи дарсни ўрганинг”.

#### **ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ**

- Ҳар хил иштирокчилардан қисқа ибодат қилишни сўранг, Худога қувғинлар пайтига оид ваъдаси учун раҳмат айтинг. Мамлакатингизда ва бошқа мамлакатларда худди шундай қувғинларни бошдан кечираётган имонлилар учун ибодат қилинг.



**Машғулотдан кейин**

1. Агар гуруҳингиз тест ва даволат учун баҳо олса, уларни ёзиб боринг.
2. Муҳокамани қандай олиб борганингизни таҳлил қилинг. Ўзингизга қуйидаги тўртта саволни беринг:
  - “Мен ҳаддан ортиқ кўп гапирмадимми?”
  - “Муҳокамада ҳамма, шу жумладан ювош ва уятчан ўқувчилар ҳам иштирок этдимми?”
  - “Мен берган саволлар тушуниш учун осон, муҳокама учун самарали бўлдимми?”
  - “Машғулотдан кўзланган мақсадларга эришилдимми? Машғулот ҳаётимиз учун амалий фойда бердимми?”

Яқуний хулосалар чиқариб, келгуси ҳафтага ожиз томонларингизни такомиллаштиришга ҳаракат қилинг.

3. Ҳафта давомида ўқувчилар учун ибодат қилишни давом эттиринг.

**Гуруҳда муҳокама ўтказиш**

*Муҳокама ўтказишда етарлича тажрибага эга бўлмасангиз, ушбу кўрсатмалар сизга ёрдам беради.*

- Ҳаддан ортиқ кўп гапирманг! Сиз маъруза ўқиш эмас, савол беришингиз керак. Ёши катталар шу йўл билан яхшироқ ўргангани ва бу уларга кўпроқ ёқади. Саволларни пухта қўйиш қуйидагиларни англатади:
  - тушуниш учун осон;
  - дарсга тааллуқли;
  - муҳокамага мазмун улашади, уни қизиқарли қилади (“ҳа” ёки “йўқ” деган қисқа жавоб билан муҳокамани ёпиб қўймаслиги зарур).
- Ҳар бир қатнашчига муҳокамада иштирок этиш имконини беринг. Сергап қатнашчилардан ҳаддан ортиқ кўп гапирмасликни сўранг. Уятчан қатнашчиларга осон саволлар бериб, кўмаклашинг (бошқаларга уларнинг ўрнига жавоб беришга йўл қўйманг).
- Гуруҳ қатнашчилари саволни тушунишмаса, саволга ўзингиз жавоб берманг, аксинча, саволни бошқача шаклга солиб тушунтиринг.
- Муҳокама асосий мавзудан четлашиб кетишига йўл қўйманг.
- Агар қатнашчи “нотўғри” жавоб берса ёки муҳокамага ҳисса қўшмаса, уни: “Нотўғри айтдингиз” деб уялтирманг. Бунинг ўрнига бошқалардан ўз фикрлари ҳақида бўлишишни сўранг. Ё бўлмаса: “Фикрингиз учун раҳмат, бироқ мана бу томонни ҳам ҳисобга олдингизми?” дейишингиз мумкин.
- Ҳар бир дарснинг амалий жиҳатига эътибор беринг, гуруҳ қатнашчиларининг ҳар бири дарсдан қилинган яқун хулосаларни ўз ҳаётида татбиқ эта олсин.



- Қатнашчиларга сизга савол беришларига йўл қўйинг. Агар жавобини билмасангиз, уларга келгуси дарсга қадар бу саволга жавоб топишингизни айтинг. Ўзингизни худдики саволнинг жавобини билгандек тутгандан кўра, шундай жавоб берсангиз агар, улар сизни кўпроқ ҳурмат қилишади. Келгуси дарсда саволга жавоб бериб, ўз ваъдангизни бажарганингизга ишонч ҳосил қилинг.
- Каломдан оят ёки ўқув курсидан парча ўқиб эшиттириш керак бўлганда, буни қатнашчиларнинг биридан сўранг. Бу уларга фаол иштирок этиш учун яна ҳам кўпроқ имкон беради. Шунингдек, бу уятчан қатнашчиларни муҳокамага жалб этишнинг ҳам яхши йўли бўлади.

### Имонлиларга таълим бериш

*Агар Европа ёки Осиёлик имонлиларга таълим беришда етарлича тажрибага эга бўлмасангиз, қуйида ёзилганларни ўқишингизни сўраймиз.*

Исо Масих бизни барча халқлардан шогирд орттиришга чақиради. Ҳар қандай халқнинг маданиятида ҳам ижобий, ҳам салбий томонлар бўлади. Қайси маданиятдан келиб чиқишимиздан қатъий назар, бу Ғарб маданияти ёки Шарқ маданияти, биз Худо Каломига маданиятимиздаги қоронғу доғларни ёритишга йўл қўйиб беришимиз лозим. Мисол учун, Калом бўйича:

– шарқона кийинишимиз керакми ёки европачами? Қўл билан овқатланиш тўғрими ёки санчиқ ва пичоқ биланми? Ибодат қилганимизда, кафтимиз очиқ ҳолда тепага қараб туриши керакми ёки кафтни бирлаштирган маъқулми? Одам ўзини кўпроқ қадрлаши керакми ёки жамиятними? Ўз оиламизнигина кўпроқ ўйлашимиз керакми ёки қариндошларимиз ҳақида ҳам ғамхўрлик қилишимиз керакми? Одамзоднинг турли маданиятларга ажралиши Худога ёқади, шу жумладан сон-саноксиз амалларнинг қўлланилиши ҳам.

Бироқ Худо Каломи маданиятга сингиб, сўнг инсонни гуноҳга булғайдиган бошқа жиҳатларга қарши. Шогирдлик аввало одам ҳалолликни обрўдан кўра кўпроқ қадрлашини, хафа қилганни кечирини, бошқа жинс вакилларига тўғри муносабатда бўлиши, барча қарорларида Худони ҳамма нарсадан устун қўйиши ва ҳоказоларни назарда тутати. Бу ва бошқа муаммолар шахсий келиб чиқишнинг маданият билан қоришиб кетиши оқибатида пайдо бўлади. Дўстларингиз бошдан кечираётган муаммоларни сиз қандай билиб оласиз? Улар билан вақт ўтказиш, уларни тинглаш ва улар учун ибодат қилиш орқали. Уларнинг келиб чиқиши ва оилавий ҳаёти ҳақида саволлар беринг. Ҳамма одамлар ҳар хил эканини эсда тутинг. Шу тариқа, улар ҳақида кенгроқ билимга эга бўлиш учун кўпроқ саволлар беринг.

Айрим халқларнинг маданияти бир-бирига ўхшаш бўлади. Бироқ ёдда тутинг, улар орасида ҳам фарқ-тафовутлар бўлади. Қирғиз ва уйғурлар, қозоқ ва тожикларнинг ҳаммаси бир хил эмас! Ҳатто мана шу халқлар маданиятида ҳам, турли этник гуруҳлар ёки ижтимоий-иқтисодий табақалар ўртасида бир-биридан фарқли жиҳатлар учрайди. Шунинг учун дўстларингиздан уларнинг маданий келиб чиқиши ҳақида сўранг: уларга бу маданиятда нима ёқиши ва нима ёқмаслиги ҳақида қизиқинг. Гоҳида Масихни қабул қилгач, улар ўз маданиятини инкор этишади.



Бироқ эски маданиятининг айрим жиҳатлари янги маданиятини йўқ қилмасдан, у билан уйғунлашса агар, уларнинг давомли руҳий соғлиги яхшироқ фаолият олиб боради.

Шу қаторда уларнинг этник гуруҳлари қарши олаётган қийинчиликлар ҳақида ҳам билиб олинг. Қуйида улар Масихни қабул қилганларидан кейин қарши оладиган муаммоларни келтирамиз:

- ❑ Гоҳида жуда кучли босим оқибатида улар ўз уйларини ташлаб, оиласи ва маданиятидан узоқлашишади. Бу оғир *ёлғизлик ҳиссига* ва *ўзига хосликнинг йўқотилишига* олиб келиши мумкин.
- ❑ Оила аъзолари томонидан кескин қувғин қилиниш. Бу кучли *хўрланиш* ҳиссига олиб келиши мумкин.
- ❑ Ўтмишдаги яқинлари томонидан *иснод қилиниши*.
- ❑ Масихга эътиқодда *аниқ тузулишнинг* бўлмаслиги. Уларнинг аввалги шароити билан солиштирилганда, энди амал қилиш лозим бўлган аниқ тузилиш йўқ.

Масихийлар ўртасида, улар одатланган шароит билан солиштирилганда, *бирдамликнинг йўқлиги*. Мана шу муаммолар туфайли *Ортимдан юр* курси Бутруснинг биринчи мактуби асосида ишлаб чиқилди ва унда ўхшашлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Курс бизнинг “Худо танлаган халқ” эканлигимиз, Масих орқали бир-биримизга боғлиқ бўлган, Худо учун қимматли уммат эканлигимизни ўргатади.

Гоҳида имонлилар ўз уйларига қараганда камроқ босим ўтказилган бошқа мамлакатларда яшашади. Шунга қарамай, улар бошқа муаммоларга йўлиқади, бу айниқса улар иш топиш мақсадида ёки шунчаки яшаш учун эндигина янги мамлакатга кўчиб келган пайтларда бўлади. Муаммолар шундай кўринишда бўлиши мумкин:

- ❑ “Танлаш эркинлигига” ечим топиш ва оқилона қарор қабул қилиш;
- ❑ Пул маблағларни қандай бошқариш;
- ❑ Янги дунёқараш ва маданиятга мослашиш;
- ❑ Бошқа жинс вакили билан қандай муомала қилиш;
- ❑ Бюрократия, формаларни тўлдириш, бошпана бериш тартиби ва иш излаш масалаларига ечим топиш;
- ❑ Уларнинг ўхшашлигидаги турли элементларни яхлит ҳолга қандай келтириш.

Одамларнинг тарихини тушуниш ушбу курсда муваффақиятга эришишнинг калити бўлади. Бу сизга мураббий сифатида эндигина имонга келган одам Исога эргашганда бошдан кечирадиган кўп қувончларни ва қийинчиликларни тушунишга ёрдам беради. Шунингдек, бу сизга курс материални қўлингиз остида таълим олаётган ўқувчиларнинг ҳаёти билан боғлашда хизмат қилади. Бундан ташқари, бу сизга нима учун материал айнан мана шу мавзуларни ёритиши ва кўпинча шогирдлик бўйича бошқа курсларда муҳокама қилинмайдиган қувғинлар каби масалаларга эътибор қаратишини тушуниш имконини беради.





Муҳокамадан аввал ёки кейин тушлик қилиш ёки чой ичиш ўқувчилар билан дўстона муносабат ва ишонч ўрнатилишига хизмат қилиши мумкин, бу уларга ўз ҳаёти ҳақида очиқча бўлишига ёрдам беради.

Натижада ҳаммаси ғамхўрликка келиб тақалади. Севги энг катта таъсир кўрсатадиган омил. Севги маданият билан боғлиқ жуда кўп камчиликларни бартараф этади! Севги дўстингиз чалкашиб қолганини ҳис қилганда ёки азоб чекканда, сиз унинг учун жон куйдиришингизни назарда тутасиз. Бу улар ўз оиласини соғинганларида меҳмондўстлик кўрсатишни назарда тутасиз. Бу улар билан шунчаки расмий машғулотлар вақтида ёки электрон мактублар орқали эмас, балки телефон қўнғироқлар ёки СМС хабарлар орқали алоқани узмасликни назарда тутасиз. Бир имонли шундай дейди:

*“Мен Исога эргашиш учун ўз оиламдан воз кечдим, натижада қуруқ машғулотларни топдим!”*

### **Атамалар ва маданиятга оид саволлар**

#### **Айрим атамаларни ишлатишда чегараланиш**

Ўқувчилар янги ғояларни тушунишлари учун, уларнинг эски ғояларидан бошлаш фойдали бўлади. Бу уларга эскисини янгиси билан таққослаш ва солиштириш имконини беради. Шунингдек, бу уларга Масихнинг хоҳиш-иродасини ўз дўстларига етказишга ёрдам беради ва уларнинг дўстлари учун бу мутлақо тушунарсиз нарса эмас, балки тушунарли фикр бўлади.

Шу тариқа, уларни ўзларига таниш дунёдан Масих шогирдлари таълимотининг янги дунёсига ўтказиш учун ушбу курсда бошланғич босқич ва кўприк сифатида *чегараланган* миқдорда айрим атамалар ишлатилади. Мисол учун, биз Масих *шариати* (қонуни) деганимизда, бу билан ўқувчиларга ўзларининг эски *шариати* ҳақида мулоҳаза қилишга ва уларнинг Масихни Раббий деб янгича бўйсунуши, ундан фарқли эканини тушуниб олишларига ёрдам берамиз.



**Атамалар луғати**

Ушбу курсда қуйидаги арабча атамалар тилга олинади. Бу ерда улар асосий умумий мазмуни билан берилган. Аниқроқ ёзилиши ва изоҳини тегишли адабиётлардан топишингиз мумкин.

<i>Дуо</i> (5-дарс)	шахсий ибодат шакли
<i>Ҳаж</i> (20-дарс)	зиёрат
<i>Ҳалол</i> (15-дарс)	рухсат этилган, тоза
<i>Инжил</i> (1-дарс)	Янги Аҳд китоби, Хушхабар
<i>Жин</i> (18-боб)	ажина
<i>Кофир</i> (2-боб)	динни инкор этувчи
<i>Муртад</i> (2-боб)	имондан қайтган, чекинган
<i>Жаннат</i> (1, 9, 20-боблар)	осмон тушунчаси
<i>Қибла</i> (20-боб)	географик жиҳатдан юз тутиб ибодат қилинадиган томон
<i>Салот/Намоз</i> (5-боб)	ҳар куни беш маҳал ўқиладиган диний ибодат
<i>Шаҳодат</i> (13, 20-боблар)	гувоҳлик бермоқ ёки эътиқодни эътироф этмоқ
<i>Шариат</i> (17-боб)	диний қонун ва ҳаёт тарзи
<i>Ширк</i> (3-боб)	бутпарастлик, Худонинг шериклари бор деб эътироф этиш
<i>Сунна</i> (17-боб)	ҳаёт тарзи учун ўрнак ёки намуна
<i>Таврот</i> (4-боб)	Мусога берилган бешта китоб
<i>Уммат</i> (7,14-боблар)	арабча атама бўлиб, умумжаҳон имонлилар жамоатини кўрсатади
<i>Закот</i> (17-боб)	Хайр-эҳсон
<i>Дуо</i> (5-дарс)	шахсий ибодат шакли
<i>Ҳаж</i> (20-дарс)	зиёрат
<i>Ҳалол</i> (15-дарс)	рухсат этилган, тоза
<i>Инжил</i> (1-дарс)	Янги Аҳд китоби, Хушхабар

20-бобдан тилга олинган “Беш рукн” деб бешта асосий амал: шаҳодат, диний ибодат, рўза, *закот* ва *ҳаж* назарда тутилади. (юқорида изоҳга қаранг)

**Маданиятга оид саволлар**

Ушбу курс ўз ичига олган дарсларнинг катта қисми маданиятга оид ўзига хос саволларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилган. Булар ҳар бир дарсда мураббий учун Изоҳда тушунтирилади. Шундай бўлсада, унутмангки, ҳамма имонлилар бунинг кучли таъсирига йўлиқмаган, шу тариқа сиздан дарсларни алоҳида ўқувчилар учун соддалаштирилган ҳолда татбиқ қилиш талаб этилади.



## Кўпинча бериладиган саволлар

### Ушбу курс оғзаки шаклда таълим олувчиларга тўғри келадими?

Бир томондан ушбу курс оғзаки шаклда кўрсатилган, негаки унинг асосий қисми муҳокама вақти ҳисобланади. Шунингдек, саводсиз ўқувчилар Каломдан оятларни ёд олишлари, ўқув қўлланмадаги расмларни муҳокама қилишлари ва амалий топшириқларни бажаришлари мумкин.

Бироқ уйда ўрганиш қисми ўқиш ва ёзиш кўникмасини талаб қилади. Ўқишни билмайдиган ёки бу борада қийналадиган ўқувчилар учун қуйидаги кўрсатмаларга амал қилинг:

- ❑ Ҳар бири учун гуруҳда уларга ёрдам берадиган бошқа қатнашчини топинг. Улар дарсни бирга ўта бошлашдан аввал ўқишни билмайдиган (ёки бу борада қийналадиган) ўқувчига асосий таълимотни тушунишга ёрдам беринг. Сўнг, машғулот вақтида улар бир-бири ёнида ўтириб, ёрдамчи унга китобдан парча ёки расмни топишга ёрдам беради. Ёрдамчи вазифасини оила аъзоси ёки бошқа одам бажариши мумкин.
- ❑ Эсда тутинг, ўқишни билмаганлар ҳам худди ўқишни билганлар билан бирдек ҳаётий тажрибага эга. Уларнинг фикри ҳам қимматли. Улар ҳам бошқалар қаторида ўзлари муҳокамага алоҳида ҳисса қўшиш имконига эга эканлигига ва бу билан барча қатнашчиларга фойда олиб келишига ишонч ҳосил қилинг.

### Ўз фикр ва мулоҳазаларингизни қолдиришингизни сўраймиз.

1. Ҳар бир дарсда муҳокама учун саволлар ҳаддан ортиқ кўп эмасми?
2. Муҳокама учун қайси саволларни такомиллаштириш лозим ва қандай?
3. Маданиятга оид қандай “калитларни” такомиллаштириш ёки қўшиш мумкин?
4. Келажакда ишлаб чиқиладиган бу каби курслар учун маданият билан боғлиқ қандай мисолларни ёки масиҳийлар ҳақида ўқиш билан боғлиқ қандай вазиятларни таклиф эта оласиз?

**Ўз фикр ва мулоҳазаларингизни [comefollowthecourse@gmail.com](mailto:comefollowthecourse@gmail.com) манзилига юборишингизни сўраймиз. Ёрдамингиз учун раҳмат!**



**Б қисм:**  
**Дарслар бўйича кўрсатма**



**Кириш машғулоти бўйича кўрсатма****КИРИШ МАШҒУЛОТИДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР**

Ушбу кичик муҳокама яқунлангач ҳар бир ўқувчи:

- а. Курсдан катта завқ олган ҳолда бу ҳафтага берилган уйда ўрганиш вазифасини бажариш мажбуриятини бўйнига олиши;
- б. Ҳар бир дарсни уйда қандай ўрганишни тушуниши;
- в. Ўқув қўлланмани сотиб олиши ёки пулини келгуси ҳафта олиб келишни ваъда қилиши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ТАНИШИШ**

- Агар бу янги гуруҳ бўлса, ўзингизни гуруҳга таништиринг ва қатнашчиларни бир-бири билан таништиринг.

**ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ**

- Худодан ҳаммангизга курсдан фойда топишга ёрдам беришни сўранг.

Ҳар бир қатнашчига **курс бўйича ўқув қўлланмадан биттадан нусха тарқатинг.**

- Қатнашчилар томонидан ўқув қўлланманинг маълум бир нархга сотиб олиниши тавсия қилинади, шунда улар уни қадрлайдилар. Бироқ материал учун тўлов олиш ёки олмаслик, олинган тақдирда, қанча олиш сизнинг ихтиёрингизда.
- Агар қатнашчилар орасида ўқишни билмаган ёки секин ўқийдиганлар бўлса, “Кўпинча бериладиган саволлар” бўлимидаги тавсияларга қаранг.

**📖 Ўқинг.**

Қатнашчилар ўзларининг қўлланмасида “Мундарижа” ни очишлари керак. Қатнашчиларнинг биридан мавзулар рўйхатини ўқиб эшиттиришни сўранг. Агар ушбу курсда берилган 20 та дарсдан фақат бир нечтасини ўрганишни режа қилган бўлсангиз, ўқувчилардан ўз қўлланмаларида ўша мавзуларни белгилашни сўранг.



**Айтинг:**

- ❑ “Ушбу дарсдан мақсад – бизга Масихнинг издошлари сифатида ўсишга кўмаклашиш”. Ҳаммамиз ўқиб билим оляпмиз: сизлар ҳам, мен ҳам. Ҳаммамиз Худога яқинлашишни, Уни яқиндан таниб-билишни, Унга ишонишни ва Масихнинг жамоатида ўз вазифамизни бажаришни истаймиз”.
- ❑ “Мана шу мақсадга эришиш учун курс давомида уч усул комбинацияси ишга солинади ва биз ҳар ҳафта уни бажариб борамиз:
  1. *Уйда ўрганиш* бизга таълимотни эслаб қолиш ва тушунишга ёрдам беради;
  2. *Муҳокама вақти* бизга ўз фикрларимиз билан бўлишиш ва бир-биримиздан ўрганишга ёрдам беради;
  3. *Амалий топшириқ* бизга дарсни кундалик ҳаётимизда қўллашга ёрдам беради.

**[?] Савол беринг:**

- ❑ “Ҳар бир усул, яъни уйда ўрганиш, муҳокама вақти ва амалий топшириқнинг вазифаси нимадан иборат?” *[Юқорига қаранг. Бу савол қатнашчиларга ўрганиш усуллари тушунишга ёрдам беради.]*

**📖 Ўқинг.**

- ❑ Барча қатнашчилар ўқув қўлланмаларда “Ўқувчи учун кўрсатма” номли саҳифани очиши лозим. Ҳар бир қатнашчи биттадан жумла ўқиб эшиттириши лозим. Улардан нимани тушунмаганларини сўранг.

**📖 Ўқинг.**

- ❑ Ўқувчилар билан бирга 1-дарсни очинг, у “Масихга шогирд бўлиш” деб номланади. “Ҳаётимиз маъноси” сарлавҳасидан кейин дастлабки иккита абзацни ўқинг. Шунингдек улардан кейин расм остида берилган мурожаатни ўқинг.

**[?] Савол беринг:**

- ❑ “Ҳаётимиз маъноси нимадан иборатлигини ўз сўзларингиз билан қандай ифода этган бўлардингиз?”  
*[Муҳокама қилинг. Ўқувчилар ўз фикрлари билан бўлишишлари лозим. Сиз ҳам мураббий сифатида ўз фикрларингиз билан бўлишингиз лозим.]*  
1-дарсинг, 1-саволини **ўқинг.**
- ❑ Ўқувчиларга улар ўз жавобларини бўш жойларга ёзишлари кераклигини айтинг.
- ❑ Буни қандай текширишни, яъни дарс охирида “1-дарс. Жавоблар” бўлимида берилган жавоблар билан солиштирилишини кўрсатинг.



**Айтинг:**

- “Энди ичингизда 2-саволни ўқинг ва бўш жойга ўз жавобингизни ёзинг, сўнг бу саволга тўғри жавоб берганингизни текширинг”. *[Уларга бу топшириқни бажариш учун етарлича вақт беринг. Уларга ёрдам беринг, мураккаб сўзларни тушунтиринг. Ўқишни билмаганлар нима бўлаётганини билиб, тушуниб келаётганига ишонч ҳосил қилинг]*

**Айтинг:**

- “Бу қўлланма сизнинг ўқитувчингиз бўлади. Шу тариқа бу ерда ҳар бир дарснинг охирида жавоблар берилади, сиз ўз жавобларингизни текшириб олишингиз учун. Бироқ бу сиз тайёр жавобларни кўчириб оласиз дегани эмас! Аввал ўз жавобингизни ёзинг, сўнггина жавобингиз тўғри ёки нотўғрилигини текширинг”.
- “Агар жавобда “ҳар ким ўзи жавоб беради” ёки “Муҳокама учун” деб кўрсатилган бўлса, бу “тўғри” жавоб йўқлигини англатади, негаки бу саволга ҳар ким ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда жавоб беради”.

**[?] Савол беринг:**

- “Биринчи дарс жавоблари” бўлимида 5- ва 13-саволларга қандай жавоблар берилган? *[“Ҳар ким ўзи жавоб беради”].*
- “Бу сиз мазкур саволларга жавоб бермаслигингиз ва ҳеч нарса ёзмаслигингиз мумкинлигини англатадими?” *[Асло англатмайди! Ҳар бир қатнашчи ўз фикрини ёзиб кўрсатиши ва буни муҳокама қилишга тайёр бўлиши лозим. Тажриба шуни кўрсатадики, қатнашчилар кўпинча бу каби очиқ саволларга жавоб ёзишмайди, айнан шу сабабдан бу ерда бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда.]*
- “Бу каби саволларни жавобсиз қолдирмаслик, уларга ўз жавобларини ёзиб бориш нима учун муҳим?” *[Муҳокама қилинг. Бирон нарса ёзганимизда бу бизга бу ҳақда чуқурроқ мулоҳаза қилишга ёрдам беради. Шунингдек, бу орқали биз нима ҳақида сўз борганини яхшироқ эслаб қоламиз. Бундан ташқари, биз муҳокама вақтига ҳам тайёр бўламиз.]*

**Айтинг:**

- “Келгуси машғулотга қадар 1-дарсни бошдан охиригача бажаришингизни сўраймиз. Охирида Дарс мазмуни саҳифасидаги саволлар билан ишлашингизни сўраймиз. Дарс мазмуни саҳифасида берилган саволлар – бу дарс давомида сиз жавоб берган барча саволларнинг умумлаштирилиши. Шу сабабдан бу ерда жавоблар ёзилмаган. Улар сизга дарсни қандай даражада ўзлаштирганингизни билиб олишга ёрдам беради”.

**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА**

Кейинги машғулот қаерда ва соат нечада ўтказилишини **ТУШУНТИРИНГ**.  
**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ**



**1-дарс бўйича кўрсатмалар****Масиҳга шогирд бўлиш****1-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР**

Ушбу машғулотдан кейин:

- а. ҳар бири қатнашчи Масиҳга эргашгани ёки эргашмаганини билиб олиши;
- б. ҳали Масиҳга эргашмаган ҳар бир ўқувчи Уни қандай қабул қилишни тушуниши;
- в. Масиҳга эргашган ҳар бир қатнашчи ўз қарорига ишониши ва бундан мамнун бўлиши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА*****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ******БУГУНГИ МАВЗУ:***

- ❑ Айтинг: “Бугун биз Исо Масиҳ Шимўн Бутрусни Унга шогирд бўлишга қандай чақиргани ҳамда биз қандай қилиб Масиҳга эргашишимиз мумкинлиги ҳақида билиб оламиз”.

***ДАРС МАЗМУНИ БЎЛИМИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ***

- ❑ 1-дарс мазмуни ёзилган саҳифани очинг.  
*1-савол:* Сизлар ёд олган оятни бирга айтишга ҳаракат қилинглар. Ўқувчиларга савол беринг: “Бу оят сизда қандай туйғуларни уйғотади?”  
*2-савол:* Ўқувчилардан улар ўзларининг қўлланмасида нима деб ёзганини сўранг. Бу тўғри жавоблар: 1) Гуноҳдан воз кечиш; 2) Баҳосини тушуниш; 3) Масиҳга ишониш; 4) Масиҳнинг жамоатига қўшилиш.





**Маданиятга оид маслаҳат: Бошланғич нуқта**

Ушбу дарсда имонсиз билан масиҳий ўртасида суҳбат бошланғич нуқта ҳисобланади. “Ортимдан юр” курси Масиҳни қабул қилганлар учун ишлаб чиқилган, лекин 1-дарсда имон йўлида босиладиган қадамлар тушунтирилади, бундан мақсад:

- ❑ Мураббийга, яъни сизга ўқувчиларнинг руҳий тушунчасини аниқлашга ёрдам бериш;
- ❑ Ибодат билан Масиҳни қабул қилмаганларга бунинг учун имкон бериш;
- ❑ Худони таниб-билишга интиланларга ушбу қадамларни содда тилда тушунтириш.

Ушбу дарсда ёритилган имон қадамлари одатий шаклга эга, истисно сифатида охирги қадамни кўрсатиш мумкин. “Масиҳнинг жамоатига қўшилиш” деб номланган бу қадамга кўпинча Хушхабар ваъз қилинганда жуда кам эътибор берилади. Бошқа маданиятдан келиб чиққан ва Масиҳга имон келтирган одамларнинг имонлилар билан мунтазам алоқа қилмасдан яшаб кетиши жуда қийин бўлади. Имонлиларнинг йиғилишлари ёки имонлилардан ташкил топган норасмий гуруҳлар ва ҳатто яширин тарзда бошқа имонлилар билан мулоқотлар ҳам улар учун “Масиҳнинг жамоати” ўрнида қабул қилинади. Имонлиларнинг қандай шаклда алоқа қилишидан қатъий назар – бу жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақида биз 7-дарсда кўпроқ билиб оламиз.



**А) ҲАЁТИМИЗ МАЪНОСИ (Кириш қисми ва 1-2-саволлар)****Кириш қисми**

📖 “Ҳаётимиз маъноси” бўлимини ва саҳифага берилган изоҳдаги саволни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Ҳаётингиз маъноси нимадан иборат?” [Аввалига ўқувчилар буни ўз сўзлари билан ифода этишлари, сўнг сиз мураббий сифатида ҳаётингиз маъноси нимадан иборат эканини айтинг.]
- 

**Б) МАСИХГА ШОГИРД БЎЛИШ (3-савол)****3-савол**

📖 Рамкада берилган материални бошдан охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- Шимўн Бутрус нима билан шуғулланган? [У балиқчи бўлган.]
- Исо Масих унга: “Чуқурроқ ерга сузиб бориб, ўлжа учун тўрларингизни ташланглар” деганда, Шимўн қандай жавоб берди? [У балиқ ушлашига ишонмаган, шунга қарамай Исонинг айтганидек қилди.]
- Шимўн Исо билан гаплашишга ўзини нолойиқ деб билди. Бироқ Исо бунга нима деб жавоб берди? [“Қўрқма, бундан буён сен инсонларни овлайсан”.]
- Парча охирида Шимўн ва унинг шериклари нима қилишди? [Улар ҳамма нарсаларини қолдириб, Исога эргашдилар.]

**Айтинг:**

- “Бу дарсда биз Шимўн Бутрус Масихнинг шогирди бўлиш учун тўртта қадамни босганини кўрдик. Биз ҳам буни қила оламиз. Тўртта қадам эсингизда қолдимиз?»  
[1. Гуноҳдан воз кечиш. 2. Баҳосини тушуниш. 3. Масихга ишониш. 4. Масихнинг жамоатига қўшилиш.]
- “Бугун биз бу қадамларни бирма-бир муҳокама қиламиз. Келинг, биринчисидан бошлайлик: “Гуноҳдан воз кечиш”.



**В) ГУНОҲДАН ВОЗ КЕЧИШ (4-11-саволлар)****4-савол**

📖 Иккинчи абзацни ўқинг (ўқиб эшиттиринг).

❓ Савол беринг:

- ❑ “Шимўн ўзи ҳақида нимани тушунди?” [У: “Мен гуноҳкор инсонман” деди.]
- ❑ “Исонинг олдига келганимизда биз ҳам нимани тушунишимиз лозим?” [Биз гуноҳкормиз.]

**6-савол**

📖 Оятни ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Шоирнинг сўзларига кўра, сизлар билан менинг ўртамизда қандай фарқ бор?” [Фарқ йўқ. Ҳаммамиз гуноҳкормиз. Худодан гуноҳларимизни яшира олмаймиз.]
- ❑ “Худо бизни қабул қиладиган даражада солиҳмизми?” [Йўқ! Дунёда Худонинг назарида етарли даражада солиҳ бўлган биронта инсон йўқ.]

**8-савол**

❓ Савол беринг:

- ❑ “Бу ерга қандай жавоб ёздингиз?” [Тўғри жавоб: “Али сингари камтар”.]
- ❑ “Келинг, ҳар биримиз ўзимизнинг муносабатимиз ҳақида ўйлаб кўрайлик: биз кўпроқ кимга ўхшаймиз Темургами ёки Алигами?” [Ҳар бир қатнашчи ўзи ҳақида мулоҳаза қилиши керак, жавоблари ҳақида гуруҳ билан бўлиши шарт эмас.]

**10-савол**

📖 10-саволни ўқинг. [Қатнашчиларнинг бирдан уни ўқиб эшиттиришни сўранг.]

❓ Савол беринг:

- ❑ “Афсусланиш билан чин дилдан тавба қилиш ўртасида қандай фарқ бор?” [б) ва в) жавоблар) бунга аниқлик киритади. Чин дилдан тавба қилиш ҳаёт тарзининг ўзгартирилишига олиб келади. Бу худди 9-саволдаги расмда кўрсатилган иккинчи одам сингари тўлиқ юз буришни англади.]

**Айтинг:**

- ❑ “Энди биз Масихга эргашиш учун босиладиган иккинчи қадамга ўтамыз: “Баҳосини тушуниш”



**Г) БАҲОСИНИ ТУШУНИШ (12-14-саволлар)****12-савол**

Ушбу расмга қаранг.

**[?] Савол беринг:**

- “Сизнингча, Шимўн Исога эргашишнинг баҳосини тушунгач нима ҳис қилган?” *[Муҳокама қилинг. Ҳар бир қатнашчи ўз фикри билан бўлишиши мумкин, тўғри ёки нотўғри жавоб йўқ.]*
- “Биз ҳаётда шунга ўхшаш танловга рўпара бўлганмизми?” *[Қатнашчилар айтишлари керак: улар Масиҳни қабул қилганми ёки ҳали ҳамон бу танловнинг баҳоси ҳақида ўйлашяптими?]*

**13-савол**

**[📖] Биринчи жумлани ва рамкадаги парчани ўқинг (ўқиб эшиттиринг).**

**[?] Савол беринг:**

- “Сизнингча, бу ҳикоянинг маъноси нима?” *[Муҳокама қилинг. Масиҳга эргашишнинг баҳоси юқори бўлиши мумкин, лекин Масиҳ бунга арзийди. Исо энг яхши марвариддан ҳам афзал ва қимматлидир!]*
- “13-саволда қайси жавобларни белгиладингиз?” *[Қатнашчилар ўзлари белгилаган ёки ёзган нарсалари ҳақида бўлишишлари керак.]*
- “Ким қиммат баҳо тўлади, Масиҳга эргашиш учун бизларми ёки Масиҳнинг ўзими?” *[Масиҳ. 14-саволга қаранг.]*

**Маданиятга оид маслаҳат: Эндигина имонга келганлар ва Исога эргашишнинг баҳосини тушуниш**

Кўп имонлилар учун Исога эргашиш жуда қимматга тушади. Бироқ айримларнинг ҳисоблашича, бу одамнинг ихлосини қайтаради холос, шу тариқа мазкур масалага ҳаддан зиёд кўп эътибор бермаслик лозим. Гарчи 13-саволда Исога эргашишнинг баҳоси кўрсатилган бўлсада, 14-саволда бу баҳо ўзини оқлаши ҳақида сўз юритилади.

Худодан мазкур ҳақиқатлар қатнашчиларнинг ҳолатига қараб тўғри тақсимланиши учун йўл-йўриқ беришини сўранг.

**Айтинг:**

- “Масиҳга эргашиш учун босиладиган иккинчи қадам нимадан иборат?” *[Бунинг баҳосини тушуниш.]*
- Энди учинчи қадамга ўтамиз: Масиҳга ишонинг.



**Д) МАСИХГА ИШОНИШ (15-18-саволлар)****★ Бошқа одамга ишонишни машқ қилиш орқали “Масихга ишониш”**

**тушунчасини** очиб беринг. *[Изоҳ: Гуруҳда қилинадиган бу машқ маълум бир ёш ёки тоифадаги одамлар учун фойдали бўлиши мумкин, бироқ ҳамма учун эмас. Сиз ўқувчиларингизга унинг қанчалик тўғри келишини аниқлаб олишингиз керак.]*

- Гуруҳ қатнашчиларини жуфтликларга ажратинг, уларнинг бўйи, вазни ва жинси бир хил бўлиши лозим.
- Бир одам қулайди, бошқаси уни тутиб олади.
- Қулаётган иккала оёғини бирлаштирган ва тутиб олувчига тескари турган ҳолатда, тўғри туриши керак. Тутиб олувчи бир оёғини олдинроққа қўйиб, қўлларини олдинга чўзиши ва қулаётган шеригини тутишга тайёр туриши лозим.
- Қулаётган: “Тутишга тайёрмисан?” деб, сўнг баданини бўшаштирмасдан орқага қулаши лозим. Тутиб олувчи уни авайлаб ушлаб олиши, ерга қулашига йўл қўймаслиги лозим!
- Сўнг тутиб олувчи ва қуловчи роллар билан алмашишади.

**[?] Савол беринг:**

- “Тутиб олувчига тўлиқ ишонганингизда қандай кечинмаларни ҳис этдингиз?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради]*

**Айтинг:**

- “Исо Масихга ишониш ҳам худди тутиб олувчига ишонишга ўхшайди. Аввалига бироз кўрқасиз, бироқ ҳар сафар қулаганимизда Унинг бизни тутиб олишини тушунамиз ва Унга бўлган ишончимиз ўсади”.

**16-савол**

**📖** Кўрсатилган учта мисолни **ўқинг** (бола, бемор ва йўловчи).

**[?] Савол беринг:**

- “Бу одамларнинг ҳар бири қай даражада ишонч кўрсатишади? *[Катта ишонч. Улар шериги ғамхўрлик қилишига ва зарар етказилишига йўл қўймаслигига ишонишади.]*
- “Биз Исо Масихга худди шундай ишона оламизми?” *[Муҳокама қилинг. Ҳа, У ҳар қандай одамдан кўра кўпроқ ишончга лойиқ.]*
- “Қайси соҳаларда Унга ишонамиз?” *[Муҳокама қилинг. Мисол учун, биз Исо гуноҳларимизни кечиришига, хайрли ишлар қилишимиз учун бизга куч ато этишига, бизни ҳимоя қилиши, йўналтириши ва жаннатга олиб келишига ишонамиз.]*



- ❑ “Кулаш” машқидаги кечинмаларингизни эсланг. Худди шу тарзда Исога ҳаётингизнинг ҳар бир соҳасини ишониб топшира оласизми?” [Ҳа, биз ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасини Унга ишониб топшира оламиз.]

### Кўриб чиқиш:

- ❑ “Масихга эргашиш учун босиладиган дастлабки учта қадам нимадан иборат?” [Агар қатнашчилар эслай олмаса, 16-саволнинг охириги қисмига қаранг.]

Тўғри жавоблар:

1. Гуноҳдан воз кечиш.
2. Баҳосини тушуниш.
3. Масихга ишониш.]

### Томоша қилинг (ихтиёрий равишда):

- ❑ “Чуқурлик” <http://www.youtube.com/watch?v=I7nrSP8Y6So&list=PLii-1XQvc15ZnuWhI00HvqWKDlNJjr13R&index=1>  
[Бу видеолар араб тилида. Араб тилини билмаганлар уни яхши тушунишмайди, шундай бўлсада, улар ҳам бу видеолардан ўзлари учун маълум бир нарсаларни олиши мумкин. Унинг ўқувчиларга қанчалик тўғри келишини ўзингиз ҳал қилинг. Маъноси шунга ўхшаш бўлган бошқа видеолар топширингиз мумкин.]

### ❓ Савол беринг:

- ❑ “Ўзингизни ҳеч чуқурликка тушиб қолгандек ҳис қилганмисиз?” [Ҳар ким ўзи жавоб беради.]
- ❑ “Чуқурликдан чиқиш учун унинг ягона умиди нима эди?” [Тепанда қўлида арқони бор одам.]
- ❑ “Чуқурликка тушган одам уни қутқарганга қандай жавоб бериши лозим?” [Унинг ортидан эргашиши лозим].
- ❑ “Исо бизни қутқарди. Биз Унга қандай жавоб беришимиз керак?” [Бутун ҳаётимиз давомида Унинг ортидан эргашишимиз керак.]

## Е) МАСИХНИНГ ЖАМОАТИГА ҚЎШИЛИШ (19-20-саволлар)

### Мурожаат (20-саволдан кейин)

📖 Саҳифага берилган изоҳни ўқинг.



**[?] Савол беринг:**

- ❑ “Ўқитувчи қандай уч турдаги одамларни тилга олди?” *[Масихга эргашган, Унга эргашишга тайёр бўлганлар ва бу ҳақида ўйлаб кўришга кўпроқ вақт ажратишни истаган одамлар.]*
- ❑ “Сиз қайси турдаги одамлар сарасига кирасиз?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради. Қатнашчилардан бунни айтишни ёки бу ҳақида ўзлари мулоҳаза қилишларини сўраш сизнинг ихтиёрингизда.]*

**МАШҒУЛОТ ЯКУНИДА****[?] САВОЛ БЕРИНГ:**

- ❑ “Бу дарс сизнинг ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” *[Ҳар бир қатнашчи, шу жумладан сиз ҳам бу ҳақида бўлишингиз керак.]*

**АЙТИНГ:**

- ❑ “Ҳар ҳафта Амалий Топшириқ берилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу сизга дарсни амалда қўллашга ёрдам беради, натижада олган билимларингиз шунчаки назария бўлиб қолмасдан, ҳаётингизнинг бир қисмига айланади”.

**📖 ЎҚИНГ:** Амалий топшириқ (1-дарснинг охирида).

**АЙТИНГ:**

- ❑ “Бу жуда муҳим топшириқ. Сиз уни бу ҳафта бажаришингиз керак. Бу ҳақда Худо билан гаплашингизни сўраймиз. Агар истасангиз, бу ҳақда мен билан ҳам яқка ҳолда гаплашиб олишингиз мумкин”.
- ❑ “Келгуси ҳафта ўтказиладиган машғулотга 2-дарс бўйича тайёрланишингизни сўраймиз”.

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ:** Исо Масих орқали Худони шахсан таниб-билиш имконига эга бўлганимиз учун Худога раҳмат айтинг.



**2-дарс бўйича кўрсатмалар****Масихда янги ҳаёт****2-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР**

Ҳар бир қатнашчи:

- а. Масихда ҳаёт кечирганидан севиниши;
- б. 2 Коринфликларга 5:17 ни ёд олиши;
- в. Янги мансубликка, янги табиатга эга бўлганини, янгидан туғилганини тушуниши;
- г. Эски табиатига қарши руҳий кураш олиб бориш принципига амал қилиши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ**

- ❑ Айтинг: “1-дарсга амалий топшириқ бўйича “Масихга эргашганманми?” деган савол устидан жиддий ўйлаб кўришингиз керак эди. Бу топшириқни бажардингизми?”

**БУГУНГИ МАВЗУ**

- ❑ Айтинг: “Бугун биз Раббимиз Исо Масих берадиган янги ҳаёт ҳақида билиб оламиз. Бу ҳаёт янги мансубликни, янгидан туғилишни ва янги табиатни назарда тутди”.

**ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

- ❑ Ўқувчилар билан бирга 2-дарс мазмуни ёзилган саҳифани очинг. Ўқувчилар саволларга қандай жавоб берганини кўринг. Мана тўғри жавоблар:
  - 1-савол: а) янги ҳаётга эришади; б) танланган халқи бўламиз.
  - 2-савол: эски, янги;
  - 3-савол: ҳар ким ўзи жавоб беради [ҳар бир қатнашчига қўлланмага ўзининг жавобини ёзиб бориши лозим эканини эслатинг, улар бу саволни жавобсиз қолдирмаслиги керак. Улардан ёзган нарсалари ҳақида бўлишишни сўранг.]
  - 4-савол: Масихга, янги, эски, янгиси.
- ❑ Гуруҳ билан бирга ёд олиш учун оятни машқ қилинг: “*Бинобарин, ким Масихга тегишли бўлса, у янги ижоддир. Эски ҳаёт ўтиб кетди, янгиси эса бошланди*” (2 Коринфликларга 5:17).





**А) 1 БУТРУС МАКТУБИ БИЛАН ТАНИШИШ (1-4-саволлар)****Айтинг:**

“Ортимдан юр” курси Худо Каломида Бутруснинг биринчи мактуби, яъни қисқача 1 Бутрус номли қисмга асосланган. Келинг, дастлабки иккита оятни ўқийлик”.

**📖 Биргаликда 1 Бутрус 1:1-2 ни ўқинглар.**

*(Агар ўқувчиларингизда Муқаддас Китоб бўлмаса, уларга парчани ўқиб эшиттиринг ёки парчадан нусха кўчириб беринг).*

**? Савол беринг:**

- ❑ “1-оятга кўра, ким Худонинг бошқаруви билан ушбу мактубни ёзди?”  
[Хаворий Бутрус. Ўтган ҳафта биз мана шу Шимўн Бутрус ҳақида сўз юритган эдик. Каломдаги ҳар хил китоблар бир-бирига қандай боғлиқлиги ва улар, гарчи одамлар томонидан ёзилган бўлсада, Худонинг ҳақ Каломи эканлиги ҳақида биз 6-дарсда кўпроқ билиб оламиз.]
- ❑ “Биринчи оятда мактубни олувчилар ҳақида нима дейилган?” [Отамиз Худо томонидан азалда танланган бу имонлилар тарқоқ ҳолда мусофир бўлиб кун кечиришарди. Улар ҳозирги Туркия давлатининг ҳар хил қисмларида яшаган.]

**Айтинг:**

“Худди мусофирлар сингари тарқоқ ҳолда, уйдан йироқда ҳаёт кечириш осон эмас. Бу ҳақида биз 8-дарсда кўпроқ билиб оламиз. Шу вақтнинг ўзида Худонинг танланган халқи эканлигимизни ҳис қилишимиз нақадар ажойиб! Худо бизни туғилишимиздан аввал танлаб олди ва мангу севги билан севди! Энди келинг, янги мансублигимиз, яъни Худонинг танланган халқи бўлганимиз ҳақида кўпроқ билиб олайлик”.

**Б) ЯНГИ ШАХС СИФАТИДА МАНСУБЛИГИМИЗ (5-7-саволлар)****5-савол****📖 Биринчи абзацни ўқинг.****? Савол беринг:**

- ❑ “Эътиқодини ўзгартирган одамларни гоҳида қандай сўз билан аташади?”  
[Муҳокама қилинг. Балки “динини сотган” (кофир) ёки “диндан қайтган” (муртад) дейишар.]
- ❑ “Аслида, Худонинг назарида янги мансублигингиз қандай аталади?” [Биз Худонинг танланган халқимиз!]



**7-савол**

📖 Биринчи абзацни ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Лойиқ бўлмасак ҳам, Худо бизни танлаб олганини, дунё бизни рад этсада, Худо бизни мангу севги билан севганини билишингиз сизда қандай туйғуларни уйғотади?” *[Муҳокама қилинг. Ҳар ким ўзи жавоб беради.]*

**В) ЯНГИДАН ТУҒИЛИШИМИЗ (8-11-саволлар)****8-савол**

Капалак қурти ва капалак чизилган расмни кўздан кечиринг

📖 8-саволни ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Капалак қурти капалакка айлангач аввал қандай бўлса, шундай мавжудот бўлиб қолаверадими ёки ўзгарадими?” *[Бир томондан у худди аввалги мавжудотлигича қолади, аммо ўзига хос “янги туғилишни” бошдан кечиради, шу тариқа мутлақо бошқа қиёфага кириб, учишга қодир бўлади.]*
- ❑ “Ушбу мисол қайси жиҳати билан бизнинг Исо Масихда янги ижод бўлиб туғилишимизга ўхшайди?” *[Бир томондан биз аввал қандай бўлсак, ўша инсонлигимизча қоламиз, бироқ бизда худди капалак қурти капалакка айлангани каби, жуда катта ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгариш ҳаётимизда кўриниш беради ва биз янгича ҳаёт кечирамиз, Худонинг Руҳи етакловида яшаймиз.]*

**10-савол**

📖 Саволни бошдан охиригача ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Қайси жавоб тўғри?” *[б]*



**11-савол**

📖 1 Бутрус 1:3 ни ўқинг.

**[?] Савол беринг:**

- “Ким бизга янги ҳаёт берди?” *[Худо, биз Уни Раббимиз Исо Масихнинг Отаси деб ҳам атаймиз]*
- “У нима учун бизга янги ҳаёт берди?” *[“Беҳад раҳм-шафқати боис”.]*
- “Янги туғилиш туфайли биз нимага эришамиз?” *[Исо Масихнинг ўликдан тирилгани учун энди бизнинг умидимиз бор.]*

**Г) СИЗ-ЧИ, ЯНГИДАН ТУҒИЛИШНИ БОШДАН КЕЧИРДИНГИЗМИ? (12-13-саволла)****12-савол**

📖 Саволни бошдан охиригача ўқинг.

**Айтинг:**

- “Шифокор ҳақида бу расм бизга қандай одамлар янгидан туғилишни бошдан кечиришини кўрсатиб беради”.

**[?] Савол беринг:**

- “А банди остидаги бемор қандай одам?” *[У Масихнинг таклифига ишонади, бироқ Унга эргашишга кўрқади.]*
- “Б банди остидаги бемор қандай одам?” *[У Масихнинг таклифига мутлақо ишонмайди.]*
- “В банди остидаги бемор қандай одам?” *[У Масихнинг таклифига ва Масихга ишонади, Уни ўз ҳаётига қабул қилади.]*
- “Шундай экан, биз қандай қилиб руҳан, янгидан туғилишимиз мумкин?” *[Худди В бандидаги бемор сингари, Масих таклиф этган нарсага ишониш орқали. Бу Масихга: “Ҳаётимга кириб келишингни сўрайман” дейишни назарда тутди.]*

**13-савол**

📖 Ўқитувчининг изоҳини ўқинг.

**Айтинг:**

- “Сиз Раббий Исони ҳаётингизга қабул қилганмисиз? Фақат шу орқалигина биз ажойиб, янги туғилишни бошдан кечиришимиз мумкин. Агар ҳали бу қадамни босмаган бўлсангиз, менинг олдимга келинг ва биз якка ҳолда бу ҳақда гаплашиб оламиз”.



**Д) БИЗНИНГ ЯНГИ ТАБИАТИМИЗ (14-16-саволлар)****14-15-саволлар****Айтинг:**

- ❑ “Биз Раббимиз Исо Масих бизга янги мансублик ва янгидан туғилиш беришини билиб олдик. Келинг, мана шу янги табиат Масихга эргашган бир нечта одамни қандай ўзгартирганини кузатайлик”.

📖 14 ва 15-саволларда ҳар хил одамларнинг Масих ҳақида қандай гувоҳлик берганини **ўқинг**. Улар рамкада келтирилган. Сиз ва ўқувчилар навбатма-навбат ўқиб эшиттиришингиз мумкин.

📖 15-саволда “қандай кўринарли ўзгаришлар ...” деган сўзлар ёзилган қисмни **ўқинг (ўқиб эшиттиринг)**.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Бу қисмда сиз нима ёздингиз?” *[Ҳар бир қатнашчи ўзи бошдан кечирган битта ўзгариш ҳақида бўлишиши лозим.]*

**Е) БИЗНИНГ РУҲИЙ КУРАШИМИЗ (17-20-саволлар)****17-савол**

📖 Биринчи абзацни ва рамкада Каломдан олинган парчани **ўқинг**.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Каломдан олинган ушбу парчага кўра, қандай ҳатти-ҳаракатлар эски табиатимизни намоён этади?” *[Жаҳл, ғазаб, ёвузликлар, жеркиш ёки ножўя сўз.]*
- ❑ “Сизнинг ҳатти-ҳаракатингизда булар учрайдими?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради]*
- ❑ “Ушбу парчада бизга бу каби ҳатти-ҳаракатга оид қандай амр берилган?” *[Уларни бир четга йиғиштириб қўйиш. Бундай ҳатти-ҳаракат худди ирғитиб юбориш лозим бўлган эски, кир устибошга ўхшайди. Бунинг ўрнига биз худди янги кийим кийгандек, янги табиатга бурканмоғимиз лозим.]*
- ❑ “Бу осонми?” *[Қийин! Шу қадар қийинки, ҳатто ўз кучимиз билан буни қилолмаймиз.]*



## 19-савол

📖 Биринчи абзацни ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Бу икки эчки нимани ифода этади?” [Қора эчки эски, гуноҳли табиатимизни, оқ эчки эса бизнинг Масихда эга бўладиган янги табиатимизни ифода этади.]
- ❑ “Ҳаётимизда уларнинг қайси бири енгиб боряпти?” [Биз қайси бирини “кўпроқ боқиб, озиқлантурсак” шуниси. Мисол учун, агар Масихда эга бўлган янги табиатимизга жонбозлик қилсак, у кучга тўлади, бироқ эски табиатимизга эркинлик берсак, у бизни кўпроқ назорат қилади.]

Қора ва оқ эчкиларнинг сузишганлари ҳақида видеолавҳани **ТОМОША ҚИЛИНГ**

<http://www.youtube.com/watch?v=HG24G---dGzrQ>

❓ Савол беринг:

- ❑ “Оқ эчкига” озиқланиши ва семиришига ёрдам бериш, “қора эчкининг” эса кучдан қолиши учун амалда нима қила оласиз? [Ҳар ким ўзи жавоб беради. Сиз ҳам ўз тажрибангиз ҳақида бўлишишингиз керак. Бунинг ҳар қуни давом этадиган кураш эканлигини айтинг. Ҳалигача курашиб келаётганингиз ва мукамалликдан йироқ эканлигингизни тушунтиринг.]
- ❑ “Бу кураш осон кечмайди ва агар ўз кучимизга ишонсак, енгиламиз. Ғолиб бўлишимиз учун ким бизга куч бера олади?” [Ичимизда Муқаддас Рух орқали яшаётган Худо. Бу ҳақда биз 4-дарсда кўпроқ билиб оламиз. Муқаддас Инжилда: “Менга куч–қувват берадиган Исо Масихнинг мадади билан ҳар нарсани қила оламан” дейилган (Филиппиликларга 4:13).]

**Маданиятга оид маслаҳат: Жиҳод**

“Жиҳод” сўзини эшитганимизда кўз олдимизга янгиликларда айтиладиган диний экстремистлар келади. Бироқ арабча “жиҳод” сўзи асл маъносида “курашиш”ни англатади. Шунингдек, бу қуролли курашни ҳам назарда тутати ва халқ тилида “кичик жиҳод” деб айтилади. “Буюк жиҳод” деб одамнинг Худо ўрнатган талабларга ўзини бўйсундириш учун курашиши тушунилади. Бу тушунча “руҳий кураш”, яъни гуноҳга қарши **курашишимизга** ўхшаш маъно касб этади. Буни айнан шундай тушунтириш фойдали бўлади. Лекин барибир ўқувчиларга эътиборли бўлинг. Агар улар учун жиҳод сўзи диний экстремизмни англатса, бу ҳолда юқоридаги аналогияни келтирмаганингиз маъқул.



**20-савол**

📖 Ёд олиш учун 2 Коринфликларга 5:17 ни (рамкада) **ЎҚИНГ**. Қай даражада яхши ёдлаганингизни текшириб кўриш учун оятни биргаликда ёддан айтиб кўринглар.

**Якуний ибодат****Маданиятга оид маслаҳат: Ибодат вақтидаги ҳолат**

20-саволдаги расмда иккала қўл бирлаштирилмаган, аксинча кафт томони билан тепага қаратилган. Ҳеч қизиқиб кўрганмисиз: нима учун имонлилар ибодат қилган вақтда одатда бошини эгади, кўзларини юмиб, кафтларини бирлаштиради? Бунинг ҳеч қандай салбий томони йўқ, бироқ Каломда биронта оят шундай қил демаган, аксинча, одамларнинг турли ҳолатларда туриб ибодат қилганларига мисоллар келтирилади.

Айрим маданиятларда одамлар кафтини тепага қаратиб ибодат қилади ва ўқувчиларга бу ҳолат яхши таниш бўлиши мумкин. Бу биз Худонинг олдида бўш қўл билан, Ундан илтифот сўраб келишимизни кўрсатишнинг яхши йўли. Агар истасангиз, ўқувчилардан: “Шу пайтгача шундай ибодат қилганмисизлар ва масихий бўла туриб шундай ибодат қилишни истайсизми?” деб сўрашингиз мумкин.

**МАШҒУЛОТ ЯКУНИДА****❓ САВОЛ БЕРИНГ:**

- ❑ “Ушбу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришларни олиб келади?” [Ҳар бир қатнашчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз лозим]

📖 Иккинчи дарс бўйича амалий топшириқни **ЎҚИНГ**.

**АЙТИНГ:**

- ❑ “Бу ҳафта амалий топшириқни бажаринг. Шунингдек, уйда 3-дарсни ўрганинг”.

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ:** Худодан ҳар кунги руҳий курашда сизга ғалаба қозонишга ёрдам беришини сўранг.



## 3-дарс бўйича кўрсатмалар

## Ота Худо

**3-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР**

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Худо билан худди Ота билан бўлгандек муносабат қуришга илҳомланиши;
- б. Масиҳийлар нима учун Исони “Худонинг Ўғли” деб аташини асосли қилиб тушунтиришга қодир бўлиши;
- в. 1 Юҳанно 3:1 ни ёд олиши;
- г. Ота Худонинг шартсиз севгисини тушуниши ва шундай севгини болаларга кўрсатишга ҳаракат қилиши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ**

- Айтинг: “Иккинчи дарс бўйича амалий топшириқ эски табиатимизнинг учта ёмон одатига қарши курашишдан иборат эди. Бу қандай ўтди? Сиз ўсишга эришдингизми ёки қийинчилик сездингизми?”

**БУГУНГИ МАВЗУ**

- Айтинг: “Айрим динларда Худога Ота деб мурожаат қилиш куфрлик ёки *ширк* ҳисобланади! Лекин Худони руҳий Ота сифатида кўриб Унга мурожаат қилиш мумкин ва Худо биз масиҳийларга бу билан буюк бир севгини кўрсатди. Бугун мана шу ҳақида гаплашамиз”.

**ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

- Ўқувчилар билан бирга 3-дарс мазмуни ёзилган саҳифани очинг. Ўқувчилардан улар саволларга қандай жавоб берганларини кўринг. Мана тўғри жавоблар:  
*1-савол:* а) Ота; б) Ота.  
*2-савол:* а) Тўғри; б) Тўғри; в) Нотўғри.  
*3-савол:* фарзандларим, буюк бир севгини, фарзандларимиз.
- Ёд олиш учун оятни кейинроқ ўқиб машқ қиламиз.



**Маданиятга оид маслаҳат: Худони “Ота” деб**

Айрим динларнинг таълимоти бўйича инсон зотиغا Худони таниб-билиш буюрилмаган, илоҳийлик фақат Унинг Ўзигагина хос сифат. Улар учун арабча *ширк* сўзи мавжудотни Худога шерик қилишни назарда тутди. Уларнинг назарида “оталик” бу бор йўғи инсоний тафаккур маҳсули бўлиб, ўз асосида жинсий яқинликни назарда тутди. Шу тариқа Худони “Ота” дейиш *ширк* ҳисобланади. Бироқ биз Худони “Ота” деганимизда бу билан Унинг бизга яқинлигини ҳамда биз билан Масиҳ орқали муносабат ўрнатишни истаганини кўрсатамиз. Биз Худони ўзимиз сингари инсон эканлигини мутлақо назарда тутмаймиз. Бу ҳақда кўпроқ учинчи дарсда сўз юритилади.

**А) ИСО МАСИҲ ХУДОНИ “ОТА” ДЕБ АТАГАН (3-9-саволлар)****4-савол**

📖 Юҳанно 5:19-27 ни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Бу парчада нечта “Ўғил” сўзи ва нечта “Ота” сўзини тагига чизиб белгиладингиз? [Ўғил деган сўз – олти, Ота деган сўз – бешта бўлиши керак.]
- “Исо Масиҳнинг Ўзи мана шу унвонларни алоҳида кўрсатар экан, биз уларни ишлатишдан уялишимиз керакми?” [Йўқ.]
- “Масиҳга ишонмайдиган дўстларимиз нима учун “Ота” ва “Ўғил” деган унвонларни рад этишади?” [Чунки уларнинг назарида масиҳийлар Худодан ўғил туғилиши учун Худо аёл зоти билан жинсий яқинликда бўлган деб ўргатишади.]  
“Наҳот бизнинг эътиқодимиз шундай бўлса?” [Йўқ! Бу фикр Масиҳга ишонмаганлар учун қандай бўлса, биз учун ҳам шундай ҳақоратлидир.]

**7-савол**

📖 Биринчи абзацни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Маданиятингизда “ўғил” сўзи жисмоний ўғилни назарда тутмаган маънода ишлатиладиган ҳолатларни мисол тариқасида келтиринг” [Ҳар ким ўзи жавоб беради.]





**4-саволдан қўшимча****Айтинг:**

- ❑ “Олтинчи саволда биз “ўғил” сўзининг Эски Аҳд даврида Худо билан яқин алоқада яшаган, Унинг айрим сифатларини кўрсатган ёки Худо берган ҳокимиятга эга бўлган алоҳида одамларга нисбатан қандай ишлатилганини кўрдик. Келинг, Исо Масих мана шу барча функцияларни, ҳатто ошиғи билан қандай бажарганини кўриш учун 4-саволда рамкадаги парчани қайтадан ўқийлик”.

**[?] Савол беринг:**

- ❑ “Бу парчада қайси иборалар Исо Масих билан Отаси Худо ўртасидаги яқин муносабатларни кўрсатади?”  
[“Ахир, Ота Ўғлини яхши кўради, Ўзи қилган ҳамма ишларни Ўғлига кўрсатади”.]
- ❑ “Қайси иборалар Исо Масих Отаси Худога хос сифатларга эга эканини кўрсатади?” [“Ота ўликларни тирилтириб, уларга ҳаёт бахшида этгандай, Ўғил ҳам истаган одамига ҳаёт бахш этади”.]
- ❑ “Қайси иборалар Исо Масих Отаси Худо берган ҳокимият билан ҳукмронлик қилишини кўрсатади?”  
[“Ким Ўғилни ҳурмат қилмаса, Уни юборган Отани ҳам ҳурмат қилмаган бўлади”. “Ота ... ҳукм қилиш ҳуқуқини Ўғлига берган”.]

**Айтинг:**

- ❑ “Шундай қилиб, Исо Масих Эски Аҳд даврида ишлатилган “Худонинг ўғли” атамасига хос барча функцияларни бажарди. У доимо Худога яқин бўлган, У Отаси билан бирдек сифатларга эга ва Отаси берган ҳокимият билан ҳукмронлик қилади. Шунингдек, Худо сингари У ҳам истаган одамига ҳаёт бахш этади”.  
“Бундан ташқари, Исо Масих яна ҳам катта ҳақиқатни очади. Бу ҳақда биз саккизинчи саволда ўқишимиз мумкин”.

**8-савол**

📖 **Биринчи абзацни ўқинг.**

**[?] Савол беринг:**

- ❑ “Исо Масих айтган қайси сўзлар Унинг Худо билан бир хил табиатга эга эканини кўрсатади?” [“Мени кўрган одам Отани кўрган бўлади”.]  
8-саволни бошдан охиригача ўқинг.



**Айтинг:**

- “Жуфтликларга бўлининглар. Бир киши масиҳий ролини ўйнайди. Уч дақиқа ичида имонсиз одамнинг ролини ўйнаган шеригингизга биз нима учун Исо Масиҳга нисбатан “Худонинг Ўғли” деган атама ишлатишимизни қисқача тушунтиринг. Сиз 3-9-саволларнинг исталган қисмларини ишга солишингиз ёки буни мустақил равишда тушунтиришга ҳаракат қилиб кўришингиз мумкин”.
- “Энди роллар алмашилади ва иккинчи одам ўз шеригига худди юқоридаги нарсани тушунтириши керак”.  
*[Бу гуруҳда бажариладиган машқ. Бироқ ушбу курсни бир киши билан ўтсангиз, машқни биргаликда бажаринг.]*

**Б) БИЗ ҲАМ ХУДОНИ “ОТА” ДЕЯ ОЛАМИЗ (10-18-саволлар)****10-11-саволлар****Айтинг:**

- “Биз Исо Масиҳни Худонинг Ўғли деб аташимиз мумкин. Энди биз яна ҳам катта қадам ташлаймиз. Биз Худони Масиҳ орқали Ота дея оламизми? Келинг шу ҳақида гаплашайлик”.
- 10-саволни бошидан охиригача ва 11-саволнинг биринчи абзацини **ўқинг**.

**[?] Савол беринг:**

- “Биз Худони руҳий маънода Ота дея оламизми?” *[Ҳа]*
- “Нима учун?” *[Чунки Худо “тўнғич Ўғли” Исо Масиҳ орқали бизни Ўзига руҳий фарзанд қилиб олди”.]*
- “Ўнинчи саволда Каломдан келтирилган қайси оят Отамиз Худо бизни фарзандларим деб, буюк бир севги кўрсатганини айтади?” *[1 Юҳанно 3:1]*

**★ Ёд олиш учун 1 Юҳанно 3:1 ни амалий жиҳатдан **очиб беринг**.**

- Ҳар бир сўзни ҳар хил қоғозчаларга ёзинг ва уларни аралаштиринг.
- Ўқувчилардан сўзларни тўғри тартибга солишни ва оятни айтиб беришни сўранг.
- Энди икки ёки учта сўзни олиб ташланг ва оятни қайтадан айтинг.
- Буни ўқувчилар бутун оятни қоғоздаги сўзларга қарамай айтиб бера олмагунича давом эттиринг.



**12-савол**

📖 Саволни бошдан охиригача ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Дунёвий отамизнинг севгиси билан Самовий Отамизнинг севгиси ўртасида қандай фарқ бор?”  
*[Дунёвий отамизнинг севгиси биз эришадиган ютуқлар ва муваффақиятларга боғлиқ, Самовий Отамиз эса бизни боримизча севади.]*
- ❑ “Худо бизни ҳар доим севадими ёки биз ўзимизни яхши тутган вақтлардагинами?” *[Ҳар доим.]*
- ❑ “Биз болаларимизни ҳар доим яхши кўришимиз керакми ёки улар ўзларини яхши тутган вақтдагинами?” *[Ҳар доим.]*

**13-савол (а)**

**Айтинг:**

- ❑ “Келинг, Худони Самовий Ота деб, У ҳақда ўйлашдан аввал дунёвий оталаримиз ҳақида ўйлаб кўрайлик ва улар билан муносабатларимиз ҳақида бўлишайлик. Шунини биламизки, ҳар биримизнинг ўз отамиз билан муносабатимиз ўзгача, ҳеч биримизнинг отамиз комил инсон эмас. Орамизда айримлар ўз отаси билан ёмон муносабатда бўлиши мумкин. Бироқ самовий Отамиз мутлақо бошқа! У бизни шартсиз севади”.

*Изоҳ: Илтимос, ўқувчиларнинг ўтмиш хотираларига эътиборлироқ бўлинг. Уларнинг кўнглида оталари ҳақида ёқимсиз хотиралар қолган бўлиши мумкин. Уларга ўзлари учун қулай нарсалар ҳақида гапиришга йўл қўйиб беринг.*

📖 13-саволдаги Биринчи абзацни ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Ким ўз болалиги ва дунёвий отаси қандай бўлгани ҳақида гапириб беришни истайди?” *[Бу савол ўқувчилар учун ҳаддан ташқари қўпол ёки оғир деб ҳисобласангиз, уни ўтказиб юборинг. Дунёвий отангиз ҳақида гапириб беришга тайёр бўлинг.]*



**13-савол (б)**

📖 13-саволнинг иккинчи ва учинчи абзацларини ўқинг

❓ **Савол беринг:**

- ❑ “Гоҳида Худо ҳам ўғлининг ерга қулашига йўл қўйиб берган ўша отага ўхшашидан қўрқасизми?”  
[Ўқувчиларга қўрқув хавотирлари ҳақида самимий бўлишишга йўл қўйиб беринг. Сўнг, Худо ҳеч қачон бизни алдаб қўймаслигини айтиб, уларни ишонтиринг. У: “Сизларни ташлаб кетмайман, сизларни тарк этмайман” – деб ваъда қилган (Ибронийларга 13:5)].

**Маданиятга оид маслаҳат: Худони яқиндан таниб-билиш**

Бошқа динларга эътиқод қилган дўстларимиз кўпинча Худони узоқ ва етишиб бўлмайдиган Зот ўрнида кўришади. Гарчи улар Худо ҳақида: “У бизга жон томиримиздан ҳам яқинроқдир” дейишса-да, бу билан икки тарафлама муносабат назарда тутилмайди. Худо билан яқин муносабат ўрнатиш жуда кўпчиликнинг онги учун бегона тушунча. Масиҳийларнинг Худо ҳақида фикр-тасаввурлари мутлақо бошқача – ҳақиқатан, Худо бизни кутқариш учун келган, У бизга Уни “Ота” деб аташни таклиф қилади.

**14-15-саволлар**

📖 Луқо 15:11-24 ни ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- ❑ “Исо айтган ҳикояда ота қайси жиҳати билан ажаблантиради?” [Бу одамнинг ўғли уни жуда қаттиқ ҳақорат қилган эди. Ўғли қайтиб келганда эса у ўғлини қабул қилди!]
- ❑ “Сизнингча, Исо Масиҳ бу ҳикоя орқали бизга Худо ҳақида нимани ўргатмоқда?” [Худо худди мана шу ота сингари меҳрибон. Гарчи Уни қаттиқ ҳақорат қилган бўлсакда, У бизни қабул қилади ва кечиради!]



**16-савол**

📖 Назир ҳақида ҳикояни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Орангизда Назирнинг вазиятига ўхшаш ҳолатни бошдан кечирганлар борми?” [Ўқувчилар бошдан кечирганлари ҳақида бўлишишлари керак. Агар шу вақтга қадар ҳеч ким биздан юз ўгирмаган бўлса, бу кейинчалик, оиламиз Масиҳга ишонишимиздан бохабар бўлгандан кейин юз бериши мумкин.]
- ❑ “Назирнинг отаси қайси жиҳати билан Самовий Отамиздан фарқ қилади” [Бизнинг Самовий Отамиз ҳеч қачон биздан юз ўгирмайди!]

**18-савол**

📖 Саволни бошдан охиригача ўқинг.

**Айтинг:**

- ❑ “Келинг, Забур китобида ёзилган ушбу оятни такрорлайлик”. [Бирга айтинглар: “Ота-онам мени тарк этса ҳатто, Эй Эгам, Сен мени қабул қиласан”.]

**МАШҒУЛОТ ЯКУНИДА****? САВОЛ БЕРИНГ:**

- ❑ “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” [Ҳар бир қатнашчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишишингиз лозим]

📖 **ЎҚИНГ** Учинчи дарс бўйича амалий топшириқ

**АЙТИНГ:**

- ❑ “Илтимос, ушбу амалий топшириқни ўз болаларингиз ёки қариндошларингизнинг болалари билан бажаринг. Шунингдек, уйда 4-дарсни ўрганинг”.

🕯 (Агар истасангиз) Эгамиз Худонинг севгиси ҳақида кўшиқ **АЙТИНГЛАР**.

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ:** дунёвий отамиздан кўра кўпроқ Худога ишониб яшай олганимиз, шунингдек, ҳатто ота-онамиз бизни тарк этса ҳам, У бизни ҳар доим қабул қилиши учун Худога раҳмат айтинг.



## 4-дарс бўйича кўрсатмалар

### Масиҳга Унинг Руҳи қудрати билан бўйсунуш

#### 4-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Фикр-зикрда ҳам, сўзда ҳам, амалда ҳам Раббимизга тўлиқ бўйсунушга қарор қилиши;
- б. 1 Бутрус 1:15 ни ёд олиши;
- в. Худонинг учлик табиатини ифода этишга оз бўлсада ёрдам бера оладиган иккита мисол келтира олиши;
- г. Муқаддас Руҳга яна ва яна тўлиб боришни исташи лозим



**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ**

- ❑ Айтинг: “Учинчи дарс бўйича амалий топшириқ бўйича, фарзандларингизга иккита йўл билан шартсиз севги кўрсатишингиз керак эди. Бунинг қандай иккита йўлини топдингиз? Уларни амалда қўлладингизми?”

**БУГУНГИ МАВЗУ**

- ❑ Айтинг: “Бугун биз Исо Масих ва Унинг Руҳи ҳаётимизда қандай ишлашини билиб оламиз. Шунингдек, биз Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳнинг бир-бирига қандай тегишлилиги ва яхлит, Ҳақ Худо эканлиги ҳақида бироз тушунчага эга бўламиз”.

**ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

- ❑ Ўқувчилар билан бирга 4-дарс мазмуни ёзилган саҳифани очинг. Ўқувчилар саволларга қандай жавоб берганини кўринг.

- ❑ Мана тўғри жавоблар:

1-савол: а), б), в) ва г), ҳаммаси

2-савол: б)

3-савол: муқаддас бўлинглар, зеро, сизларни даъват этган Худо муқаддасдир. (1 Бутрус 1:15)

4-савол: б)

**❓ САВОЛ БЕРИНГ:**

- ❑ Амалий топшириқни бажардингизми? Ҳаётингизда ўз фарзандларингизга севги кўрсатдингизми? Нима қилдингиз? [Ўқувчилар нима қилганлари ва натижа қандай бўлгани ҳақида гапириб беришлари керак]



**Маданиятга оид маслаҳат: Учликни таниб-билиш**

Айримлар Исо Масихга эргашсада, лекин Унинг илоҳий табиатини ёки Учликда Ота ва Муқаддас Руҳ билан қандай боғлиқ эканини тўлиқ тушунмайди. Бироздан кейин бу масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз. Шу тариқа, 4-дарс барча тафсилотлари билан бўлмасада, маълум бир даражада Худонинг Учлик табиатини тушунтиради. Чунки бу шунчаки бошланғич курс. Асосий эътибор Ота Худо, Ўғил Худо ва Муқаддас Руҳ Худони, гарчи *тўлиқ тушунмасакда*, ҳаётимизда қандай *ҳис қилишимизга* қаратилади.

Айрим имонлиларнинг Исога эргашмай қўйганига қисман Учлик борасида ўзлари учун қониқарли бир изоҳ, тушунча топа олмагани сабаб бўлган. Шу тариқа бу мавзу муҳим ҳисобланади. Шунингдек, уларга ушбу таълимотни ҳимоя қилиш, мана шу савол билан босим қилувчиларга муносиб жавоб беришнинг оддий бир йўли ҳам керак. Шундай бўлсада, биз бу мавзунини охиригача тушуниб етолмаймиз ва гоҳида бу ахлоқий бузуқликнинг оқланишига хизмат қилади. Шунинг учун сиз мураббий сифатида, айни вақтда ўқувчилар билан бу мавзунини қай даражада чуқур муҳокама қилиш лозимлигини кўра билишингиз лозим.

Муқаддас Руҳ бизга Худони танитади, Отамизнинг ҳузурига йўл очади ва тобора Исо қиёфасига кириб боришимизни таъминлайди.

Айрим динларда асосий урғу одамнинг ўз ҳаракатига берилгани боис, ушбу дарсда биз Муқаддас Руҳнинг кучи воситасидагина Худога мақбул ҳаёт кечира олишимизга алоҳида эътибор қаратамиз. Ушбу дарсга кўра, биз ҳар куни Худонинг Руҳига тўлишимиз, Ундан ҳаётимизнинг барча соҳаларини тобора кенг назорат қилиб боришини сўрашимиз лозим. Мазкур дарсда зиддиятларга йўл қўйилмасликка ҳаракат қилинади, бу айниқса Ҳосил байрамида рўй берган ҳодисалар билан боғлиқ таълимотларга тааллуқли.





**А) ҲАЁТИМИЗДА ИСО МАСИХНИНГ ИШИ (2-6-саволлар)****4-савол (а)****Айтинг:**

- ❑ “Биз Исо Масихга эргашганмиз. У бизнинг Раббимиз ва Устозимиздир. Бизни У билан мустаҳкам узвлар боғлайди ва бу узвларни биз “аҳд” деб атаймиз. Келинг, мана шу ҳақида гаплашайлик”.

📖 Биринчи абзацни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Аҳд” сўзи нимани англатади?” *[Бу бажарилиши зарур бўлган қатъий мажбурият ёки бузиб бўлмайдиган битим. 4-саволга ҳам қарашингиз мумкин.]*
- ❑ “Мусо одамларнинг поклангани ва Худо билан аҳд ёки битим тузганини тасдиқлаш учун белги сифатида уларга нима сепган?” *[Қурбонликка келтирилган ҳайвонларнинг қонини.]*
- ❑ “1 Бутрус 1:2 га кўра, Худо билан аҳд ёки битим тузганимизга белги сифатида биз нима орқали покландик”. *[Исо Масихнинг қони орқали, 2-саволга қаранг.]*

**Маданиятга оид маслаҳат: Қурбонлик ва Аҳд**

Бошқа динларда қурбонлик қандайдир йўл билан гуноҳни ювиши ўргатилади. Қурбон Ҳайит (Ийд ал-Адха) буни жуда ёрқин кўрсатиб беради. Бу байрамда одамлар Иброҳим ўз ўғлини қурбонликка келтиришга тайёр бўлганини хотирлайдилар (Ибтидо 22-боб билан таққосланг). Гарчи айримлар қурбонлик чиндан ҳам гуноҳни ювади деб ҳисобласада, лекин буни Худо бундай қурбонликни келтирган одам билан тузадиган аҳдга боғламайди. Бироқ Чиқиш китобининг 24-бобида ҳайвонларнинг қурбонликка келтирилиши шунчаки гуноҳнинг ювилишинигина эмас, балки Худонинг Ўз халқи билан қатъий битим билан боғланганини ифода этувчи белги ва муҳр сифатида ҳам хизмат қилган. Биз бу битимни “аҳд” деб атаймиз. Янги Аҳд китоби (Инжил)да Масих Ўзининг қони билан янги аҳдни муҳрлади. Ўқувчилар бир нарсани тушуниб олишлари зарур: гарчи Масих Ўзини фидо қилиб бизни ўтмишдаги барча гуноҳлардан озод қилган бўлсада, бу асло биз энди бориб яна гуноҳ қилишимиз мумкинлигини англамайди! Аксинча, эндиликда Масих билан тузилган аҳд бизни мустаҳкам узвлар билан боғлаб туради. Бу масалани биз 15-дарсинг, 17-22-саволларига етганимизда чуқурроқ ўрганамиз.



**4-савол (б)**

📖 Иккинчи абзацни “Бу мажбурият руҳий етакчи...” деган сўзлар билан бошланган жойдан ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Бу гапнинг остида биз учун қандай маъно бор?” [Айрим маданиятларда бошқаларига қараганда руҳий етакчи ёки раҳнамо (муршид) концепцияси анча кучли бўлади. Агар бу сиз яшаган муҳитга тўғри келмаса, уни ишлатманг. Бироқ ҳамма гап шундаки, Устозимиз Исо Масих билан ўртамиздаги мажбуриятимиз биз Унга барча соҳаларда бўйсунушни ўз бўйнимизга олишимизни назарда тутуди. Бизнинг Масих олдидаги мажбуриятимиз шогирднинг руҳий раҳнамо олдидаги мажбуриятларидан кўра анча кучли бўлиши лозим, негаки Масих биз учун ҳар қандай раҳнамодан кўра анча кўп нарса қилган!]

**Маданиятга оид маслаҳат: Шогирдлик йўлида тажриба**

Айрим динлар одамда руҳий раҳнамо ёки устоз бўлиши муҳимлигига алоҳида эътибор қаратиши мумкин. Бу сўз араб тилида “етакчи” маъносини бериб, *муршид* дейилади. Бундай одам қўли остидаги “шогирдлари” устидан катта ҳокимиятга эга бўлади. Шогирдлари унга ҳамма нарсада бўйсунушга қасам ичадилар. Ўқувчиларнинг келиб чиқишига қараб бу аналогия уларга бизнинг Исо Масихга эргашиш мажбуриятимиз қанча кучли эканини тушунишга ёрдам бериши мумкин. (лекин ўқувчилар Уни “муршид” деб аташдан бош тортишлари ҳам мумкин).

**5-савол**

Бу учта расмга қаранг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Сизнингча, қайси бири муҳимроқ: Раббимиз Исога ишларимиз билан бўйсунушми, сўзларимиз билан бўйсунушми ёки фикр-зикримиз билан бўйсунушми?” [Аслида буларнинг учаласи ҳам жуда муҳим, уларнинг биронтасини эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак!]
- ❑ “Ҳаётингиздан Масих сизга фикр-зикрингизда, сўзларингиз ёки ишларингизда Унга бўйсунушга ёрдам берганига мисол келтиринг”. [Ҳар бир қатнашчини, шу жумладан энг уятчанларни ҳам бу муҳокамага жалб қилишни унутманг.]



**Б) ҲАЁТИМИЗДА МУҚАДДАС РУҲНИНГ ИШИ (7-12-саволлар)****7-савол**

**Айтинг:** “Энди келинг, Худонинг Руҳи ҳаётимизда қандай ишлашини чуқурроқ ўрганайлик”.

📖 **Биринчи абзацни ўқинг.**

**? Савол беринг:**

- ❑ “Каломда ёзилган таълимотга кўра Муқаддас Руҳ қандай Зот?” [Худо Муқаддас Руҳи воситасида бу дунёда, айниқса масиҳийларнинг ҳаётидаги Ўзини намоён қилади.]
- ❑ “Масиҳга эргашганингиздан кейин Худо ҳаётингизда Ўзини аввалгидан кўра кўпроқ намоён эта бошладими?” [Аксарият бунни тасдиқлайди.]  
“Шундай экан, ҳаётингизга ким ўзгариш олиб келади?” [Худонинг Руҳи. Биз Уни Муқаддас Руҳ деб атаймиз.]

**Маданиятга оид маслаҳат: Муқаддас Руҳ ва Жаброил**

Ушбу курс материалнинг саккизинчи саволида а) жавоб белгиланади, негаки бошқа дин вакиллариининг кўпчилиги Муқаддас Руҳ бу Жаброилнинг исми деб ҳисоблайди.

**9-савол**

Саволни бошидан охиригача, саҳифага берилган изоҳгача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Бу саволларга қандай жавоб бердингиз?” [Ҳар ким ўзи жавоб беради, муҳокама учун. Тахминий жавоблар: а) Битта, б) Уч, в) Ҳа, г) Йўқ.]
- ❑ “Бу мисол бизга маълум бир даражада Худони биз фарқлай оладиган, бироқ бир-биридан ажрата олмайдиган Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ деб тасаввур қилишга ёрдам берадими?” [Муҳокама қилинг.]

**Айтинг:**

- ❑ “Табиийки, инсон келтира оладиган ҳеч қандай мисол билан Яратгувчи Худони тўлиқ изоҳлаб бўлмайди. Бироқ бу ерда ўқитувчи бизга мурожаат этиб нима деганини эслаб қолинг. Агар Худо яратган мавжудотлар учликдан иборат бўлса, уларнинг Яратгувчиси ҳам шундай бўла олмайдими?”



**11-савол**

📖 **Биринчи абзацни ўқинг.**

❓ **Савол беринг:**

- ❑ “а) бандидаги саволга қандай жавоб бердингиз ва нима учун? *[Илмий назар билан қарайдиган бўлсак, агар қуёшнинг нурлари бўлмаганида, биз уни қўра олмасдик ва агар қуёш иссиқлик таратмаганда, биз уни ҳис этолмасдик.]*
- ❑ “б) бандидаги саволга қандай жавоб бердингиз ва нима учун? *[Агар Худо Ўз Ўғлини юбормаганида, биз Унинг қандай Зот эканини билмас эдик. Агар Худо Ўзининг Руҳини юбормаганида, биз Уни ўз ҳаётимизда шахсан ҳис қилолмасдик.]*

**Айтинг:**

- ❑ “Худо битта, У – Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ. Бу бошқа динларда Худо ҳақидаги тасаввурларга қараганда анча мураккаб туюлади. Шунинг ҳам эса тутинг, шунчаки кўринмас Яратгувчи бўлган Худо Ўзини ер юзида ёки ҳаётимизда ҳам намоён этолмайди. У худди нур тарата олмаган ёки иссиқлик бера олмаган қуёш сингари бўлар эди. Худо Учлик бўлгани боисгина, биз Унинг яқинлигини ҳис қиламиз”.
- ☛ Маълум бир нарсани охиригача тушуна олмасакда, уни ишонч билан қабул қилиш нима эканини очиб беринг.
  - ❑ **Жиҳоз:** Қаттиқ буюм (мисол учун, ёғочдан ясалган маҳкам стол) ва тез синадиган буюм (мисол учун, шишали стол).
  - ❑ Тез синадиган буюмдан бошланг (мисол учун, шишали столдан). **Айтинг:** “Агар бу буюм мени кўтаришига 100% ишонсам ва унинг устига чиқсам, нима бўлади? Гарчи қаттиқ ишонсамда, бу синувчан буюм бўлгани боис, синиб парчаланари”.
  - ❑ Қаттиқ буюмга ўтинг (мисол учун, ёғочдан ясалган маҳкам столга). **Айтинг:** “Тасаввур қилинг, мана шу буюм (маҳкам стол) мени кўтара олишига шубҳаланяпман, бунга деярли ишонмайман. Шундай бўлсада, бу маҳкам буюмга маълум бир даражада ишонишга қарор қиламан. Натижада нима бўлади? Албатта, у мени кўтаради, бунга сабаб менинг қаттиқ ишонганим эмас, балки буюмнинг маҳкамлигидир”.
  - ❑ **Айтинг:** “Худонинг Учлик эканлигига ишонишимиз ҳам шунга ўхшайди. Гап буни қай даражада тушунишимизда ёки қаттиқ ишонишимизда эмас, балки *кимга* ишонишимиздир. Худо қудратли”.
  - ❑ “Шундай экан, Худонинг Учлик эканлигини тушуниш жуда қийинлигини ҳис қилган тақдирингизда ҳам, ўзингиз эътиқод қилган ўша *танҳо* Худога ишонинг ва бўйсунинг. У худди маҳкам стол сингари сизни кўтаради”.



**Учликни таниб-билиш**

**📖 1 Бутрус 1:2-9 ни ўқинг.**

**Айтинг:**

“Ушбу оятлар бизга Худони тўлиқ тушуна олмаган тақдиримизда ҳам, Унинг Учлик эканини қандай таниб-билишимиз мумкинлигини кўрсатади”.

**? Савол беринг:**

- “2-оят: Ота Худо, Руҳ Худо ва Ўғил Худо ҳаётимизда нима қилишди?”
- [Отаниз Худо азалда қарор қилиб, бизларни танлаб, Исо Масиҳга итоат этишимиз ва Унинг тўкилган қони орқали покланишимиз учун, қудратли Руҳи билан Ўзига ажратиб олди.]
- “3-оят: Ота Худо ва Ўғил Худо бизнинг ҳаётимизда нима қилди?” [Отаниз Ўзининг Ўғли Исо Масиҳнинг тирилиши орқали бизга янги ҳаёт ато этди.]
- “5-оят: Ер юзидаги ҳаётимиз давомида бизни нима ҳимоя қилади?” [Худонинг қудрати.]
- “6-оят: Биз турли хилдаги синовларга қандай жавоб беришимиз керак? [Хурсанд бўлишимиз керак.]
- “8-9-оятлар: Гарчи Худони борича кўрмаган бўлсак ҳам, Унинг Учлик табиатини охиригача тушуна олмасак ҳам, Унга қандай муносабатда бўламиз?” [Биз Уни яхши кўрагимиз, Унга ишонамиз, қалбимиз сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ажойиб бир қувончга тўлади, имонингиз туфайли жонимиз нажот топади.]

**12-савол**

**📖** Биринчи абзацни тезислари билан бирга ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Бугунги кунга қадар Муқаддас Руҳ сизга қандай қобилият берган?” [Муҳокама қилинг.]
- “Худо Руҳининг ҳаётимизда фаол бўлиши муҳимми ёки шарт эмасми?” [Муҳим. Унинг ёрдамисиз биз рўйхатда кўрсатилган нарсалардан биронтасини ҳам қилолмаймиз.]



**В) МУҚАДДАС РУҲ БИЗНИ МУҚАДДАС ҚИЛАДИ (13-16-саволлар)****14-савол**

📖 Саволни бошдан охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Сизнингча “муқаддас” бўлиш нимани англатади? Мисоллар келтиринг”.  
[Муҳокама қилинг. Мисол учун, бу фикр-зикримизнинг покланиши, фақат ҳақиқатни гапиришимиз, бошқа одамларга далда беришимиз, ожизлар ҳақида ғамхўрлик қилишимиз, ёмон ишлардан йироқ бўлишимиз ва ҳоказоларни англатади. Барча соҳаларда муқаддас бўлиш Худога ўхшаш демакдир!]
- ❑ “Муқаддаслик борасида биз кимдан ўрнак оламиз?” [Эгамиз Худодан ўрнак оламиз. Унинг Ўзи муқаддас бўлгани боис, биз ҳам муқаддас бўлмоғимиз лозим.]
- ❑ “Инсон Худо сингари муқаддас бўла оладими?” [Йўқ, инсон зоти бунга ўз кучи билан эриша олмайди.]
- ❑ Кўп динларда муқаддас бўлиш учун бор кучини ишга солган одамлар, муқаддас бўла олмагач, умидсизликка тушади.]
- ❑ “Юқорида ўқиганларимизга кўра, бизни ким муқаддас қилади?” [Худонинг Руҳи, 2-оят.]

**16-савол**

- 📖 Ёд олиш учун оятни ўқинг, буни то ҳамма ёдлаб олмагунига қадар такрорланг.
- 📖 Ибодат учун очилган қўллар ёнида нима деб ёзилганини ўқиб, биргаликда бу ҳақида ибодат қилинглари.

**Г) МУҚАДДАС РУҲ ҲАЁТИМИЗНИ ТЎЛДИРАДИ (17-20-саволлар)****20-савол**

📖 20-саволни бошдан охиригача ўқинг.

**Айтинг:**

- ❑ “Агар ибодат қилсак ва доимо Худога яқинлашиш пайида бўлиб яшасак, Худо чиндан ҳам бизни Ўзининг Руҳи билан тўлдиради. Гоҳида биз бир зумда Руҳга тўлганимизни ҳис қиламиз, гоҳида эса бу жараён аста-секин рўй беради. Худо доимо Руҳга тўлиб боришимизни буюрган. Бутун ҳаётимиз давомида биз Муқаддас Руҳга тўлиб боришда давом этмоғимиз лозим!”



**МАШҒУЛОТ ЯКУНИДА****[?] САВОЛ БЕРИНГ:**

- ❑ “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” [Ҳар бир қатнашчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз лозим]

**[📖] ЎҚИНГ** 4-дарс бўйича амалий топшириқ.

**АЙТИНГ:**

- ❑ “Илтимос, бу ҳафта амалий топшириқни бажаринг. Шунингдек, уйда 5-дарсни ўрганинглар”.  
“Агар шу вақтгача ўзингиз учун Муқаддас Китоб ёки Янги Аҳд китоби (Инжил) нусхасини топмаган бўлсангиз, ҳозир менинг олдимга келинг”. [6-дарсдан бошлаб у ёғига ҳар бир қатнашчи учун алоҳида Муқаддас Китоб нусхаси керак бўлади]



## 5-дарс бўйича кўрсатмалар

### Худо билан қандай гаплашиш

#### 5-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Ҳар доим, кун давомида Худо билан гаплаша оладиган бўлиши;
- б. Ибодат – бу шунчаки диний маросим эмас, балки Худо билан мулоқот эканини тушуниши;
- в. Ибодат тавба қилишни (кечирим сўрашни), чилик билдириш ва илтижони ўз ичига олишини билиши;
- г. “Самодаги Отамиз” номли ибодатни ёд олиши лозим.





**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ**

- Айтинг: “4-дарсда берилган амалий топшириқ бўйича сиз ҳар куни Худога ибодат қилишингиз ва Ундан сизни Муқаддас Рухга тўлдиришни сўрашингиз лозим эди. Буни бажаришни унутмадингизми?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради. Биз ўқувчиларга ҳар ҳафта амалий топшириқ ҳақида эслатиб турамыз, шу мақсаддаки, улар амалий топшириқлар курснинг муҳим қисми эканини тушунишсин.]*

**БУГУНГИ МАВЗУ**

- Айтинг: “1-саволдаги расмни кўздан кечиринг. Худо буюк Шоҳга ўхшайди. Бугун биз қандай қилиб Унга яқинлашиш ва У билан гаплашиш мумкинлигини билиб оламиз, ахир У бизнинг Самовий Отамиз!”

**ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

- Ўқувчилар даср мазмунидаги саволларга тўғри жавоб беришини текширинг. Мана тўғри жавоблар:  
 1-савол: а)  
 2-савол: Худодан кечирим сўраш (гуноҳларимиз учун); (Худога) миннатдорчилик билдириш; Худога илтижо қилиш (эҳтиёжларимиз ҳақида) *[Жавоблар исталган тартибда берилиши мумкин, қавс ичидаги сўзларни ишлатиш шарт эмас.]*  
 3-савол: Тинмай ибодат қилинглр.  
 4-савол: Сенинг муқаддас номинг улуғлансин.  
 Сенинг Шоҳлигинг келсин.  
 Осмонда бўлгани каби,  
 Ерда ҳам Сенинг ироданг бажо бўлсин.  
 Бугунги ризқимизни бергин.  
 Бизга қарши гуноҳ қилганларни биз кечиргандек,  
 Сен ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечиргин.  
 Бизни васвасага дучор қилмагин,  
 Ёвуз шайтондан халос қилгин”.



**Маданиятга оид маслаҳат: Ибодат илоҳиёт назари билан қаралганда**

Учинчи дарсда биз масиҳийларнинг Худони Ота сифатида кўриш, яқин тутиш, шахсан таниб-билиш концепцияси бошқа динларга мутлақо хос бўлмаган нарса эканини айтиб ўтдик. Бу нарса ибодатга ҳам ўз таъсирини кўрсатади, негаки масиҳийларнинг назарида ибодат Худо билан бўлган чуқур муносабатларни кўрсатади. Бошқа динларга эътиқод қилувчилар учун фарз ҳисобланган диний ибодатлар асосан Худони кун давомида эсда тутиш ҳамда Унинг илтифотига сазовор бўлишнинг йўли ҳисобланади. Шу билан бирга улар орасида норасмий ёки шахсий ибодат тури ҳам мавжуд (бу “дуо” деб аталади), бундан ташқари айримлар тасаввуфга асосланган мулоҳазаларга берилади, шундай бўлсада, Масиҳга эргашганлар Худо билан алоқа қилишда аввал ҳеч қачон билмаган, ўзлари учун янги бўлган муносабатларни топганларидан хурсанд бўладилар. Ўқувчилардан улар Масиҳни қабул қилишдан аввал ва кейин қандай ибодат қилганлари ҳақида сўраб билишингиз мумкин.

**А) ХУДО БИЛАН ОТА ВА ФАРЗАНДДЕК ГАПЛАШИШ (2-5-саволлар)****3-савол**

📖 Биринчи абзацни ўқинг.

**❓ Савол беринг:**

- “Худо нима учун ҳар доим бизни эшитишга тайёр?” [Чунки У бизнинг Самовий Отамиз.]
- “Нима учун бизда Худога яқинлашиш учун муқаддас авлиёларнинг шафоатига эҳтиёж йўқ?” [Худонинг руҳий фарзандлари бўлганимиз боис биз ўзимиз Унинг хузурига кириш ҳуқуқига эгамиз!]

**4-савол**

📖 Биринчи абзацни ўқинг.

**❓ Савол беринг:**

- “Қайси жавобларни белгиладингиз?” [Ҳар бир ўқувчи ўзи белгилаган жавобни кўрсатиши керак. Чиндан ҳам, биз Самовий Отамиз билан исталган мавзуда мулоқот қила оламиз!]



**Б) ДИНИЙ МАРОСИМ ВА ШАХСИЙ ИБОДАТ (6-10-саволлар)****9-савол****[?] Савол беринг:**

- ❑ “Одамлар қандай сабабларга кўра ибодатни диний маросим сифатида қабул қилишади ва қандай сабабларга кўра буни шахсий ибодат сифатида кўрадилар?” *[Бунинг сабаблари кўп, мисол учун, одамлар кўпинча эҳтиёжи қаноатланиши учун “намоз” (диний ибодат) ёки “дуо” (шахсий ибодат) ўқийдилар.]*
- ❑ “Бизни ибодат қилишга илҳомлантирадиган энг кучли омил нима бўлиши лозим?” *[Худога яқинлашиш ва Унга яқин яшаш истаги. Ўқувчилар буни ўз сўзлари билан ифода этишлари мумкин.]*

**10-савол**

📖 **Биринчи абзацни ва рамкадаги парчани (1 Бутрус 1:8) ўқинг.**

**[?] Савол беринг:**

- ❑ “Умрингизда ҳеч “қалбингиз сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ажойиб бир қувончга тўлганини” ҳис қилганмисиз?” *[Ўқувчилар ўз туйғулари ҳақида бўлишишлари лозим. Айримлар буни қила олмаслиги мумкин ва бу оддий ҳолат.]*
- ❑ “Айрим одамлар битта иборани қайта-қайта такрорлаш орқали (*зикр*) Худо билан ана шундай яқинликни ҳис қилишга уринишади. Биз-чи, Худонинг қалбига қандай яқинлашамиз?” *[Исо Масих орқали. У Отамизнинг қалбига олиб борадиган Йўл!]*

**Маданиятга оид маслаҳат: Мулоҳаза қилиш амалиёти**

Мутасаввифлар айрим динларга катта таъсир ўтказишган. Мисол учун, инсон зотининг шеъриятга бўлган муҳаббати қалбнинг Худога интилишини ифода этувчи аллегория ҳисобланади; маъшуқасини қумсаб излаган ошиқ – бу Худони излаган одам. (Масихнинг таълимотида бунинг тескарисини кўрамиз!) Айрим динларда мулоҳазалар тўхтовсиз такрорлашни (араб тилида *зикр* дейилади) назарда тутати. Бундан мақсад Худонинг ҳозирлигини ҳис қилиш учун миянинг карахт бўлиши ҳолатига эришиш.



**В) ТИНМАЙ ИБОДАТ ҚИЛИНГЛАР (11-13-саволлар)****12-13-саволлар**

📖 12-13-саволларни бошдан охиригача ўқинг (ўқитувчининг изоҳигача).

**? Савол беринг:**

- “1 Салоникаликларга 5:17 да бизга нима қилиш буюрилган?” [Тинмай ибодат қилиш.]
- “Буни амалда қандай қилиш мумкин?” [Ўқувчилар 13-саволдаги таълимотни ўз сўзлари билан тушунтириши ёки қундалик ҳаётда Худога яқин бўлиш ҳақида ўз тажрибалари ҳақида бўлишишлари мумкин.]
- “13-саволда юқорида санаб ўтилганлардан нимани белгиладингиз?” [Ҳар ким ўзи жавоб беради.]
- “Охирги вариантда “овқатланишдан олдин” деб берилган. Шароитингизга тўғри келса, буни ўзингизга одат қилиб олганмисиз?” [Ҳар ким ўзи жавоб беради. Имкон қадар буни одат қилиш фойдали бўлади. Бошқа дин вакиллари билан бир жойда яшаганлар учун бу нарса қийин кўриниши мумкин, лекин барибир айримлар гувоҳлик сифатида бунга амал қила оладилар.]

**Г) “БИЗНИНГ ОСМОНДАГИ ОТАМИЗ” ДЕБ ИБОДАТ ҚИЛИШ (14-15-саволлар)****14-савол**

“Бизнинг Осмондаги Отамиз” ибодатини ёд олинг.

- [Рамкадаги сўзларни ёки сизларнинг тилингизга яқинроқ бўлган бошқа вариантларни ишлатинг. Ўқувчилар ибодатни китобга қарамасдан бошдан охиригача айтиб бера олмагунларига қадар, уни парчаларга бўлиб такрорланг.]

**? Савол беринг**

- “Бизнинг Осмондаги Отамиз” ибодатини айтиб бу билан қандайдир мукофот оламизми?” [Йўқ, бунинг учун мукофот олмаймиз, Худога яқинлашамиз.]
- “Бизнинг Осмондаги Отамиз” ибодатини бир эмас ўн марта айтсак, кўпроқ мукофот оламизми?” [Йўқ! Раббимиз Исо: “Ибодат қилаётганингизда, бутпарастлар каби, беҳуда сўзларни ҳадеб такрорлайверманг. Улар, кўп сўзласам, ибодатим ижобат бўлади, деб ўйлайдилар”, деган (Матто 6:7).]
- “Сизнингча қайси тилда ибодат қилган маъқул, араб тилидами ёки ўз она тилингиздами?” [Айримлар араб тилида ибодат қилишни афзал деб билишади. Аслида эса, ўз она тилингизда ибодат қилганингиз маъқул, негаки бу орқали биз Самовий Отамизга ўз истакларимизни ва шукроналаримизни анча эркинроқ билдира оламиз. Имонлилар араб миллатига мансуб бўлса агар, табиийки улар учун ўз она тили, яъни араб тилида ибодат қилган маъқулроқ бўлади.]



## Д) КЕЧИРИМ СЎРАШ (ТАВБА ҚИЛИШ), МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРИШ ВА ИЛТИЖО ҚИЛИШ (16-22-саволлар)

### 17-савол

📖 Саволни бошдан охиригача ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Худодан кечирим сўраганимизда, У бизни кечериши ва поклашига қандай ишонч ҳосил қилишимиз мумкин?” [Унинг Ўзи буни ваъда қилган. 1 Юҳанно 1:9 да шундай дейилади: “Борди-ю, гуноҳларимизни эътироф этсак, содиқ ва адолатли бўлган Худо гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар қандай ёмонликдан фориғ қилади”.]

#### Маданиятга оид маслаҳат: Ибодат ва таҳорат “вузуъ”

Динларнинг бирида диний ибодатдан аввал алоҳида маросим сифатида таҳорат қилинади, бу вузуъ дейилади. Одамларнинг тасаввурида бу ибодат олдидан тозаланиш ҳисобланади. Руҳий маънода вузуъ амалини бажариб, ўз гуноҳларини тан олиш билан боғлиқ бундай аналогия ўқувчилар учун фойдали бўлиши мумкин. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, бизни айнан Худо поклайди, асло тавба қилиш амали эмас. Бироқ бу аналогия ўқувчилар учун тушунарсиз бўлса, уни қўлламаслик маъкул.

### 20-савол

📖 Муқаддас Китобда Матто 7:7-11 ни ўқинг. Ўқувчиларга ушбу парчани топиб кўрсатиш лозим бўлиши мумкин (улар Каломдаги оятларни олтинчи дарсда топишни ўрганадилар).

❓ Савол беринг:

- ❑ “Исо Масих Матто еттинчи боб, еттинчи оятда қандай амр беради?” [Сўранг. Изланг. Тақиллатинг]
- ❑ “Исо Масих еттинчи оятда қандай ваъда беради?” [Сизга берилади, топасизлар, эшик очилади. Бу ваъдалар саккизинчи оятда такрорланади.]
- ❑ “Исо 9-11-оятларда нимани тушунтиради?” [Бизнинг Самовий Отамиз аъло неъматлар беришга тайёр ва У Ўз фарзандларига аъло неъматларни беришни яхши кўради.]
- ❑ “Шундай экан, нима учун доим ҳам ибодатда сўраганимизни олавермаймиз?” [Гоҳида биз сўраган нарса яхшиликка хизмат қилмаслиги мумкин. Исонинг балиқ сўралгани ҳақида мисолини оладиган бўлсак, агар ўғил илон сўраганда, унга илон берилиши керакми? Йўқ, ўғлини яхши кўрган ота ҳеч қачон бундай вазиятда ўғлининг айтганини қилмайди, чунки бунинг ўғли учун яхшиликка хизмат қилмаслиги табиий.]



*Бироқ, шундай пайтлар бўладики, биз Худо нима учун сўраганимизни бермаётганини тушунмаймиз. Шундай пайтларда ҳам биз Унга ишонишни давом эттирмаётганимиз лозим, негаки У биздан кўра яхшироқ билади.]*

- “Худо ибодатингизга қандай жавоб берганига мисол келтиринг”. [Ўқувчилар ҳам, сиз ҳам ўз ҳаётингиздан мисоллар келтиришингиз керак.]

## 22-савол

### ❓ Савол беринг:

- “22-саволда қайси вариантни белгиладингиз?” [Ҳар бир қатнашчи нимани белгилагани ҳақида бўлиши лозим.]

## 5-дарс Амалий топшириқ

### 📖 Амалий топшириқни ўқинг.

Ибодат учун рўйхат қандай тузилиши ҳақида **айтиб беринг**:

- “Одамнинг худбинликка берилиши, фақат ўзи учун ибодат қила бошлаши жуда осон. Бироқ Самодаги Отамиз бошқа одамлар учун ҳам ибодат қилишимизни истайди. Улар учун ибодат қилганимизда Худо уларнинг ҳаётида ишлайди”.
- “Тоҳида Худо ким учун ибодат қилишимизни хоҳлаётганини кўнглимизга солади. Биз шу заҳотиёқ ўша одам учун ибодат қилишимиз керак”.
- “Шу билан бирга биз ҳар хил одамлар учун ибодат қилишни ўзимизга одат қилиб олишимиз зарур. Мисол учун, ҳар жума куни оиламиз аъзолари учун ибодат қилишни йўлга қўйсақ бўлади. Келинг, уларнинг исмларини жадвалга ёзайлик”. [Ўқувчилар ўз оила аъзоларини исмлари билан ёзиб кўрсатишлари керак. (агар бунинг хавфли томони бўлмаса) Улар жадвалда ёзилган бу одамлар учун ибодат қиладилар.]
- “Келинг, бошқа кунга қарайлик. Ҳар душанба куни ким учун ибодат қиласиз? Дўстларингиздан ким ҳали Исони билмайди?” [Ўқувчилар ўз дўстларини исмлари билан ёзиб кўрсатишлари керак (агар бунинг хавфли томони бўлмаса).]
- “Ҳар куни шахсий ибодатингиз вақтида бу жадвални кўздан кечиринг ва мажбуриятингиз асосида ўша кунга ёзилган одамлар ҳақида ибодат қилинг”.
- “Бир неча ҳафта, ҳар куни ўша жадвал бўйича ибодат қилишни давом эттиринг. Кейин, агар истасангиз, ибодат мавзусини ўзгартиришингиз мумкин, лекин ҳар хил одамлар ҳақида ҳар куни ибодат қилишда давом этаётганингизга ишонч ҳосил қилинг”.




**Маданиятга оид маслаҳат: Ибодат учун рўйхат тузиш**

Биз таклиф этган ибодат рўйхати жума кундан бошланади, чунки айрим мамлакатларда жума ҳафтанинг дам олиш куни. Бошқа мамлакатларда дам олиш куни – якшанба.

Ўқувчиларингизнинг дўстлари ва оила аъзолари агар улар билан бирга яшаса ёки ўқув курси қўлланмасини топиб олиши эҳтимоли бўлса, уларнинг исмлари кўрсатилиши кўп тўғри бўлмаслиги мумкин.

**МАШҒУЛОТ ЯКУНИДА****[?] САВОЛ БЕРИНГ:**

- “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” [Ҳар бир қатнашчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз лозим]

 5-дарс бўйича амалий топшириқни **ЎҚИНГ**.(юқорига қаранг)

**АЙТИНГ:**

- “Илтимос, бу ҳафта амалий топшириқни бажаринг. Шунингдек, уйда 6-дарсни ўрганинглар”.
- “Кейинги дарсга ўзингиз билан Муқаддас Китоб ёки Янги Аҳд китоби (Инжил) нусхасини олиб келишингиз керак бўлади. Кимда Муқаддас Китоб йўқ?” [Олтинчи дарсдан бошлаб ҳар бир қатнашчида Муқаддас Китоб ёки Янги Аҳд китоби (Инжил) нусхаси бўлиши лозим.]

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ:** Худодан Унга яқин яшашда ва “тинмай ибодат қилишда” сизга ёрдам беришини сўранг.



**6-дарс бўйича кўрсатмалар****Худонинг биз учун Каломи****6-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР**

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Ҳар куни Худо билан алоҳида вақт ўтказишни ўзига одат қилиши;
- б. Бунинг учун учта қадамни ўрганиб олиши;
- в. Муқаддас Китобда иқтибосларни топа билиши;
- г. Муқаддас Китобни катта иштиёқ билан ўқишга одатланиши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ**

- ❑ “Ўтган ҳафта 5-дарс бўйича берилган амалий топшириқ нимадан иборат эди?” [Ҳар куни «Бизнинг Осмондаги Отамиз» ибодатини айтиш”.] “Келинг, ҳозир уни айтайлик”. [Ибодатни биргаликда ёки навбатма-навбат айтишлар.]

**БУГУНГИ МАВЗУ**

- ❑ Айтинг: “Бугун биз Худо бизга Ўзининг Каломи, яъни Муқаддас Китоб орқали қандай гапиришини билиб оламиз”. “Улар соф олтиндан ҳам аълодир, тоза асалдан ҳам ширинроқдир” (Забур 18:11).

**ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

- ❑ Барча қатнашчилар дарс мазмуни саҳифасидаги саволларга тўғри жавоб берганини текширинг. Мана тўғри жавоблар:
  - 1-савол: а) Амир; б) Улар кучсизланиб ҳалок бўлади.
  - 2-савол: фақат “б” бандида тўлиқ тўғри жавоб ёзилган. “а” банди нотўғри, чунки унда “фақат” деган сўз бор.
  - 3-савол: Эски / Янги
  - 4-савол: Тайёрланиш, Ўқиш, Ибодат қилиш





**А) ХУДОНИНГ КАЛОМИГА ТАШНА БЎЛИШ (1-5-саволлар)****2-савол**

📖 Бу саволни бошидан охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Биз чиндан ҳам худди эмизикли чақалоқ сутга ташна бўлганидай, Худонинг Каломига ташналик ҳис қиламизми?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради.]*
- 

**Б) МУҚАДДАС КИТОБ – БУ ХУДОНИНГ КАЛОМИ (6-10-саволлар)****8-савол**

📖 Бу саволни бошдан охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Худога ишонмаган айрим одамлар Муқаддас Китоб худди инсонлар ёзган китобга ўхшаш деб ўйлайди. Уни одамлар ёзган ва у инсоният тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Шундай бўлсада, бу Худонинг Каломи эканини уларга қандай тушунтира оламиз?” *[Бу қийин масала. Бироқ саккизинчи саволда шу нарса тушунтириладики, пайғамбарлар “Муқаддас Рухдан илҳомланиб, Худонинг номидан гапирган”. Худо Ўзининг фикрларини ёзувчиларнинг онгига сингдирган, шунингдек У Ўз халқининг ҳаётида фаол ишлаган (14-бандга қаранг). Айнан шу сабабдан Муқаддас Китобда одамлар ҳақида жуда кўп сўз юритилган бўлиб, шунга қарамай у Худонинг Каломи бўлиб қолаверади.]*




**Маданиятга оид маслаҳат: Каломнинг илҳомлангани**

Динларнинг бирида муқаддас битиклар ҳақида бошқача тушунча мавжуд. Уларнинг муқаддас китоби Худонинг абадий каломни ҳисобланиб, унинг осмонда ёзилгани ва фаришта Жаброил орқали етказилгани таъкидланади. Пайғамбар Жаброилнинг айтиб турганларини араб тилида ҳақиқатдан ёзиб олган. Бироқ масиҳийларнинг эътиқоди бўйича, Худо одамларни илҳомлантирган ёки бевосита Ўз фикрларини уларнинг онгига солган, одамлар ўз навбатида буларни Муқаддас Битикларга ёзиб қолдиришган. Худо Ўзининг илоҳий мақсадларига эришиш йўлида инсоний баён этиш жараёнини ишга солган ва Каломни хатолардан ҳоли қилган.

Бошқа дин вакилларининг ҳисоблашича, биргина араб тилидаги вариант Худонинг каломни ҳисобланади, қолган барча таржималар бундай мавқега эга эмас. Масиҳийларнинг эътиқоди бўйича Муқаддас Китобни ҳар қандай тилга таржима қилиш мумкин ва бу таржима Худонинг асл Каломилигича қолади. Бундан ташқари, бошқа дин вакиллари Муқаддас Китобни ўзгартирилган деб ҳисоблаши мумкин.

Ўқувчиларингиз Каломнинг бенуқсон манба эканлигига ишонишсада, лекин буни дўстларига тушунтириш учун ёрдамга эҳтиёж сезишлари мумкин. Бундан ташқари, турли таржималарда берилган бошқача таърифлар ёки илоҳий битикларнинг катта қисмида одамларнинг ишлари изоҳлангани билан боғлиқ саволлар уларни ўйлантириб қўйиши мумкин.

**10-савол**

 **Биринчи абзацни ўқинг.**

 **Савол беринг:**

- “Муқаддас Китоб дастлаб қайси тилларда ёзилган?” [Эски Аҳд китоблари – қадимги иброний тилида, Янги Аҳд китоби (Инжил) – юнон тилида.]
- “Муқаддас Китобни сизларнинг тилингизга ким таржима қилганини биласизми?” [Буни сиз ёки ўқувчиларингиз билмаса, бу ҳақида интернет тармоқларидан маълумот топинг. Мисол учун, [http://en.wikipedia.org/wiki/Bible\\_translations\\_by\\_language](http://en.wikipedia.org/wiki/Bible_translations_by_language), сайтидан излаб кўришингиз мумкин. Кейинги машғулотда бу ҳақида гапириб беринг.]
- “Сизда она тилингизда ёзилган Муқаддас Китоб нусхаси борми?” [Агар ўқувчилар турли миллат вакиллари бўлса, яхшиси улар учун ўз она тилларида ёзилган Муқаддас Китоб нусхаларини топиш лозим. Айрим таржималарни интернетда, [www.biblegateway.com](http://www.biblegateway.com) ёки [www.slovocars.org](http://www.slovocars.org) сайтларидан топишингиз мумкин.



**Айтинг:**

- ❑ “Муқаддас Китобнинг кўп тилларга таржима қилингани аслида ёмон эмас. Бу бизга битта мазмунга турлича ёндошилганини кўришга ёрдам беради. Бу дастлабки матн ўзгартирилганини асло англатмайди”.
- ❑ “Муқаддас Китобни она тилимизга таржима қилиш ва нашр этишда кўп меҳнат қилган одамлар учун Худодан миннатдормиз. Бу орқали Худо бизга биз тушунадиган она тилимизда гапиради!”

**Маданиятга оид маслаҳат: Тарихий ҳикоялар ва Худонинг намоён бўлиши**

Муқаддас Китоб Ибтидодан Ваҳийгача – яратилишдан янги дунё пайдо бўлишига қадар давом этган воқеаларни ўз ичига оладиган битта яхлит ҳикоя тузилишига эга. Ҳикоя марказида Худо туради, У Ўзини бизнинг олдимизга юборади.

Бир динга эътиқод қилувчиларнинг Муқаддас китоби Худонинг феъл-атвори ва Худонинг талаблари бўйича қандай яшаш ҳақида қоидалардан иборат. Шунингдек унда қисқа ҳикоялар тўпламини топишингиз мумкин, бу ҳикоялар хронологик тартибда берилмаган, уларда барчасини жамловчи яхлит мазмун ҳам йўқ. Ушбу дин вакилларининг эътиқодига кўра, Худо одамларга Ўзини намоён қилиш учун уларга китоб юборган, масиҳийларнинг эътиқодига кўра эса Худо Ўзини юборган ва шу орқали одамларга намоён бўлган, Худонинг айнан мана шу тарзда дунёга келиши Муқаддас Китоб ҳикоясининг маркази ҳисобланади.

**В) МУҚАДДАС КИТОБНИНГ ТУРЛИ ҚИСМЛАРИ (11-15-саволлар)****12-14-саволлар**

📖 12-14-саволларни тўлиқ ёки сизга берилган вақтга ҳамда ўқувчиларнинг эга бўлган билимига қараб, айрим қисмларини **ўқинг**. Муҳими, агар улар ҳали бу маълумотга эга бўлмаса, уни тушунишлари лозим.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Таврот (Мусо китоблари) ва Забур қайси даврга қарашли?” [Эски Аҳд даврига.]
- ❑ “Янги Аҳд китоби (Инжил) қайси даврда ёзилган?” [Янги Аҳд даврида. Кўп маданиятларда Янги Аҳд китоблари Янги Аҳд китоби (Инжил) деб аталади. Янги Аҳд китоби (Инжил)да тўртта Хушхабар баён этилган (Матто, Марк, Луқа ва Юҳанно Хушхабарлари назарда тутилади).]



- ❑ “Янги Аҳд Эски Аҳдни бекор қиладими? [Йўқ, бизга иккала давр китоблари ҳам керак. Уларнинг иккаласи яхлит ва муқаддас Худо Каломини ташкил қилади.]

## 15-савол

### Айтинг:

- ❑ “Энди, келинг, Муқаддас Китобда ёки Янги Аҳд китоби (Инжил)да “Мундарижа” саҳифасини очайлик. Рўйхатда Бутруснинг биринчи мактубини ва унинг нечанчи бетда эканини топинг. [Лозим топилса, ўқувчиларга ёрдам беринг.]
- ❑ “Келинг, бирга 1 Бутрус, 1-боб, 3-оятни очайлик”. [Ҳамма ўзининг Муқаддас Китоби ёки Янги Аҳд китоби (Инжил)да бу жойни очиши керак. Агар лозим топилса, уларга ёрдам беринг.]

### 📖 1 Бутрус 1:3 ни ўқинг.

- ❑ Ўқувчиларда ҳар хил таржима нусхалари бўлса, сўзлар бир-биридан бироз ажралиши мумкинлиги, лекин бу сизларга юнон тилида ёзилган битта мазмунга турлича ёндошилганини кўришга ёрдам беришини тушунтиринг.

### 📖 Саҳифага берилган изоҳни ўқинг.

### Айтинг:

- ❑ “Агар биз ҳар куни Худо билан алоҳида вақт ўтказсак, бу бизга ёрдам беради, биз худди ушбу дасрнинг бошида, Б бандида кўрсатилган чақалоққа ўхшаб, бақувват ва соғлом бўлиб ўсамиз. Келинг, амалда буни қандай қилиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрайлик”.

## Г) ХУДО БИЛАН ҲАР КУНИ ВАҚТ ЎТКАЗИШ (16-22-саволлар ва 1-илова)

### 18-савол

### 📖 Саволни охиригача ўқинг.

### ❓ Савол беринг:

- ❑ “а) ва б) бандларга нима деб ёздингиз?” [Ҳар ким ўзи жавоб беради. Ҳар бир ўқувчидан у нима деб ёзгани ҳақида бўлишишни сўранг. Агар қатнашчилардан кимдир жавоб ёзмаган бўлса, ўқувчилар барча жавобларни тўлдириши кераклигини эслатинг. Бу орқали биз чиндан ҳам ўз фикримиз ҳақида мулоҳаза қиламиз ва анча кўп нарсаларни билиб оламиз.]



**Айтинг:**

- ❑ “Ҳар куни Худо билан вақт ўтказиш учун, ҳар бир ўқувчи ўзи учун энг қулай вақтни ва жойни танлаши лозим. Келинг, буни ўзимизга ҳар кунги одат қилиб олайлик!”
- 

**22-савол**

📖 Иккинчи абзацни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Нима деб ёздингиз?” [Ҳар бир ўқувчидан нима деб ёзгани ҳақида бўлишишни сўранг.]

**Айтинг:**

- ❑ “Энди, келинг, қўлланманинг охирида берилган 1-иловани очайлик. У “Худо билан ўтказадиган ҳар кунги вақтим” деб номланади. Ушбу материал устидан бирга ишлаймиз”.
- 

**1-илова Худо билан ўтказадиган ҳар кунги вақтим**

- ? Савол беринг:** “Худо билан ўтказадиган ҳар кунги вақтимизда энг биринчи қадам нимадан иборат?” [“Тайёрланиш”]

**Илова 1-қадам: Тайёрланинг**

📖 1-қадамни тўлиқ ўқинг: “Тайёрланиш”.

- ? Савол беринг:** “Бу қадамда нима қилинади?” [Аввал ўз гуноҳларимизни тан олишимиз ва Худодан бизни поклашини сўрашимиз зарур. Сўнг Худодан бизга Ўзининг Каломи орқали гапиришини ва Уни тушунишимизга ёрдам беришини сўрашимиз лозим.]
- 

📖 Илова 2-қадам: Ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Худо билан ўтказадиган ҳар кунги вақтимизда иккинчи қадам нимадан иборат?” [“Ўқиш”.]
- ❑ “Бу қадамда нима қилинади?” [Каломдан парча ўқилади.]

**Айтинг:** “Келинг, бу қадамни босишда Муқаддас Каломдан фойдаланайлик. 1 Бутрус 1:13-15 ни очинг”. [Ҳар бир ўқувчи Каломдан ёки Янги Аҳд китоби (Инжил)дан бу парчани топиши лозим]



📖 “Ўқинг” сарлавҳаси остидаги 2-қадамнинг биринчи босқичига мисол сифатида 1 Бутрус 1:13-15 ни ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- ❑ “Қайси ибора сизда бошқача таассуротлар уйғотди?” [Ҳар хил ўқувчилар ҳар хил ибораларни танлайди.]
- ❑ “Худо юрагингизга мана шу ибора орқали гапиради. Бу муҳим сўзларни эслаб қолиш учун нима қилишингиз лозим?” [Мисол учун, ўша иборани дафтарингизга ёзиб олишингиз ёки ёд олишингиз мумкин]
- ❑ “Бугун Худо сизга айтган нарсани ҳаётингизда татбиқ қилиш учун қандай қадамларни амалга оширасиз?”  
[Ҳар хил жавоблар. Биз нафақат Худо Каломини ўқиб, балки Унга амал қилиб ҳам руҳан улғаямиз.]

**Айтинг:**

- ❑ “Она сутини эмган чақалоқ ҳеч қачон уни туфлаб ташламайди! Бироқ Худо Каломини ўқиб, унга амал қилмасак, айнан шундай қилган бўламиз!”

**Илова 3-қадам: Ибодат қилинг**

❓ **Савол беринг:**

- ❑ “Худо билан ўтказадиган ҳар кунги вақтимизда учинчи қадам нимадан иборат?» [“Ибодат”]

**Айтинг:**

- ❑ “Ибодат – бу Самовий Отамиз билан мулоқот қилиш. У билан нима ҳақида гаплаша оламиз?  
○ Учинчи қадамда қора ҳарфлар билан ёзилган ҳар хил ибораларни ўқинг. Биз:  
- Худога Муқаддас Каломи учун раҳмат айтиш;  
- Ундан Каломда ёзилган нарсаларга амал қилишга бизга ёрдам беришини сўраш;  
- Раббимизга раҳмат айтиш ва Уни улуғлаш;  
- Муҳтожликларимиз учун ибодат қилиш;  
- Худо айтмоқчи бўлган нарсаларга қулоқ тутуш;  
- Бошқа одамларнинг муҳтожликлари учун ибодат қилиш;  
- “Бизнинг Осмондаги Отамиз” ибодатини айтиш мумкин.

📖 “Бошқа одамларнинг муҳтожликлари учун ибодат қилинг” деб кўрсатма берилган бўлимни ўқинг.



**[?] Савол беринг:**

- ❑ “Сизнингча, ибодат қилиш учун тузилган бу рўйхат яхшими? Сиз яна нима ҳақида ибодат қилишни истайсиз?” *[Бу рўйхат шунчаки нима учун ибодат қилиш мумкинлиги ҳақида тушунча беради холос. Бунинг фойдали жиҳатлари катта бўлиши мумкин, лекин ҳар ким Раббимизнинг етаклови остида уни ўзгартириши мумкин].*
- ❑ “Сизда Худо билан ҳар куни қандай вақт ўтказиш ҳақида саволлар борми?” *[Ўқувчиларга исталган саволлари билан мурожаат этишларига йўл қўйиб беринг.]*

**Айтинг:**

- ❑ “Бу ҳафтага топшириқ буни амалда қўллашдан иборат бўлади. 6-дарснинг охирига ўтинг ва келинг, бирга бу ҳафта учун Амалий топшириқни ўқийлик”.

**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА****[?] САВОЛ БЕРИНГ:**

- ❑ “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” *[Ҳар бир ўқувчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз керак.]*

**ЎҚИНГ** 6-дарс бўйича амалий топшириқ.

**АЙТИНГ:**

- ❑ “Илтимос, ҳафта давомида, ҳар куни Худо билан қисқа вақт ўтказишга ҳаракат қилинг. Сиз буни бир ўзингиз ёки бошқа имонлилар билан бирга қилишингиз мумкин. Вақтини ва жойини ўзингиз танланг. 1-иловада кўрсатилган қадамларга риоя қилинг. Шунингдек, уйда еттинчи дарсни ўрганишни унутманг”.

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ:** Худодан бу ҳафта давомида ҳар куни У билан алоҳида вақт ўтказишда сизга ёрдам беришини сўранг.



**7-дарс бўйича кўрсатмалар****Масих жамоатининг аъзолари****7-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР**

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Маҳаллий имонлилар гуруҳига қўшилишга интилиши;
- б. 1 Бутрус 2-бобдан Масих жамоатига берилган учта изоҳни ўрганиши;
- в. 1 Бутрус 2:9 ни ёд олиши;
- г. 1 Бутрус мактубида ҳар хил парчаларни топа билиши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ:**

- ❑ Айтинг: “Олтинчи дарс бўйича амалий топшириқ ҳар куни Худо билан алоҳида вақт ўтказишдан иборат эди. Сиз буни бажара олдингизми? Бу вақт сизга Самовий Отангизга яна ҳам яқинлашишга ёрдам бердимми?”  
[Ҳар бир ўқувчи жавоб беришини сўранг]
- ❑ “Бу топшириқни бажара олмаганларга тааллуқли савол: сизларга нима халақит берди? Бу тўсиқларни қандай енга оласиз?” [Ҳар ким ўзи жавоб беради.]

**БУГУНГИ МАВЗУ:**

- ❑ Айтинг: “Бугун биз Масихнинг жамоати ҳақида сўз юритамиз. Уни имонлилар жамоати деб ҳам аташади. Илтимос, ҳар ҳафта машғулотга Муқаддас Китоб ёки Янги Аҳд китоби (Инжил) олиб келинг”.

**ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

- ❑ Бирга учинчи (3) еттинчи (7)-дарс мазмуни саҳифасини очинг. Ўқувчилардан улар саволларга қандай жавоб берганлари ҳақида сўранг:  
1-савол: а) маъбад; б) танланган; в) муқаддас.  
2-савол: Исо Масих  
3-савол: танланган бир насл, руҳонийлар шоҳлиги, муқаддас қавм, Худонинг азиз халқисиз. Худо сизларни зулматдан Ўзининг ажойиб нурига / буюк ишларини эълон қилишингиз учун сизларни танлаган.  
(1 Бутрус 2:9)





**А) КИРИШ (1-2-саволлар)**

📖 Носир ҳақида ҳикояни ва Саҳифага берилган изоҳни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Сизнингча, Носир ўз эътиқодини яшириб тўғри иш тутяптими ёки у имонлилар гуруҳига қўшилиши керакми? Биринчи саволга қандай жавоб бердингиз?” *[Айрим мамлакатларда масиҳийлар бошқаларга эркин қўшила олади, шундай мамлакатлар борки, у ерда бу хавфли бўлиши мумкин. Шу тариқа ўқувчиларнинг ҳар хил фикрларини охиригача эшитинг.]*

**Айтинг:**

- ❑ “Бугунги муҳокама яқунлангач, биз бу масалага қайтамыз”.

📖 Иккинчи саволдан кейин саҳифага берилган изоҳни ўқинг.

**Б) РУҲИЙ МАЪБАД (3-10-саволлар)****3-савол**

📖 1 Бутрус 2:4-8 ни ўқинг *[Ҳар бир ўқувчи Каломдан ёки Янги Аҳд китоби (Инжил)дан парча топа олишига ишонч ҳосил қилинг, сўнг бир кишидан парчани ўқиб эшиттиришни сўранг.]*

**? Савол беринг:**

- ❑ “5-оятга кўра, қайси одамлар тирик тошларга ўхшайди?” *[Жавобни оятдан топинг. Бу ерда “ўзларингиз ҳам тирик тошлардай бўласизлар” дейилган, бу билан масиҳийлар назарда тугилади.]*
- ❑ “5-оятга кўра, Худо тирик тошлардай бўлган бизлардан нима барпо этади?” *[“Руҳий маъбад”.]*
- ❑ “6-7-оятлар тамал “тоши ҳақида”. Тамал тоши маъбадни барпо этишда қандай рол ўйнайди?” *[У бинонинг нақ пойдевори бўлиб, бутун иншоотнинг тугилишини белгилаб беради.]*
- ❑ “Сизнингча, бу ерда қимматбаҳо тамал тоши деб нима назарда тугилади?” *[Бу ерда Худонинг танлагани ва унга ишонганлар учун қимматбаҳо бўлган (7-оят) – Исо Масиҳ ҳақида сўз боради, Унинг бошқалар томонидан рад этилгани (7-оят), рад этганлар Унинг томонидан ҳукм қилиниши кўрсатилади (8-оят).]*



**Маданиятга оид маслаҳат: Иккита махсус тош**

Бошқа динга эътиқод қилган миллионлаб одамлар *Каъбага* зиёрат қилишади. У ерда қора тош солинган жой бор. Бу тош улар сажда қилган жойнинг нақ маркази ҳисобланади. Бироқ биз учун Исо Масих эътиқодимиз марказидан жой олган. У яна ҳам қимматли тош, ҳам “руҳий маъбадимизнинг” тамал тошидир!

**6-савол**

📖 Охирги абзацни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Қайси жавоб тўғри?” *[(б), жамоат аъзоларининг уйларида.]*
- “Биз яшаган шаҳарда масиҳийлар йиғилиши учун энг яхши жой қайси?” *[Муҳит-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ҳар хил вариантларни муҳокама қилинг. Ушбу курс дастлаб ишлаб чиқилганда масиҳийлар учун алоҳида бинолар бўлмаган мамлакатларда яшовчи имонлиларга мўлжалланган. Бошқа мамлакатларда имонлилар йиғилиши учун жойлар етарлича. Шундай бўлсада, масиҳийлар гуруҳи бинода эмас, уйларда йиғилишлари мумкин.]*

**7-савол**

📖 Иккинчи абзацни: “Раббимиз Исо Ўз шогидларига...” деган иборадан бошлаб ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Бугунги кунда биз Исонинг номи учун йиғилган икки ёки уч киши ҳисобланамизми?” *[Ҳа.]*
- “Бу Исонинг руҳан биз билан бирга эканини англатадими?” *[Ҳа! Биз Уни қўзимиз билан кўра олмаймиз, лекин У руҳан чиндан ҳам биз билан бирга бўлади.]*



**9-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

**❓ Савол беринг:**

- ❑ “Бу ерга нима деб ёздингиз?” [Ҳар бир қатнашчи бўлишиши шарт. Агар бўлиша оладиган ҳеч нарса бўлмаса, уларнинг қўлланмасини текширинг: бу саволга улар бирон нарса ёздими? Қатнашчиларга ҳар ким ўзи жавоб бериши лозимлигини эслатинг, улар ёзганлари ҳақида муҳокама вақтида бўлишишга тайёр бўлиши керак.]

**В) ТАНЛАНГАН НАСЛ (11-18-саволлар)****11-савол****Айтинг:**

“1 Бутрус мактубининг иккинчи бобида Худо биздан “руҳий маъбад” барпо этаётгани ҳақида айтилган. Бу ерда Калом бизни “танланган насл” деб атайтиди. Келинг, 1 Бутрус 2-бобнинг давомини ўқийлик”.

📖 1 Бутрус 2:9-10 ўқинг.

**❓ Савол беринг:**

- ❑ “Тўққизинчи оятта қайси ибора сизга кўпроқ ёқади ва нима учун?” [Ҳар ким ўзи жавоб беради.]
- ❑ “Ўнинчи оят сизда қандай туйғуларни уйғотади?” [Ҳар ким ўзи жавоб беради.]

**Оятни эслаб қолиш учун машқ:**

- ❑ 1 Бутрус 2:9 ни ёд олиш лозим. Агар сиз гуруҳда ишласангиз, оятни шундай йўл билан ўрганишингиз мумкин. Мураббий биринчи ўқувчига савол беради: “Биз киммиз?”. Ўқувчи: “Танланган насл” – деб жавоб беради. Сўнг ўша ўқувчи кейингисига худди шу саволни беради, у ўз навбатида: “руҳонийлар шоҳлиги” – дейди ва жараён шу тарзда давом эттирилади. Буни қайта-қайта такрорланг ва ҳар сафар тезлаштириб боринг.

**Маданиятга оид маслаҳат: Ҳардам ўхшашликни даволаш**

- ❑ Англияда яшаган бир покстонлик ўзининг мансублиги, яъни ҳам инглиз, ҳам покстонлик бўлганидан саросимада ўсди. Масиҳга келгач у ўз мансублигини топганини айтди ва бу жуда “ажабланарли” эди. Биз юқорида ўрганган парча, яъни 1 Бутрус 2:9-10 унга бошқача таъсир қилганди.



**14-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Бу саволда қайси жавобларни белгиладингиз?” [Аслида ҳаммаси тўғри]
- ❑ “Сиз масиҳий бўлган қандай миллат вакиллари ёки этник гуруҳлар билан танишдингиз? Улар билан ўртангизда қандай умумийлик топдингиз?” [Ҳар ким ўзи жавоб беради. Бошқа маданиятлардан келиб чиққан имонлилар билан танишиш ва Масиҳда улар билан боғлиқликларни топиш катта бахт ҳисобланади!]

**Маданиятга оид маслаҳат: Уммат**

Дунёда кенг ёйилган бошқа бир динда бутун жаҳон жамиятига мансублик ҳисси чуқур жой олган. Улар бу жамиятни *уммат* деб атайдилар. Уларнинг назарида Худонинг Қонунига (*шариатга*) амал қилган *уммат* идеал даражага етади, аслида унга диний раҳнамолар (*халифалар*) бошчилик қилади. Бутун жаҳонга ёйилган бу жамият ҳар йили уюштириладиган зиёрат пайтида, барча мамлакатлардан одамлар тўпланган вақтда ўзини кўрсатади, уларнинг ҳаммаси бир хил кийимда бўлади. Аслида олиб қаралганда, *уммат* идеал даражадан жуда йироқда. Маълум бир маънода бу идеал даражадаги умумжаҳон масиҳийлар жамоатига ўхшайди, унда турли-турли мамлакатлардан бўлган имонлилар доим ҳам унинг принципларига амал қилавермайди.

Араб тилидаги айрим таржималарда Худо халқини изоҳлаш учун “*уммат*” сўзи ишлатилган. Ўқувчилар билан Масиҳнинг уммати ва ўша, йирик динга эътиқод қилувчилардан ташкил топган уммат ўртасидаги фарқ-тафовутларни муҳокама қилиш фойдали бўлиши мумкин.

**15-савол**

📖 Биринчи абзацни ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Ушбу оятга кўра, Худо бизни қаердан ва қаерга даъват этган?” [“Зулматдан Ўзининг ажойиб нурига”.]
- ❑ “Худо бизни нима учун танлаган?” [Биз Унинг буюк ишларини эълон қилишимиз учун”, 9-оятга қаранг.]
- ❑ “Биз буни амалда қандай қўллай оламиз?” [Биз бошқа одамларга Худонинг буюк ишлари ва Унинг илтифотини эълон қилишимиз лозим.]



**16-савол**

Бу расмни кўздан кечиринг


**[?] Савол беринг:**

- “Бу икки довюрак аёл Масиҳ уларни зулматда Унинг учун порлашга даъват этганини билишади. Биз-чи, худди шуни қилишга интиламизми?” *[Бирга муҳокама қилинглари.]*
- “Сизда кимгадир Худонинг ажойиб ишлари ҳақида гапириб бериш имкони борми?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Биз бу масалани 13-дарсда кўпроқ муҳокама қиламиз.]*

**18-савол****[?] Савол беринг:**

- “1 Бутрус 2-бобда биз тўғримизда Масиҳ жамоати деб қандай иккита таъриф берилган?” *[Биз “руҳий маъбад” ва “танланган насл” миз.]*
- “19-савол олдидан, сарлавҳада берилган учинчи таъриф нимадан иборат?” *[“Муқаддас қавм”.]*

**Г) МУҚАДДАС ҚАВМ (19-22-саволлар)****22-савол (а)**

 22-саволни охиригача ўқинг, шу жумладан қора ҳарфлар билан ёзилган саволларни ҳам, ўқитувчининг изоҳидан ташқари.

**[?] Савол беринг:**

- “Биз бу саволларга самимий тарзда қандай жавоб берган бўлардик?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Агар биз Худонинг Сўзига итоат қилсак, шунда бир-биримизни Масиҳдаги биродар ва опа-сингиллар сифатида қабул қила оламиз. Бу биз этник ёки ижтимоий мансублигимизни йўқотамиз дегани эмас, бу шунчаки Масиҳдаги умумийлигимизнинг яна ҳам кучли бўлишини англатади холос.]*



**22-савол (б)**

📖 Саҳифага берилган изоҳни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Агар оилангизга ўзингиз ҳақингизда таъриф берганингизда, уларга нима деган бўлардингиз: “мен Масиҳга имон келтирдим” деган бўлармидингиз ёки “мен Исо Масиҳнинг шогирди бўлдим” ва шунга ўхшаш бошқа ибораларни ишлатармидингиз? Улар учун бу атамалар нимани англатади?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Гарчи “Масиҳга имон келтирган” дейиш яхши вариант бўлсада, айрим ҳолатларда, мисол учун одамлар бунинг остида ичкиликни, чўчқа гўштини, жинсий бузуқиликни ва арабларга қарши тажовузни тасаввур қилишса агар, бу нотўғри тушунчага олиб келиши мумкин. Бошқа ҳолатларда одамлар “Масиҳга имон келтирди” деган иборани нисбатан тўғри тушунишлари мумкин. Эътиқодимизга доир жуда кўп таърифлар мавжуд ва биз вазиятдан келиб чиққан ҳолда уларни ишлатишимиз мумкин.]*

**Д) МАСИҲНИНГ ЖАМОАТИГА ҚЎШИЛИШИНГИЗ КЕРАКМИ? (23-25-саволлар)****24-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Бу ерга нима деб ёздингиз?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради. Шуниси маълумки, агар жамоатдан ажралсак, худди оловдан ажратилган чўғ сингари ўчиб қоламиз, яъни имонимиз сўнади.]*
- ❑ “Биз дарс бошида Носир ҳақида ўқиган эдик. Агар у бошқа имонлилар билан умуман алоқа қилмаса, имонда ғайрат кўрсата оладими?” *[Катта эҳтимол билан у имонда ғайрат кўрсата олмайди. Аста секин унинг имони сўнади.]*
- ❑ “1-саволда ёзганингизни қайтадан ўқинг. Бугунги муҳокамага хулоса сифатида, Носирга қандай масалаҳат берган бўлардингиз?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради. Умид қиламизки, муҳокама Носирнинг, ҳатто эҳтиёткорлик талаб этилсада, лекин бошқа имонлилар билан алоқа қилиши қанчалик муҳим эканини кўрсатиб берди.]*



**Маданиятга оид маслаҳат: Хавфни ҳисобга олиш**

Айрим мамлакатларда имонлиларнинг йиғилиши хатарли бўлади. Гоҳида чақимчилар ўзларини имонлидек кўрсатиб, гуруҳга кириб олишади. Улар имонлиларнинг исмлари, телефон рақамлари, манзили, расмлари ва ҳоказо маълумотларни тўплаб, кейин ошкор қилишади ва бу жуда ёмон оқибатларга олиб келади. Бундай вазиятларда имонлилар донолик билан иш тутишлари, ўзлари ҳақида ҳар кимга маълумот беравермаслиги, аввал вазминлик ва диққат-эътиборни йўқотмасдан, киши билан танишиши лозим. Муқаддас Руҳ уларга кимга кўпроқ, кимга камроқ ишонини лозимлигини кўрсатади. Улардан гуруҳнинг расмлари ёки видео тасвирларини сақлашда жуда эҳтиёткор бўлиш талаб этилади.

Бироқ хавфни ҳисобга олишнинг тескари томонлари ҳам бор. Агар ҳар биримиз Носир сингари ўзимизни тутиб, бошқаларга ишонмасак, имонлилар жамоати ҳеч қачон ўсмайди. Ажралиб қолган имонлиларнинг имони сусаяди. Оғир кунларда уларга ҳеч ким ёрдам бера олмайди. Уларнинг болалари имонлилар жамоатига ҳеч қачон қўшилмаса агар, табиийки эски динига қайтиб кетади. Имонлилар болаларининг келажаги яхши бўлишини истаса, уларни имонлилар жамоатига қўшишлари лозим. Шу тариқа, бошқа масиҳийлар билан учрашишнинг маълум бир даражада хавфли томонлари бор, бироқ буни қилмаслик яна ҳам катта хавфга олиб келади.

Кўп мамлакатларда эндигина имонга келганларнинг масиҳийлар жамоатига қўшилиши одатда улар учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Бироқ айрим вазиятларда улар ўзлари учун эҳтиёт бўлишни афзал кўришлари мумкин (мисол учун, оиласи шаънига доғ туширмаслик мақсадида). Кимга ва қачон гапиришга келсак, улар буни ўзлари танлаши лозим. Бошқа имонлилар улар ҳақида ғийбат қилмаслиги керак.



**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА****[?] САВОЛ БЕРИНГ:**

- “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” *[Ҳар бир ўқувчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз керак.]*

**[📖] Еттинчи дарс бўйича берилган амалий топшириқни ЎҚИНГ**

**АЙТИНГ:**

- “Бу ҳафта ҳеч бўлмаганда битта имонли билан учраша оласизми?” *[Агар кимнингдир учрашадиган одами бўлмаса, у гуруҳ қатнашчиларидан бири билан ёки сиз билан учрашиши мумкин.]*
- Уйда 8-дарсни ўрганишни унутманг

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ** Худога Масихга тегишли биродарларингиз ва опа-сингилларингиз учун раҳмат айтинг ва Ундан бир-бирингизга ишонишда сизларга ёрдам беришини сўранг.





**8-дарс бўйича кўрсатмалар Икки жамият аъзолари****8-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР**

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Ўз жамияти ва Масихда топган янги жамиятига ҳам хизмат қилишни хоҳлаши;
- б. Раббимиз ҳақи ҳокимиятга бўйсунушга тайёр бўлиши;
- в. 1 Бутрус 2:17 ни ёд олиши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ:**

- Айтинг: “Иккинчи Еттинчи дарс бўйича амалий топшириққа кўра сиз ҳеч бўлмаганда битта масихий билан учрашишингиз керак эди. Бу топшириқни бажардингизми? Бу сизга руҳий далда бердимми?”  
[Ҳар бир ўқувчидан жавоб беришни сўранг.]

**БУГУНГИ МАВЗУ:**

- Айтинг: “Бугун биз қандай қилиб бир вақтда икки жамият аъзоси бўлиш ва иккаласига ҳам хизмат қилишга интилиш мумкинлигини муҳокама қиламиз”.

**ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

- Бирга 8-дарс мазмуни ёзилган саҳифани очинг ва ўқувчилардан саволларга қандай жавоб берганларини сўранг:  
1-савол: а) Руҳий; б) Дунёвий  
2-савол: Бўйсунуш  
3-савол: “Ҳамма одамларни ҳурмат қилинглар” (1 Бутрус 2:17).



**Маданиятга оид маслаҳат: Икки жамият**

Масихга келганларнинг кўпчилиги одатда ўзларининг эски ва Масихда топган янги жамияти ўртасида қолганини, бир оёғи унда, бир оёғи бунда эканини ҳис қилади. Оила ва қариндошлик узвлари кўпинча ҳаддан зиёд мустақкам бўлиб, Масихга эргашганлар ўзлари учун азиз бўлган яқинлари томонидан рад этилгач, ич-этидан қийналадилар. Улар вақт ўтиб бу муносабатларни қандай қилиб қайтадан тиклай олади? Улар Масихнинг жамоатида худди эски оиласи сингари яқин бўлган янги “оила” топа оладими? Бу иккала савол кўпчилик учун ҳам ўта долзарб, ҳам мураккаб масала бўлиб келмоқда. Саккизинчи дарсда масихийларнинг иккита, яъни эски ва янги жамиятга мансуб эканлиги ҳамда улар иккала жамиятнинг ҳаётида иложи борича кўпроқ қатнашиши лозимлиги ҳақида сўз боради. (Имонлиларнинг айнан биринчи авлоди бу муаммога йўлиқади, низолар кўпинча жиддий кўриниш олади).

**А) ИККИ ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИ (1-4-саволлар)**

📖 1 Бутрус 2:11-12 ни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “11-оят нима учун бизни “ғарибу мусофирлар” бошқа таржимада “вақтинча яшаб турувчилар” деб атайдими? [Чунки бизнинг ҳақиқий ватанимиз самода, Масихнинг ҳузурда. Буни биз 1-саволдан билиб олганмиз.]
- ❑ “То бу дунёда яшар эканмиз, имонсизлар бизнинг ҳатти-ҳаракатларимизни диққат билан кузатади. 12-оятга кўра биз улар орасида қандай ҳаёт кечиришимиз керак?” [Муносиб ҳаёт кечиришимиз лозим, улар бизни ёмонликда айбласалар-да, эзгу ишларингизни кўришин.]

**2-савол**

📖 Биринчи абзацни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Худо бизни қайси иккита жамиятга хизмат қилишга давъат этган?” [Исо Масихнинг руҳий жамиятига ва дунёвий жамиятга, яъни ўз атрофимиздагиларга.]
- ❑ “Агар кимдир: “Дунёвий жамиятга хизмат қилишимиз шарт эмас, энг муҳими – бизнинг руҳий жамиятимиз” – деса, сиз бунга нима деб жавоб берасиз?” [Бирга муҳокама қилинглар. 1 Бутрус, иккинчи бобга кўра, Худо бизни иккала жамиятга ҳам хизмат қилишга давъат этган.]



**4-5-саволлар**

📖 4- (б) саволни ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- “Бу ерга нима деб ёздингиз?” *[Бирга муҳокама қилинглр.]*
  - “5-саволда ёзганингизга кўра, нодон одамларнинг сохта ғийбатларига барҳам беришнинг энг яхши йўли нима?” *[Эзгу ишларни қилиш]*
- 

**Б) ЭЗГУ ИШЛАРНИ ҚИЛИШ (5-9-саволлар)****7-савол**

📖 Биринчи абзацни ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- “Бу ерда қайси жавобларни белгиладингиз?” *[Муҳокама қилинг.]*
  - “Ўз жамиятимиз ва халқимиз учун яна қандай “эзгу ишларни қилишимиз” мумкин?” *[Муҳокама қилинг.]*
- 

**8-савол**

📖 Иккинчи абзацни ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- “Бу ерга қандай фикрларни ёздингиз?” *[Муҳокама қилинг.]*
  - “7 ва 8-саволларга берилган барча вариантлардан қайсиларини амалда қўллай оласиз?” *[Ҳар бир ўқувчи ўзининг вазиятига тўғри келадиган, ҳеч бўлмаганда битта вариантни танлаши лозим.]*
- 



**В) МАМЛАКАТИМИЗ ҲУКУМАТИГА БЎЙСУНИШ (10-13-саволлар)**

📖 1 Бутрус 2:13-17 ни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “13-оятда Худо бизга нима қилишни буюради?” [“Ҳар қандай ҳокимиятга бўйсунганини”]
- “Биз кимнинг ҳақи-ҳурмати бўйсунганимиз керак?” [“Эгамиз ҳақи-ҳурмати” 13-оят.]
- “16-оятга кўра, Масихда озод яшаш биз учун истаганимизни қилиш мумкинлигини англатадими?”  
[Йўқ, биз ёвузлик қилиш эркинлигига эга эмасмиз. Бу ҳақда 15-дарсда кўпроқ билиб оламиз.]
- “17-оятда бизга тўртта амр берилади. Ўзимиз яшаган шароитда биз уларни қандай қилиб амалда қўллашимиз мумкин?” [Бирга муҳокама қилинглари.]

**13-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Бу саволга қандай жавоб бердингиз?” [Муҳокама қилинг. Ҳар ким ўзи жавоб беради.]
- “Агар савдо ходими бўлсангиз ва хўжайинингиз сиздан харидорларни алдашни талаб қилса, унинг айтганини қиласизми? Ҳаворий Бутруснинг мисолидан билиб олганларимиз асосида жавоб беринг”. [Бирга муҳокама қилинглари. Буни қилиш жуда қийин, негаки сиз Худонинг иродасига зид иш тутишни истамайсиз ва шу вақтнинг ўзида ишингизни йўқотишдан қўрқасиз.]



**Г) ХЎЖАЙИНГА БЎЙСУНИШ (14-20-саволлар)**

📖 1 Бутрус 2:18 ни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Бу оят кимга ёзилган?” [Кулларга.]
- “Сизнингча, қул бўлиш қийинми?” [Бирга муҳокама қилинглар. Мисол учун, сизга жуда оғир ишни қилишга тўғри келади, бироқ бунинг учун сизга ҳақ тўланмайди, сизда эркинлик бўлмайди.]
- “18-оятга кўра, қуллар фақат “меҳрибон ва мулойим” хўжайинларга бўйсунуши керакми ёки қаттиққўл хўжайинларга ҳам бўйсунушлари керакми?” [Меҳрибон хўжайинларга ҳам қаттиққўл хўжайинларга ҳам бўйсунушлари лозим.]
- “Бизга ҳам қинғир йўллар билан пул топадиган хўжайин қўли остида кўп меҳнат қилишга тўғри келса ёки уйингиздагилар қилган ишингизни қадрламаса, 1 Бутрус 2-бобдан ўзимиз учун қандай тасалли ва далда топамиз? [Биз Эгамиз ҳақи-ҳурмати бўйсунамиз, 13 ва 18-оятлар.]

**19-савол**

Расмда кўрсатилган икки эркакка қаранг.

**? Савол беринг:**

- “Ўғлингиз учун қайси бирини раво кўрган бўлардингиз: ахлат тозаловчи бўлиб ҳалол ишлашними ёки қинғир йўллар билан пул топадиган муаллим бўлишними?” [Бу қийин масала! Бирга муҳокама қилинглар. Худо нимани хоҳлаган бўларди?]

**Д) ЯКУНИЙ ҚИСМ (21-22-саволлар)****? Савол беринг:**

- “1 Бутрус 2:17 ни ким ёддан айтиб бера олади?” [“Ҳамма одамларни ҳурмат қилинглар. Имонли биродарларингизни яхши кўринглар”. Изоҳ: бу 17-оятнинг бир қисми холос. Бу қисм ушбу дарснинг асосий бандларини умумлаштириш учун хизмат қилади.]
- “Ушбу оятда қайси сўзлар биз дунёвий жамиятнинг ҳаётида қатнашишимиз лозимлигини ўргатади?” [“Ҳамма одамларни ҳурмат қилинглар”.]
- “Қайси сўзлар биз руҳий жамиятимиз ҳаётида қатнашишимиз лозимлигини ўргатади?” [Имонли биродарларингизни яхши кўринглар.]



**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА****[?] САВОЛ БЕРИНГ**

“Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” [Ҳар бир ўқувчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз керак.]

**[📖] ЎҚИНГ** 8-дарс бўйича амалий топшириқ.

**АЙТИНГ:**

- ❑ “7 ва 8-саволларга қайтинг. Ҳафта давомида ушбу топшириқлардан бирини бажаришни ўз зиммангизга оласизми? Кейинги ҳафта ўз тажрибангиз ҳақида бўлишишга тайёр бўлинг. Шунингдек, уйда 9-дарсни ўрганишни унутманглар”.

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ:** Худодан ҳам дунёвий, ҳам руҳий жамиятимизга хизмат қилишда ҳамда ҳар қандай ҳокимиятга Масих ҳақиқурмати бўйсунишда бизга ёрдам беришни сўранг.



**9-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР****Қувғинларнинг сабаблари****9-ДАРС МАҚСАДЛАР**

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Ҳеч нарса уни Худонинг меҳр-муҳаббатидан жудо қилишга қодир эмаслигига ишонч ҳосил қилиши;
- б. Қувғинлар бўлиши, бироқ Худони яхши кўрганларга ҳамма нарса яхшиликка хизмат қилишини тушуниши;
- в. Кераксиз қувғинларнинг олдини олиш учун, донолик билан иш тутишни ўрганиши;
- г. 1 Бутрус 2:21 ни ёд олиши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ**

- ❑ Айтинг: “Саккизинчи дарс бўйича амалий топшириқ бўйича сиз ўз атрофингиздагиларга, муҳтожга ёки ҳокимиятга эга бўлган одамга қандайдир хизмат қилишингиз керак эди. Бу топшириқни бажардингизми? У одам буни қандай қабул қилди?” *[Бу ҳақда навбатма-навбат ҳар бир ўқувчидан сўранг. Агар у хизматингиз учун миннатдор бўлган бўлса, жуда соз. Миннатдор бўлмаган тақдирда ҳам, бу муҳим эмас, негаки биз Эгамиз ҳақи-ҳурмати хизмат қиламиз.]*

**БУГУНГИ МАВЗУ**

- ❑ Айтинг: “Бугун биз қувғинлар ҳақида сўз юритамиз. Бу жуда мураккаб мавзу. Муҳокама вақтида кимдир бошдан кечирган азоблар туфайли кўзига ёш олиши мумкин. Бироқ Худони яхши кўрганларга ҳамма нарса яхшиликка хизмат қилади ва ушбу мавзунини муҳокама қилганимизда Худо дилимиздаги оғриққа шифо бериши мумкин”.

**ДАРС МАЗМУНИ**

- ❑ Бирга 9-дарс мазмуни ёзилган саҳифани очинг. Ўқувчилар қуйидаги саволларга қандай жавоб берганини сўранг:
- ❑ *1-савол: “сизлар учун/намуна бўлди. Унга тақлид қилинглар”* (1 Бутрус 2:21).
- ❑ *2-савол: 1) дунё, нафратланади; 2) Эгамиз, қувғинлар келишига; 3) бемаъни иш тутамиз; 4) Масихнинг изидан.*



**Маданиятга оид маслаҳат:****Қувғинларни бошдан кечираётганларга маслаҳат бериш**

Эркин мамлакатларда яшаган масиҳийлар гоҳида қувғинлар ҳақида нореал тасаввурларга эга бўлиши мумкин. Улар қувғинларнинг оқибатларини ё камайтириб, ё ошириб юборишади. Қувғинларни бошдан кечираётган одамга, амалий жиҳатдан ҳам, психологик жиҳатдан ҳам донолик билан маслаҳат бериш лозим. *Амалий* жиҳатдан, қўпинча бундай имонлилар учун ўз оиласида, яқинлари билан қолиш, то вазият яхшилангунга қадар қаршилиқларга бардош бериб яшаш маъқулроқ бўлади. Вазият жиддий тус олиб, хатар ошган пайтларда хавфсиз жойда яшириниш тўғри бўлади, лекин шунда ҳам, маълум бир муддат ўтгач, у оиласи билан алоқа тиклашга ҳаракат қилиши керак. Маълум даражада эркинроқ бўлган мамлакатларда камдан-кам ҳолатлардагина имонлилар бунинг учун азият чекишади.

*Психологик* жиҳатдан: оиласи томонидан рад этилгач, имонлилар қай даражада қийналиши ва вақт ўтган сари уларни қанчалик соғинишини тушуниш муҳим ўрин тутди. Бу борада энг муҳими қувғинларни яхшиликка ўгириш, бошқача қилиб айтганда, бундай вазиятда Худонинг истиқболли режаларини ишга солиш, ушбу дарсдан кўзланган мақсад айнан шундан иборат.

**А) ДУНЁ БИЗДАН НАФРАТЛАНАДИ (1-6-саволлар)****1-2-саволлар**

📖 1-саволни охиригача ва 2-саволнинг биринчи абзацини ўқинг.

**? Савол беринг:**

“Бу ерда қайси жавобларни белгиладингиз? Балки сиз бошқача қувғинларни бошдан кечиргандирсиз? Сиз ҳозиргача қувғинларни бошдан кечиряпсизми?” *[Ҳар бир қатнашчига ўз тажрибаси ҳақида бўлишиш имконини беринг. Бу бўлишиш учун ажратиладиган муҳим вақт. Кимдир кўзига ёш олиши мумкин.]*

Ўша пайтда қувғинларни бошдан кечираётган ёки ўтмишда кечган кунлари боис оғринаётган қатнашчилар учун **бирга ибодат қилинглр**.

**5-савол**

📖 Хаим ҳақида ҳикояни ўқинг.

**Айтинг:**

❑ “Хаим ҳақида ҳикояни ўқиб нима ҳис қилдингиз?” *[Муҳокама қилинг.]*





**Б) ХУДО ҚУВҒИНЛАР КЕЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЕРАДИ (7-13-саволлар)****Айтинг:**

- ❑ “Худо илк даврдаги масиҳийларга қувғинларни бошдан кечириш қийин бўлишини билган, бизнинг вазиятимизда ҳам худди шундай. Шу тариқа У Бутруснинг биринчи мактубида ёзилган кучли ваъдалар билан уларга тасалли беради”.

📖 1 Бутрус 1:3-7 ни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Тўртинчи оятга кўра, биз учун сақланаётган қут-баракалар қаерда?” [*“Самода”*]
- ❑ “У бузилиши, йўқолиши ёки булғаниши мумкинми?” [*Йўқ, бу дунёдаги баракалардан фарқли равишда, самода сақланаётган қут-баракалар билан ҳеч нарса қилмайди!*]
- ❑ “Бешинчи оятга кўра, бу вақт давомида ким бизни омон сақлайди?” [*“Худо Ўз қудрати билан”.*]
- ❑ “Олтинчи оятга кўра, “турли синовлар туфайли вақтинча” қийналганимизда, нима қилишимиз керак?”
- ❑ [*Хурсанд бўлишимиз керак.*]
- ❑ “Еттинчи оятда имонимиз ҳақида нима дейилган?” [*Олтиндан минг баробар қадрлироқдир.*]
- ❑ “Заргар нима учун олтинни оловда тоблайди?” [*Уни тозалаш учун.*] “Шундай экан, Худо нима учун қувғинларни бошдан кечиришимизга йўл қўяди?” [*Имонимиз ҳақиқий эканини исботлаш, бизни пок, саботли ва кучли қилиш учун. Биз учун бу яхши далда бўлиб хизмат қилади!*]

**10-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Бу ерда қайси жавобни ёки жавобларни белгиладингиз?” [*“Каломга кўра, фақат а) жавоб тўғри. Бироқ бу муҳокамадан мақсад ўқувчиларни ўз шубҳалари ва қийинчиликлари ҳақида самимий бўлишига ундаш. Ушбу муҳокама туфайли улар Худо Каломига юрагини очадилар. Шунда Эгамиз уларнинг фикр-зикрини ўзгартиришга, уларга куч беришга қодир бўлади, токи улар, гарчи қийинчиликлардан ўтаётган бўлсаларда, Худонинг илтифотли эканлигига ишонишсин.*]



**11-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “б) қисмда нима ёздингиз?” *[Муҳокама қилинг. Худо сизнинг ҳаётингизда турли вазиятларни қандай қилиб яхшиликка ўзгирганига мисол келтиришга тайёр бўлинг.]*

**12-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Бизни Худонинг меҳр–муҳаббатидан нима жудо қила олади?” *[Ҳеч нарса, ҳатто ўлим ҳам бизни Худонинг меҳр–муҳаббатидан жудо қила олмайди.]*
- ❑ “Ўлим Хаимнинг оиласини Худонинг меҳр–муҳаббатидан жудо қила олдимиз?” *[Йўқ! Улар вафот этгач Худо билан бирга бўлдилар.]*

📖 12-саволда Худонинг ваъдасини ўқинг:

- ❑ “Мен аминманки, ўлим ҳам, ҳаёт ҳам, фаришталару жинлар ҳам, ҳеч қандай ғайритабиий кучлар ҳам, ҳозиргию келгуси ҳодисалар ҳам, баландликлару чуқурликлар ҳам, яратилган биронта мавжудот ҳам бизни Раббимиз Исо Масиҳ шахсидаги Худонинг меҳр–муҳаббатидан жудо қилишга қодир эмас. (Римликларга 8:38-39).

**В) ГОҲИДА БИЗ БЕМАЪНИ ИШ ТУТАМИЗ (14-17-саволлар)****14-савол**

📖 Шакил ҳақида ҳикоядан кейинги саволни ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Бу савол борасида қандай фикрлар билдира оласиз?” *[Агар кимдир бу саволга жавоб беришга ҳали тайёр бўлмаса, улар саволни бўш қолдирмагани, жавоб ёзганларига ишонч ҳосил қилиш учун, уларнинг курс қўлланмасидаги ёзувларини текширинг. Уларга эслатинг: агар уйда яхшироқ ўрганишса, муҳокамада фаолроқ қатнаша оладилар.]*
- ❑ “Шакил муқаррар юз берадиган қувғинларга йўлиқдимиз ёки кераксиз қувғинларгами?” *[Кераксиз қувғинларга. У бемаъни иш тутди, уйдан қочиб ва отасини ҳақорат қилиб у ўз оиласи шаънига доғ туширди.]*



- ❑ “Биз қандай қилиб кераксиз қувғинларнинг олдини олишимиз мумкин?”  
[Муҳокама қилинг. Мисол учун, катталарга ҳурмат кўрсатишимиз, оиламизга ёрдам беришимиз лозим. Оиламиз шаънига иложи борича доғ туширмасликка ҳаракат қилишимиз зарур.]
- ❑ “Муқаррар юз берадиган қувғинлардан ўзимизни олиб қочишимиз керакми?” [Биз Масиҳнинг номини рад этмаслигимиз керак. Бироқ биз маълум бир вақт бошқа жойда яшаб туришимиз мумкин. Буни кейин муҳокама қиламиз.]

## 17-савол

📖 Иккинчи абзацни ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Бу масала борасида нима дея оласиз?” [Бирга муҳокама қилинглар. Биз бу борада сизга бирор бир жавобни “тўғри” ёки “нотўғри” дея олмаймиз, негаки ҳаммаси вазиятга боғлиқ. Ҳаёти хавф остида бўлган одам маълум бир вақт бошқа жойда яшаб туриш ҳақида ўйлаб кўриши лозим. Бироқ вазият жиддий хавф туғдирмаса, у то ҳаммаси яхшиланмагунга қадар ўз уйида иложи борича тинч яшаб туришга ҳаракат қилиши лозим. У гарчи Исо Масиҳга эргашган бўлсада, бироқ ҳали ҳамон ўз оиласига содиқ эканини исботлашга ҳаракат қилиши зарур.]

## Г) БИЗ МАСИҲГА ТАҚЛИД ҚИЛАМИЗ (19-22-саволлар)

📖 1 Бутрус 2:19-25 ни ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “20-оятда кераксиз қувғинларга қандай таъриф берилади?” [“Борди–ю, қилган гуноҳингиз учун таёқ еб чидасангиз, бу сизга шараф келтирармиди?!”]
- ❑ “Агар қувғинларга бардош беришимизга тўғри келса, 21-оятга кўра биз кимга тақлид қилган бўламиз?” [Устозимиз Исо Масиҳга. У тор йўлдан юрди ва Унга тақлид қилиш биз учун юксак мартабадир!]
- ❑ 23-оятга кўра, Устозимиз Исо Масиҳни ноҳақдан ҳақорат қилганларида У бунга қандай жавоб берди?” [“У ҳақорат қилинганда ҳеч кимга ҳақорат билан жавоб қайтармади, азоб чекканда ҳеч кимга таҳдид қилмади. Фақат одилона ҳукм қиладиган Худога Ўзини топширди.”]
- ❑ Бизни 23-оятда кўрсатилгандек, ноҳақдан ҳақорат қилганларида, биз Унга қандай тақлид қилишимиз мумкин?” [Биз ҳам ҳақорат қилмасдан, дўқ қилмасдан, фақат одилона ҳукм қиладиган Худога ўзимизни топширишимиз лозим. Бироқ гоҳида адолатга қарши бош кўтариш талаб этиладиган пайтлар бўлади ва бу ҳақида биз кейинги ҳафта кўпроқ сўз юритамиз.]



- ❑ 24-оятни ўқинг. Исо Масих буларнинг ҳаммасини биз учун қилганини ўйлаганингизда юрагингиздан қандай кечинмалар ўтади? [Ўқувчилар ўз кечинмалари ҳақида бўлишишлари мумкин. Улар миннатдорчилик ва итоаткорлик, шунингдек, Масихнинг азобларига шерик бўлишга тайёр эканларини ҳис қилишлари мумкин, ахир Масих улар учун шунча нарса қилди!]

## 22-савол

Рамкада келтирилган ва ёд олиш лозим бўлган оят устидан **бирга ишланглар** (1 Бутрус 2:21).

### МАШҒУЛОТ ОХИРИДА

#### ❓ САВОЛ БЕРИНГ:

- ❑ “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” [Ҳар бир ўқувчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз керак.]

📖 **ЎҚИНГ** 9-дарс бўйича амалий топшириқ.

#### АЙТИНГ:

- ❑ “Ҳар куни оятни ўрганишда уни бир неча марта жуда секин ўқинг. Муқаддас Рухдан ушбу оят қувғинлар келган пайтда сизга қандай тасалли беришини тушунишга ёрдам беришни сўранг. Шунингдек, уйда ўнинчи дарсни ўрганинглар”.

#### ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ

Ҳар хил қатнашчилардан қисқа ибодат қилишни сўранг, Худога қувғинлар вақтида биз билан бирга бўлишни ваъда қилгани учун раҳмат айтинг. Мамлакатингизда ва бошқа мамлакатларда қувғинлардан азият чекаётганлар учун ибодат қилинг.



**10-дарс бўйича кўрсатмалар****Ҳақоратларга ва қувғинларга қандай жавоб бериш****10-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР**

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Кечириш қасос олишдан кўра афзал эканига чин дилдан ишониши;
- б. Хафа қилган одамни кечириш учун маълум бир қадамларни босиши;
- в. Матто 5:44 ни ёд олиши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ**

- ❑ Айтинг: “Ўтган дарсда берилган амалий топшириққа кўра сиз тўққизинчи дарсда Каломдан келтирилган ҳар хил оятлар ҳақида ҳар куни мулоҳаза қилишингиз керак эди. Қайси оят сизда айниқса кўпроқ таассурот қолдирди?” *[Ҳар бир қатнашчи оятлардан биттасини белгилаши лозим. Ҳаммаси битта оятни ёки ҳар хил оятларни танлаши мумкин, бу муҳим эмас.]*

**БУГУНГИ МАВЗУ**

- ❑ Айтинг: “Бугун биз Худо қувғинларга қандай жавоб беришимизни хоҳлаши ҳамда душманларимизни қандай кечира олишимиз ҳақида билиб оламиз”.

**ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

- ❑ Қатнашчилар дарс мазмунида берилган саволларга тўғри жавоб берганини текширинг. Мана тўғри жавоблар:  
*1-савол:* Кечиришимиз керак  
*2-савол:* “Душманларингизни яхши кўринглар. Сизларни қувғин қилганлар учун ибодат қилинглар” (Матто 5:44).



**А) ҚАСОС АЙЛАНАСИ (Кириш қисми ва 1-3-саволлар)****Маданиятга оид маслаҳат: Қасос ва кечирим**

Бу дарс дастлаб “қасос олиш” айланаси авлоддан авлодга ошиб ҳалокатли оқибатларга олиб келган мамлакат учун ишлаб чиқилган. Гарчи кўп мамлакатларда қасос олиш маъқулланмасада, айрим маданиятларда бу яширин тарзда ўз кучини кўрсатиб келади. Инсон қонига сингиб кетган гуноҳли табиат гоҳ “кучли кўриниш”, гоҳ эса “булғанган номини тиклаш” ниқоби остида бўлсада, лекин барча маданиятларда ўзини намоён қилаверади. Кўпинча жамиятда бу аксарият одамлар қасосни одатий ҳолат деб билишини англатади. Шунинг учун, Масихнинг душманларни севиш ҳақида амрини эшитганлар (бу ҳафта ёд олиш учун бериладиган оят) буни кескин таълимот деб қабул қилишади ва бунинг натижасида кўп одамлар Исога келган.

Эндигина имонга келганлар орасида кўпчилик уларни эътиқоди учун қувғин қилган ёки рад этганларга нисбатан юрагида дард ва алам билан яшайдилар (мисол учун, 15-саволда кўрсатилган ҳолатдагидек). Бундан озод бўлиш зарур, негаки бу уларнинг Масихга яқинлашишига хизмат қилади. Айнан шу сабабга кўра ушбу мавзуга кўпроқ эътибор қаратилади ва мазкур дарсда бу мавзу кенг ёритилади. Ушбу мавзу муҳокама қилинганда қатнашчиларда кучли ҳис-туйғулар уйғониши мумкин, шунингдек улар шифо топишлари ҳам мумкин.

5-саволда хочда ўлаётиб, Ўзининг душманларини кечирган Исо ва душманларига лаънат ўқиб, жанг майдонларида ўлган йўлбошчилар ўртасидаги кескин фарқ кўрсатилади.

**Кириш қисмида мураббийнинг мурожаатлари**

📖 Чап томонда саҳифага берилган изоҳни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Сиз ҳам худди мана шу одам ҳис қилган туйғуларни бошдан кечирганмисиз?” [Бирга муҳокама қилинглар. Агар ўқувчилар кечирининг жуда қийинлиги ва бу ожизликнинг белгиси эканини айтишса, ҳозирча баҳслашманг. Дарсинг қолган қисми ушбу саволларни муҳокама қилишга бағишланади.]



**2-савол**

📖 Охирги абзацни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Бу ерда қандай мисол келтирдингиз?” [Муҳокама қилинг.]
- “Демак, кечириш – қийин, қасос олиш – осон экан-да. Бироқ улардан қайси бирининг зарари кўпроқ?” [Қасос.]

**Б) ҚАСОС ОЛИШ ЎРНИГА КЕЧИРИШ (4-16-саволлар)****4-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

Ёд олиш учун берилган Матто 5:44-оят устидан **ишланг**.

**? Савол беринг:**

- “Душманни севиш, бизни қувғин қилганлар учун ибодат қилиш жуда қийин. Биз нима учун бу ҳақида жон куйдиришимиз лозим?” [Чунки Исо Масиҳ бизнинг Раббимиз ва У бизга айнан шундай қилишни буюрган. Бу борада Унинг Ўзи бизга ўрнак, намуна бўлди. Шунингдек, бу қасос айланасини бузади ва бизни юракдаги аламдан озод қилади.]

**5-савол****Айтинг:**

- “Бугун биз ўнинчи дарсда тилга олинган тўртта одам ҳақида мулоҳаза қиламиз. Биз уларнинг қувғинларга кечирим билан жавоб берганлари ҳақида ўқидик. Улардан биринчиси Раббимиз Исо Масиҳ бўлади”. Саволни охиригача **ўқинг** (Юқорида берилган “Маданиятга оид маслаҳат” бўлимига эътибор беринг”).

**? Савол беринг:**

- “Исо кучсиз етакчи бўлганми ёки кучлими?” [Кучли.]
- “Шунга қарамай, Исо Масиҳ душманларини лаънатлаш мумкин бўлсада, лекин Ўз кучини ишга солмади. У душманларини йўқ қилиши мумкин эди, лекин Ўз кучини ишга солишдан бош тортди. Исо Ўз кучини нима учун ишлатди?” [Душманларини кечириш учун.]
- “У кўрсатган намунадан биз нима ўрганишимиз мумкин?” [Кечириш – ожизлик белгиси эмас, аксинча – бу куч ва жасоратнинг белгисидир.]
- “Душманларимизни кечириш учун бизга ким куч беради?” [Исо Масиҳ, ичимизда яшаган Руҳи воситасида.]



**9-савол****Айтинг:**

- ❑ “Бугун биз тўртта одамни мисол тариқасида ўрганамиз. Биринчи бўлиб биз Раббимиз Исони мисол қилиб келтирдик. Қолган уч киши Унинг издошлари. Улар бошқа динлардан бўла туриб, Исога имон келтирган. Келинг, Муроднинг ҳаётидан олинган ҳикояни ўрганайлик”.

Мурод ҳақида ҳикояни **ўқинг** (Интернет сайтидан олинган бу ҳикоя ҳаётий ҳикоя сифатида эътироф этилади).

**[?] Савол беринг:**

- ❑ “9 а) ва б) саволларга қандай жавоб бердингиз?” *[Қасос шундай нарсаки, ловуллаб ёнадиган ёқилғига ўхшайди, кечирим эса – сувга.]*
- ❑ “Агар Мурод қасос олиш режасини амалга оширганида, бунинг оқибатлари қандай бўлар эди?” *[Унинг ҳамкасблари шунга яраша жавоб берар эди, оқибатда эса “қасос айланаси” ишга тушган бўларди.]*

**10-савол**

- ❑ Мурод ҳақида ҳикоянинг иккинчи қисмини **ўқинг**.

**[?] Савол беринг:**

- ❑ “Муроднинг қасос олиш ўрнига кечириши қандай ижобий натижага олиб келди?” *[Унинг ҳамкасби қаттиқ таъсирланди ва охир-оқибат Исо Масиҳга эргашди.]*

**Айтинг:**

- ❑ “Шунингдек яна битта ижобий натижага эришилди. Бу ҳақда жой етмагани боис дасрда айтилмаган эди. Пули йўқолган куни Мурод туни билан ухлолмади, чунки у жуда қаттиқ таъсирланган эди. Кечаси у бу ҳақда ибодат қилди. Айнан ўша пайтда у ташқаридан бир овоз эшитди. Эшикни очиб қараса, кимдир балконга конверт ташлаб кетган экан. Унинг кимлигини Мурод билмас эди. Конвертдаги мактубда шундай ёзилганди: “Мен имондаги биродарингман ва Худо менга буни сенга беришимни айтди”. Конвертда худди Мурод йўқотган миқдорда пул бор эди!”

**[?] Савол беринг:**

- ❑ “Сизнингча, Мурод пулни топгач нима ҳис қилган?” *[Ўқувчиларнинг жавоблари. Аслида бу ҳодиса Муродга имонда ўсишга ёрдам берди.]*





**12-савол****Айтинг:**

- “Энди келинг, учинчи ҳикоя билан танишайлик. Унда бир аёл ҳақида сўз боради. Масихга эргашган бу аёл уни хафа қилган одамни кечира олди. Аёлнинг оиласи ва қариндошлари бошқа динга эътиқод қилган”.

📖 Саволни ва ҳикояни тўлиқ ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Сизнингча, нима учун Муроднинг моддий йўқотишини мўъжизавий равишда тўлиқ тиклаган Худо, Марямнинг ҳолатида бундай қилмади?”  
[Бирга муҳокама қилинглар. Биз бунинг сабабини билмаймиз. Ҳар биримиз учун, ҳар хил пайтда нима яхшироқ бўлишини Худо билади. Гоҳида У, худди Муроднинг ҳолатида бўлгани каби имонимизни мустаҳкамлаш учун мўъжиза қилади. Гоҳида эса, худди Марямнинг ҳолатида бўлгани каби, У сабр-тоқатимизни мустаҳкамлаш учун, бизни оғир йўлни босиб ўтишга мажбур қилади. Нима бўлишидан қатъий назар, Худо буни ҳаётимиз учун яхшиликка ўгиради.]
- “Марямни эрининг холасига бўлган нафратдан нима озод қилди?” [Марям уни кечиршига қарор қилди. Натижада унинг юраги тинчлик топди, дилини хурсандчилик тўлдирди!]

**13-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Бу ерга нима деб ёздингиз?” [Ҳар хил фикрларни муҳокама қилинглар. Бу қийин масала. Гоҳида ўз номингиздан ёки бошқа имонлиларнинг номидан қаршилик кўрсатиш тўғри бўлади. Шундай ҳолатлар бўлганки, ҳаворий Павлус адолатсизликка қарши бош кўтарган (мисол учун, Ҳаворийлар 16:35-37 да). Бироқ қаршилик кўрсатилганда, бу қонунга мувофиқ қилиниши лозим, асло қасос олиш мақсадида эмас.]



**14-савол**

📖 Биринчи абзацни **ўқинг**, шу жумладан таржима қилинган шеърни ҳам.

**? Савол беринг:**

- “Ўз ҳаётингизда сиз ўзгага нисбатан гина сақлаб, кечиришдан бош тортган ҳолат ҳақида айтиб беринг. Бу сизга қандай таъсир ўтказган?” *[Бирга муҳокама қилинглари.]*
- “Шеърда “заҳрини сочган чаён” ҳақида айтилган. Ундан озод бўлиш учун биз нима қилишимиз керак?” *[Душманларимизни кечиришимиз керак.]*

**15-савол (а)****Айтинг:**

- “Биз бугун тилга оладиган **тўртинчи** қаҳрамонимиз Африкалик одам. У Масихга эргашигандан кейин қариндошлари уни ўлдирмоқчи бўлди”.

📖 Бу одамнинг рамкада келтирилган сўзларини **ўқинг**.

**? Савол беринг:**

- “Бу одамга уни калтаклаганларни кечириш осон бўлганми ёки қийинми?” *[Жуда қийин.]*
- “Бу одам шундай дейди: “Қувғин қилганларни кечирмаганим туфайли кечган азобларим, уларнинг мени калтаклаб етказган азобидан кўра оғирроқ эди”. У нимани назарда тутди?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Назаримда, у юрагида сақлаган аламдан қийналган.]*

**15-савол (б)**

📖 Навбатдаги гапни ва саҳифага берилган изоҳни **ўқинг**.

**Айтинг:**

- “Сизга ўтмишда оғриқ етказган одамни эсланг. Энди келинг, ичимизда унинг исмини бўш жой ўрнига қўйиб айтайлик. Мисол учун, ўша одамнинг исми Фарҳод бўлган бўлса, ичимизда: “Фарҳодни яхши кўринг ва унинг учун ибодат қилинг”, деймиз. Келинг, ҳаммамиз ҳозир шуни қилайлик”. *[Шахсий сирни очмаслик мақсадида қатнашчилардан исми тилга олиш ёки ёзиш талаб этилмайди.]*

**? Савол беринг:**

- “Буни қила олдингизми? Бу сўзларни айтганингизда нима ҳис қилдингиз?”



**Айтинг:**

- ❑ “Эсда тутинг, биз ўзимизнинг эски табиатимиз билан душманларни кечира олмаймиз. Буни фақат Масихда топган янги табиатимиз билан қила оламиз”.

**В) АЗОБДА КЕЧАДИГАН ШОДЛИГИМИЗ (17-19-саволлар)**

📖 1 Бутрус 4:12-16 ни **бирга ўқинг**.

**❓ Савол беринг:**

- ❑ “Қайси оят сизга айниқса кўпроқ ёқди ва нима учун?” *[Ҳар хил жавоблар.]*
- ❑ “Худо сизга азоблар вақтида шодлик берган вазият ҳақида гапириб беринг”. *[Бирга муҳокама қилинг.]*

**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА****❓ САВОЛ БЕРИНГ:**

- ❑ “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” *[Ҳар бир ўқувчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз керак.]*

📖 Ҳинчи дарс бўйича амалий топшириқни **ЎҚИНГ**.

**АЙТИНГ:**

- ❑ “Бу топшириқни ўзингиз, мустақил бажаришга қарор қилишингиз керак, ҳеч ким сизни буни бажаришга мажбур қилолмайди. Бу қийин топшириқ, лекин агар бўш келмасангиз, Худо сизга куч ҳам, матонат ҳам беради. Бу орқали ҳаётингизда катта шодлик, қувонч ҳис қиласиз!”
- ❑ “Уйда ўн биринчи дарсни ўрганинглар”.

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ** Худога кечириш қасос олишдан кўра афзал эканини бизга кўрсатгани учун раҳмат айтинг. Ундан бу ҳафта амалий топшириқни бажариш учун сизга куч беришини сўранг.



## 11-дарс бўйича кўрсатмалар Эр-хотинлар

### 11-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Худонинг никоҳга оид ниятини, бир эркак битта аёлга бир умрга боғланиши лозимлигини тушуниши;
- б. Ўзининг эмас, кўпроқ турмуш ўртоғининг кўнглини олишга интилиши;
- в. Эркак **киши** ўз онасидан кўра хотинини устун қўйиши кераклигига ишониши;
- г. Ибтидо 2:24 ни ёд олиши лозим.

### Алоҳида изоҳ

Агар гуруҳингизда аёллар ҳам, эркаклар ҳам бўлса, ўйлаб кўринг: уларга бу мавзунини бирга муҳокама қилиш қулай бўладими ёки алоҳида гуруҳларга бўлинибми? Бу ерда уларнинг маданияти ва шахсий сифатларини ҳисобга олган ҳолда бир қарорга келишингиз лозим. Шунингдек, гуруҳ қатнашчиларининг оилали, бўйдоқ, янги турмуш қурган, болали ёки илгари никоҳда бўлгани ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда муҳокамани мослаштиринг.

Бу ҳафта ўрганиладиган мавзу алоҳида аҳамиятга эга. Унда муҳокама қилиш лозим бўлган бир қатор бандлар бор. Ўқувчиларга кўпроқ мос келадиган саволларга урғу беринг, бироқ уларни шошилтирманг. Агар бир кунда муҳокамани яқунлай олмасангиз, буни кейинги ҳафтада давом эттиринг.



**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****БУГУНГИ МАВЗУ:**

- Айтинг: “Эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар инсонлар ўртасида тузиладиган муносабатлар ичида энг муҳими ҳисобланади. Ҳатто ота-онамиз билан бўлган муносабатларимиз ҳам бу даражада муҳим бўла олмайди. Келинг, бугун Худонинг никоҳга оид нияти ҳақида билиб олайлик”.

**ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

- Ўқувчилар дарс мазмуни саҳифасидаги саволларга тўғри жавоб берганига ишонч ҳосил қилинг.  
*1-савол:* “ота-онасидан бўлак бўлиб, хотинига боғланиб қолади, иккаласи бир тан бўладилар” (Ибтидо 2:24).  
*2-савол:* битта, битта, бир умрга.  
*3-савол:* а) Эрларингизга бўйсунинглар; б) Хотинларингизга эътиборли бўлинглар.  
*4-савол:* Мен.

**ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ:**

- Айтинг: “Ўтган дарсда берилган амалий топшириққа кўра сиз дилингизни оғритган одамни кечирингиз керак эди. Бу топшириқни бажардингизми? Бу сизнинг ҳаётингизни қандай ўзгартирди?” *[Бирга муҳокама қилинглар. Фикр билдирмаган ёки ҳалигача кечирингизга қийналганларни эътиборга олинг. Кейинчалик уларнинг ҳар бири билан алоҳида гаплашиб олинг.]*



**Маданиятга оид маслаҳат: Никоҳ амалиёти**

Ҳар қандай маданиятда бир-бирини тушунадиган эр-хотинлар ва бир-бири билан келишмайдиган эр-хотинлар бўлади. Шу тариқа барча оилаларни умумлаштириш қийин. Кўп маданиятларда оилавий ҳаётни безайдиган ўзига хос жиҳатлар мавжуд, гарчи уларда ҳам яширин кечадиган зўравонлик ва аччиқ алам каби ҳолатлар жой олиши мумкин бўлсада.

Бошқа динларда уламолар никоҳга оид таълимотга турлича изоҳ беришади, айрим жамиятларда эса эркаклар ҳукмронлик қилиб, аёлларга нисбатан жабр-зулм ўтказишади. Бироқ ушбу курс жуда кўп жамиятларда кенг негиз отган тушунчаларга, мисол учун эркак киши аёлга қўл кўтариши ёки у билан осонликча ажрашиши, ёки тўрттагача хотин олиши мумкинлиги, ё бўлмаса биринчи хотини ўғил туғмаса, ўзини бошқасига уйланишга ҳақли деб ҳисоблаши каби ҳолатларга қарши чиқади. Бундай маданиятларда хотиннинг ҳам жамиятда ўз ҳуқуқлари бўлсада, бироқ улар эрнинг ҳуқуқларига кўра анча чекланган. Асл моҳиятини олиб қарайдиган бўлсак, никоҳ келишувга эмас, кўпроқ шартномага ўхшайди.

Ушбу дарсдан кўзланган мақсад – ўқувчиларга никоҳ ҳақида тушунчаларини янгидан баҳолашга ва Калом асосида бу тушунчаларга пойдевор ҳосил қилишга ёрдам беришдан иборат. Бутун дарс давомида умумий тушунчалар ўрганилади ва Калом таълимоти билан таққосланади. Ўнинчи саволда шу мақсадда муқаддас ҳисобланган бир китобдан кўпчиликка таниш бир ибора келтирилади. У ерда: “Хотинларингиз зироатгоҳингиздир”, дейилган. Муқаддас Китоб таълимоти бўйича бир эркак бутун умри давомида фақат битта аёлга уйланиши лозим. Эрлар хотинларини фидойиларча севиши лозим ва бу жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ўн биринчи дарс катта мавзунинг бошланғич нуқтаси холос ва агар ўқувчилар орасида уйланганлар ёки оила қуришга тайёрланаётганлар бўлса, бу масала бўйича қўшимча машғулот ўтказиш фойдали бўлади. Худди шуни бола тарбиясига оид мавзунини кўпроқ муҳокама қилишни истаган ўқувчилар ҳақида ҳам айтиш мумкин.



**А) ХУДОНИНГ НИКОҲГА ОИД НИЯТИ (1-11-саволлар)****2-савол**

📖 а) банддан г) бандгача ҳар бир фикрни ўқинг.

❓ Ҳар бир фикрдан кейин **савол беринг**:

- ❑ “Шахсан сиз бу фикрга қўшиласизми? Нима учун қўшиласиз ёки нима учун қўшилмайсиз?” *[Ушбу қўлланмада биз бу саволларга Муқаддас Китоб таълимотига оид тушунчамиз асосида жавоб берамиз. Тушунамиз, имонлилар жинсий мансублик билан боғлиқ ролларнинг айрим жиҳатлари борасида фикримизга қўшилмаслиги мумкин, лекин ҳеч бўлмаганда бу ерда кетириладиган фикрларни тасдиқлай олишади, негаки бу фикрлар Худо суратидай қилиб яратилган эркак ва аёл ҳақида Муқаддас Китоб ўргатган таълимотга асосланади.]*
- 

**3-савол**

📖 Дастлабки иккита жумлани ўқинг.

❓ Ҳар бир ўқувчига **савол бериб**, бир неча марта такрорланг:

- ❑ “Худонинг никоҳга оид нияти нимадан иборат?” *[Битта эркак бир умрга битта аёлга боғланади.]*

❓ **Савол беринг**: Худонинг никоҳга оид ниятига кўра:

- ❑ “Эркак кишининг нечта хотини бўлиши лозим?” *[Битта.]*
  - ❑ “Улар никоҳда қанча вақт бўлиши лозим?” *[Бир умр.]*
  - ❑ “Уларнинг танаси, онги ва жони билан нима бўлиши лозим?” *[Улар бир-бирига боғланмоғи лозим.]*
  - ❑ “Бу дарс учун биз қайси оятни ёд олишимиз лозим?” *[3-саволдаги рамкага қаранг. “Шунинг учун эркак киши ота-онасидан бўлак бўлиб, хотинига боғланиб қолади, иккаласи бир тан бўладилар” (Ибтидо 2:24).]*
- 



## 4-5-саволлар

📖 4-саволни охиригача ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “5-савол а) ва б) бандларида нима ёздингиз?” *[Бу одатий жамиятда, мураккаб таркибга эга оилаларда кўп учрайдиган ҳолат. Айрим мамлакатларда никоҳнинг бир мунча индивидуал шакли ривож олмақда, бу айниқса шаҳарларда кузатилади. Шундай бўлсада, ўқувчи муаммоларни кўра олади. Муқаддас Китоб принципи маълум – эр энг аввало хотинига боғланмоғи лозим, шу билан бирга ота-онани эъзозлаш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳам Муқаддас Калом принципи ҳисобланади ва айрим маданиятларда бунга етарлича эътибор берилмайди.]*

### Маданиятга оид маслаҳат: *Онанилик*

Айрим маданиятларда онани жуда эъзозлашади. Ўғилларга онани алоҳида эъзозлаш, онага содиқ бўлиш уқтирилади ва одатда ўғил эмоционал жиҳатдан кўпроқ отага эмас, онага боғланади. Шунингдек, айрим маданиятларда одатда қиз турмушга чиққанда ота-онасининг уйини ташлаб эрининг оиласига кўшилади, бироқ эр учун “ота-онадан бўлак бўлиш, ажралиш жараёни” кўзда тутилмаган. Шу сабабдан эр эмоционал жиҳатдан кўпроқ хотинига эмас, онасига боғланиб қолиши, она ўз навбатида ўзининг фойдасини ўйлаб, ўғлини бошқариши мумкин, келини эса бундан азият чекади. Ушбу дарсда мана шу саволлар кўриб чиқилади. Бироқ бу ерда фақат умумий масалалар келтирилади, шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугунги вазиятда мураккаб оила системаси бу қадар мустаҳкам эмас.

## 7-савол

📖 Матто 19:3-6 ни ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “3-оятда диндор одамлар берган саволга кўра, ўша вақтда эркак учун хотини билан ажрашиш осон бўлган, деб ўйлашимиз мумкинми?” *[Ҳа, мумкин. Бундан ташқари, айрим диний раҳнамоларнинг таълимоти бўйича эркак кишининг хотини билан ажрашишига хотинининг овқатни куйдириб қўйиши ҳам асос бўла олади.]*
- ❑ “Масих бешинчи оятда Таврот (Мусо китоби) дан қайси оятни тилга олади?” *[Ибтидо 2:24. Бу айнан биз ёд олишимиз керак бўлган оят. Бу Исо Масих мазкур таълимотни тасдиқлаганини кўрсатади.]*





- “Муқаддас Китоб жуда аниқ қилиб эркак киши хотинига “боғланиб, бир тан бўлиши” лозимлигини ўргатади. Улар бундай бирлашувни нафақат тана, балки дили ва онги жиҳатидан ҳам қандай мустаҳкамлаши мумкин?”  
[Муҳокама қилинг. Мисол учун, улар бирга вақт ўтказиши, бир-бирлари билан кўпроқ гаплашиши, ҳақиқий дўстлар сингари битта иш билан машғул бўлиши лозим. Шунингдек, келишмовчилик юз берган вақтда улар уни бартараф этишининг яхши йўлини топиши лозим. 12-дарсга қаранг.]
- “Олтинчи оятда Масиҳ никоҳни – бу шунчаки инсоний келишув ва улар ўзлари истаган вақтда уни бекор қилиши мумкин деб ўргатадими ёки никоҳда эр ва хотинни Худо қўшишини айтадими?” [Худо уларни қўшган. Бошқа динда никоҳ шартномага қиёсланади, бироқ Муқаддас Китоб никоҳни бузиш шартномани бекор қилишдан кўра анча қийин эканини ўргатади.]
- “Масиҳнинг олтинчи оятда айтган сўзларига кўра, ажрашиш нима учун ёмон?” [Никоҳни Худо яратган, шу тариқа, Худо эр-хотинни қўшгани боис, одамлар уларни ажратмаслиги лозим. “Худо бирга қўшганни бандаси ажратмасин”. Тўққизинчи оятда Масиҳ ажрашиш ёмон эканини яна бир марта такрорлайди. Шундай бўлсада, никоҳ бузиладиган ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Афсуски, масиҳийлар ўртасида ҳам ажралишлар кузатилади. Ким билсин, балки гуруҳ қатнашчилари ўртасида ҳам ажрашганлар бордир. Шу тариқа, бу масалани муҳокама қилишда огоҳ бўлинг, ажрашганларга Худонинг инояти ва кечрими ҳақида эслатинг.]

## 9-савол

📖 Биринчи абзацни ўқинг.

❓ Савол беринг:

- “Қайси жавобларни белгиладингиз?” [Қатнашчиларнинг фикрларини муҳокама қилинг. Айрим жамиятларда а), б) ва г) бандларида кўрсатилган жавоблар кенг тарқалган. в) бандида кўрсатилган ҳолат кам учрайди, лекин буни одатий ҳолат деб бўлмайдими.]

## 10-савол

Саҳифага берилган изоҳни ва охириги абзацни ўқинг.

❓ Савол беринг:

- “Бу ерга нима деб ёздингиз?” [Бирга муҳокама қилинглари. Бу одам унинг хотини фақат бола туғиш учун яратилган деб ҳисоблайди, у хотинини буюм ўрнида кўради, шу тариқа исталган вақтда уни ташлаб кетиши ёки устига бошқа хотин олиши мумкин. Юқорида “Маданиятга оид масалаҳат” га қаранг. Бироқ Муқаддас Китобга кўра эркак ҳам, аёл ҳам бирдек мартабага эга. Худо хотин кишини эркакка ёрдамчи ва дўст ўрнида беради, шунчаки бола туғиши ва хизматчи бўлиши учун эмас. Шунингдек, хотини билан ажрашиб бошқага уйланадиган эркаклар бу билан Худонинг қаҳрини келтиришади.]



**11-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- ❑ “а), б) ва в) бандлардаги саволларга нима деб ёздингиз?” *[Бирга муҳокама қилингллар. Ўқувчилар орасида худди шунга ўхшаш бахтсиз ҳолатни бошдан кечираётганлар бўлиши мумкин. Бу уларга Исо Масиҳ азоб чекаётган одамларга раҳми келишини тушунишга ёрдам беради, шунингдек, бу Худо бизнинг дардларимизни тушунишини ҳам кўрсатади. 12-дарсда “Маданиятга оид маслаҳат” га қаранг.]*

**Б) 1 БУТРУС МАКТУБИДА ЭР-ХОТИНЛАР МУНОСАБАТИ (12-22-саволлар)**

**Хотинларнинг мажбурияти**

**Эрларнинг мажбурияти**

**13-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- ❑ “Сизнингча, хотинга гоҳида эрига бўйсунуш қийин бўладими? Агар қийин бўлса, нима учун?” *[Эри худбин бўлиши ёки оилада устунлик қилиши, ё бўлмаса, нотўғри қарорлар қабул қилиши, ёки хотин бирон нарсани ўзи истагандек қилишни хоҳлаши мумкин.]*
- ❑ “Сизнингча, эр учун хотинга эътиборли бўлиш, унинг заиф жинсдан эканлигини ҳисобга олиш гоҳида қийин бўладими? Агар қийин бўлса, нима учун?” *[Эр учун хотинининг эҳтиёжларини ўз эҳтиёжидан устун қўйиш қийин, негаки кўп эрлар хотини уларга хизмат қилиши керак деб ҳисоблайди.]*
- ❑ “Нима бўлган тақдирда ҳам, Худо аввало нима ҳақида қайғуришимизни истайди: турмуш ўртоғимиз бизни қандай мамнун қилиши ҳақидами ёки биз турмуш ўртоғимизни қандай мамнун қилишимиз ҳақидами?” *[Биз турмуш ўртоғимизни қандай мамнун қилишимиз ҳақида.]*

**15-савол**

📖 Бу хотин эрига нима деганини ўқинг (саҳифага берилган изоҳда).



**20-савол (а)**

📖 Махмуд хотини ҳақида нима деганини **ўқинг** (саҳифага берилган изоҳда).

**? Савол беринг:**

- ❑ “15-саволдаги аёл ҳам, Махмуд ҳам кимни мамнун қилиш ҳақида қайғурмоқда: ўзиними ёки турмуш ўртоғиними?” [Ўзини.]

**20-савол (б)**

📖 Анвар хотини ҳақида нима деганини **ўқинг** (саҳифага берилган изоҳда).

**? Савол беринг:**

- ❑ “Анвар кимни мамнун қилиш ҳақида қайғурмоқда, ўзиними ёки хотининими?” [Хотинини.]
- ❑ “Ким кўпроқ худбинлик қиляпти Махмудми ёки Анварми?” [Махмуд.]
- ❑ “Ким ҳақиқий эркакка хос фазилатни кўпроқ намоён этяпти, Махмудми ёки Анварми?” [Ўқувчиларнинг 20-саволдаги в) бандга берган жавобини кўриб чиқинг. Дунёвий назар билан қаралганда, бу ерда Махмуд ўзини нисбатан ҳақиқий эркакка хос тутади. Бироқ Худонинг назари билан қаралганда – Анвар кўпроқ ҳақиқий эркакка хос фазилатни намоён этмоқда. Беғаразлик олижаноб ва ҳақиқий эркакларга хос фазилат ҳисобланади. Анвар 1 Бутрус 3:7 да берилган амрга бўйсунмоқда – у ўз хотинига эътиборли бўлиб, унинг заиф жинсдан эканини ҳисобга олади. Анвар хотини учун ўзини фидо қилади, у беғараз инсон. Исо Масиҳ биз учун Ўзини фидо қилгани каби, Анвар ҳам Исодан ўртак олмоқда.]

**21-савол**

📖 Биринчи абзацни **ўқинг**.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Эр хотини ва болаларига қўл кўтармасдан туриб ўз хонадонидега обрўсини сақлаб қолиши мумкинми?” [Муҳокама қилинг. Айрим маданиятларда хотинга қўл кўтариш одатий ҳол ҳисобланади. Бироқ эр учун хотини олдида ҳурмат орттиришнинг анча самарали йўли бор. Бу 1 Бутрус 3:7 да ёзилганидек, хотинига эътиборли бўлишдан иборат.]



**22-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Бу ерга нима деб ёздингиз?” [Бирга муҳокама қилинглр. Жавоблар маданият ва шароитлардан келиб чиққан ҳолда маълум бир даражада бир-биридан фарқланиши мумкин. Бироқ бу савол эрларга улар ўз хотинларига қандай қилиб эътиборли ва шу вақтнинг ўзида беғараз бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўришга ёрдам беради.]

**В) АГАР ТУРМУШ ЎРТОҒИНГИЗ ҲАЛИ МАСИХҒА ИМОН КЕЛТИРМАГАН БЎЛСА... (23-26-саволлар)****24-савол**

📖 Ҳаётий воқеани ва кейин келадиган саволни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Сиз нима деб ўйлайсиз?” [Бирга муҳокама қилинглр. Гоҳида эр ёки хотин имонсиз бўла туриб, Масиҳ ҳақида эшитгач, Унга имон келтиради. Гоҳида эса бундай бўлмайди. Бироқ бундай ҳолатда ҳам, масиҳий эр ёки хотин турмуш ўртоғига нисбатан сабрли бўлиб, севги билан муносабат қилса, бу билан ўз хонадонидида уйғунлик сақлаб қолади.]

**26-савол (а)**

📖 Биринчи абзацни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Қайси жавобларни белгиладингиз ва нима учун?” [Бирга муҳокама қилинглр.]
- ❑ “д) бандида: “Болаларни бирга тарбия қилиш, токи улар Исо Масиҳга имон келтиришсин”, дейилган. Биз буни қандай қилишимиз мумкин?” [Бирга муҳокама қилинглр. Қуйида айрим фикрлар келтирилган:
  - о Болалари учун масиҳий сифатида яхши ўрнак бўлиш;
  - о Оилани мустаҳкам сақлаш;
  - о Болаларга вақт ажратиш, эътиборли бўлиш, уларни яхши кўриш ва донолик билан тарбиялаш;
  - о Нотўғри иш тутганимизда улардан кечирим сўраш;
  - о Улар учун ибодат қилиш;
  - о Улар билан ибодат қилиш, ҳар куни бирга Муқаддас Китобни ўқиш;
  - о Ҳар куни уларни маҳаллий имонлилар гуруҳига олиб бориш;
  - о Масиҳга хизмат қилишда улар учун ўрнак, намуна бўлиш.]



**26-савол (б)**

📖 Саҳифага берилган изоҳни ўқинг.

**Айтинг:**

- ❑ “Жимжитликда бир дақиқа саҳифада берилган саволлар ҳақида мулоҳаза қилинг. Турмуш ўртоғингиз билан муносабатларингизни мустаҳкамлаш учун сиз қандай амалий қадамларни боса оласиз?” [Бу савол мулоҳаза учун, муҳокама учун эмас.]

**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА**

❓ **САВОЛ БЕРИНГ:**

- ❑ “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” [Ҳар бир ўқувчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз керак.]  
11-дарс бўйича амалий топшириқни **ЎҚИНГ**.

**АЙТИНГ:**

- ❑ “Илтимос, бу ҳафтага берилган амалий топшириқни бажаринг. Шунингдек, уйда 12-дарсни ўрганинглр”.
- ❑ “Агар дарсда муҳокама қилинган мавзуда маълум бир бандлар бўйича сизда шахсий ҳаётингизга доир саволлар уйғонса ва сиз уларни якка ҳолда муҳокама қилишни истасангиз, кейинроқ бу ҳақда мен билан ёки бошқа биров билан гаплашиб олишингиз мумкин”.

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ**

- ❑ Гуруҳ қатнашчиларини жуфтликларга, эркак билан эркак, аёл билан аёл қилиб ажратинг, улар бир-бирлари учун ибодат қилишади. (Агар эр-хотинлар бўлса, уларни бир жуфтлик қилиб ажратинг)  
Улар Худодан ушбу дарсда билиб олганларига амал қилишда уларга ёрдам беришини сўрашлари лозим. **12-дарс бўйича кўрсатмалар Низоларни бартараф этиш**



**12-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР****Низоларни бартараф этиш**

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Низоларни бартараф этишда номуносиб йўлдан кўра тўғри йўлни афзал билиши;
- б. Низоларни тўғри йўл билан бартараф этишнинг уч қадамини тушуниши ва бу қадамларни қўллаши;
- в. 1 Бутрус 3:11 ни ёд олиши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА*****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ******ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ***

- Айтинг: “Иккинчи дарсда берилган амалий топшириққа кўра сиз турмуш ўртоғингизни қандайдир йўл билан мамнун қилишингиз керак эди. Бу топшириқни бажардингизми? Уни хурсанд қилиш сизга ёқдими?” *[Бирга муҳокама қилинглар. Энди ҳафта давомида қилганимиздек, келинг, бунни доим давом эттирайлик!]*

***БУГУНГИ МАВЗУ***

- Айтинг: “Масиҳийлар ўртасида ҳам имонсиз одамлар ўртасида бўлгани каби низолар ва тортишувлар бўлиб туради. Бироқ улар имонсизларга қараганда, низоларни муносиб тарзда бартараф этишлари лозим. Бугун биз қандай қилиб бунга эришиш мумкинлигини билиб оламиз”.

***ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ***

- Бирга 12-дарс мазмуни ёзилган саҳифани очинг. Ўқувчилар саволларга қандай жавоб берганини кўринг:  
*1-савол:* а), б) ва в) усулларнинг учаласи ҳам низони бартараф этишнинг номуносиб йўллари;  
*2-савол:* биринчи қадам – “кечинмаларимиз”, иккинчи қадам – “Яккама якка”, учинчи қадам – “Кечириш ва кечирим сўраш”.  
*3-савол:* “Тинчлик истаб, тинчлик пайида бўлсин” (1 Бутрус 3:11).



**Маданиятга оид маслаҳат: Низолар ва уларни қандай бартараф этиш**

Қандай жамиятда бўлмасин, ҳамма одамлар ўртасида у ёки бу вақтда низолар юз беради. 7-10-саволларда кўрсатилган низоларни бартараф этишнинг учта “номуносиб йўли” айрим маданиятларда қасос олиш, ўзини олиб қочиш ёки иерархия кўринишида тегишли маданий қадриятларга йўғрилган ҳолида кўп учрайди.

Кўп одамлар ор-номус/иснод маданиятидан келиб чиққан. Бошқача қилиб айтганда, улар учун тўғри ва нотўғри тушунчаси уларнинг ўз маҳалласида, жамиятида эга бўлган мавқеи билан чамбарчас боғлиқ. Агар оилага жамият олдида иснод келтирилса, буни қасос олиш орқали ювиш улар учун адолатли қадам ҳисобланади. Исонинг даврида ҳам Яқин Шарқда шунга ўхшаш удумлар ҳукмронлик қилган. Ғарб мамлакатларидан чиққанлар учун Исонинг кечирим ҳақидаги таълимоти одатда инсон шахсининг ўзига йўналтирилади. Бироқ “ор-номус/иснод маданиятидан” чиққанлар учун Исонинг амри қасос олиш авлоддан-авлодга ошиб келган ва оилавий низоларда кўп учраб турадиган ҳаёт тарзига алоҳида қаратилади.

Дастлаб, Масихнинг жамоатига қўшилишдан катта завқ олгач, одамлар кўпинча низоларни қаршилайди ва тобора умидсизликка тушиб боради. Низоларни бартараф этиш ва одам билан янгидан муносабат қуриш шогирдликда жуда муҳим қадам ҳисобланади. Шунингдек, бу ерда низоларни мурасасиз йўл билан эмас, мураса йўли билан бартараф этишни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. 12-дарсда сиз айрим амалий қадамларни топасиз, улар ўқувчиларга мана шу йўлларни ишга солишни бошлашга ёрдам беради.

**А) МАСИХИЙЛАР ЎРТАСИДА НИЗОЛАР (1-5-саволлар)****1-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Масихийлар ўртасида баъзан низолар бўлиб туришидан ажабланишимиз керакми?” [Йўқ. Улар комил эмаслар. Бироқ улар низоларни бартараф этишга ва ярашишга қодир.]



**Айтинг:**

- ❑ “Ҳар биримизнинг ҳаётимизда масиҳий биродар, опа ёки синглимиз дилимизни оғритган ҳолат бўлган бўлса керак. Бироқ, биз ҳам уларнинг дилини оғритганмиз, буни эсдан чиқармайлик! Масиҳнинг оиласида биз кечиришни ва кечиримни қабул қилишни ўрганишимиз мумкин”.
- 

**5-савол**

📖 Биринчи абзацни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “а) дан е) гача қайси бандларни белгиладингиз?” *[Бирга муҳокама қилинглари.]*
- ❑ д) банд бўйича ўз тажрибангиздан қандай мисоллар келтира оласиз?” *[Бирга муҳокама қилинглари.]*

**Б) ЭГАМИЗ НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШИМИЗНИ ИСТАЙДИ (6-савол)****6-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Сизнингча, ҳаракатларимиз Худони ранжита оладими?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Гарчи айрим динлар бизнинг ҳаракатларимиз Худога ҳеч қанча таъсир қилмаслигини ўргатсада, аслида Муқаддас Китоб таълимоти бўйича ҳаракатларимиз Унга таъсир қилади. Мисол учун, Ибтидо 6:5-6 да Эгамиз ер юзида инсонларни яратганидан “пушаймон бўлгани”, юракдан “афсуслангани” ҳақида ёзилган.]*
- ❑ “Сизнингча, нима учун тортишувларимиз Худони ранжитади?” *[Муҳокама қилинг. Масиҳ бизга тинчлик олиб келиш учун қиммат баҳо тўлади ва Унинг истаги бизга тинч, осойишта ҳаёт бериш. Шунингдек, ўртамиздаги низолар имонсизларда биз тўғримизда ёмон фикрлар уйғотади.]*





**Маданиятга оид маслаҳат: Худода ҳис-туйғу борми?**

Шундай дин-эътиқодлар борки, Яратгувчи Ўз мавжудотларидан бўлак ва уларга мутлақо ўхшамайди деб ўргатади. Шунингдек, одамлар инсоний ҳаракатлар Худога манзур бўлиши ёки Уни ранжитиши мумкинлигини қабул қилмайди, ё бўлмаса, Худонинг оғринишига ишонмайди. Уларнинг назарида, биз бу билан Худони инсон даражасига туширган ёки Уни ўзимизга ўхшатган бўламиз.

Бироқ масиҳийларнинг эътиқоди бўйича Худонинг инсон танасида зоҳир бўлиши У бизнинг даражамизга тушишга, оғриқларимизга шерик бўлишга тайёр эканлигини кўрсатади. Исо Масиҳ кучли ҳис-туйғуларни бошдан кечирган (раҳм-шафқат, ғазаб, севинч ва алам), У бизга Худонинг асли қандай Зот эканини кўрсатди. Эндигина имонга келганлар буни тушунганларида уларнинг Худо ҳақида тушунчаси ўзгаради, негаки Худо чиндан ҳам уларнинг дилидаги оғриқларини билади (11, 18-дарсларга қаранг) ва улар гуноҳ қилганларида, бу билан Худони ранжитадилар. (12-дарсга қаранг).

📖 1 Бутрус 3:8-12 ни ўқинг.

**Айтинг:**

“Бу парча бизга бир-биримиз билан тинч, осойишта ҳаёт кечириш борасида керакли кўрсатмалар беради”.

**❓ Савол беринг:**

- ❑ “Саккизинчи оятга кўра, қандай ижобий ҳаракатлар бизга бир-биримиз билан тинч, осойишта яшашга ёрдам бера олади?” [Ўзаро ҳамфикр, ҳамдарад бўлиш, бир-биримизни биродарларча яхши кўриш, меҳр-шафқатли ва камтар бўлиш.]
- ❑ “Тўққизинчи оятга кўра, биз қандай салбий ҳаракатлардан сақланишимиз лозим?” [Ёмонликка ёмонлик, ҳақоратга ҳақорат билан жавоб қайтаришдан.] “бунинг ўрнига нима қилишимиз лозим?” [Ёмонлик қилганларни дуо қилишимиз.]
- ❑ “10-оятга кўра, биз яна нима қилишимиз керак?” [Тилимизни ёмон сўздан тийишимиз, оғзимизни ёлғон гапдан асрашимиз керак.]
- ❑ “Нима учун?” [Чунки ёмон сўз ва ёлғон низоларни кучайтиради.]
- ❑ “Бу парча кейинги сафар, биров билан ўртангизда низо чиққанда, сизнинг ҳаракатларингизга қандай таъсир қила олади?” [Ушбу парчада берилган муайян кўрсатмаларни қўллаб муҳокама қилинглари.]
- ❑ “Ушбу парчадан қайси оятни ёд олишимиз керак?” [11-оятни – “Ёмонликдан қайтиб, яхшилик қилсин. Тинчлик истаб, тинчлик пайида бўлсин”].

Ёд олиш учун берилган 1 Бутрус 3:11-оят устидан **ишланглар** (4-савол рамкасида).



**В) НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ НОМУНОСИБ ЙЎЛЛАРИ (7-10-саволлар)****[?] Савол беринг:**

“7, 8 ва 9-саволлардаги расмларда одамлар кўпинча низоларни бартараф этиш учун қўллайдиган номуносиб йўллар кўрсатилган. Бу қандай йўллар ва сизнингча, уларнинг ҳар бири қандай салбий оқибатларга олиб келади?”

*[7-савол – “қарши чиқиш” – иккала томоннинг ҳам дилини оғритади, ҳамманинг кўнгли чўқади, қасос олишга муҳит яратилади, судма-суд юриб катта пул сарфланишига олиб келиши, қаршилиқлар кучайиши, бошқа одамларнинг аралашishiга замин яратилиши мумкин, имонсизларда ёмон таассуротлар уйғотади.*

*8-савол – “бир-биридан юз ўгириш” – ўқувчилар бу ерда ёзганлари ҳақида бўлишишлари лозим. Гарчи ташқаридан бу тинчлик олиб келсада, аммо юракда тинчлик бўлмайди ва муносабатлар тикланмайди, шунингдек, бу Худога ҳам бундай одамларнинг юрагида ишлаши, улар орқали Ўзини намоён этишига халақит беради.*

*9-савол – “таслим бўлишга мажбур қилиш” – а), б) ва в) бандларда учта салбий оқибат кўрсатилган.]*

**Г) НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛИ (11-23-саволлар)****10-савол**

**[📖 Саҳифага берилган изоҳни ўқинг.**

**[?] Савол беринг:**

“Ўша учта қадамни ёддан санаб бера оласизми?” *[1. Кечинмаларимиз ҳақида Худо билан бўлишиш; 2. Ўша одам билан якка ҳолда гаплашиб олиш; 3. Кечирим сўраш ва кечиршиш.]*

**Айтинг:**

“Келинг, бу учта қадамни амалда қандай ишга солиш мумкинлигини муҳокама қилайлик”.

**13-савол (биринчи қадам)**

**[📖 13-саволни охиригача ўқинг.**

**[?] Савол беринг:**

“Нима учун ўша одам билан якка ҳолда гаплашиб олишдан аввал кечинмаларимиз ҳақида Худо билан бўлишиш тўғрироқ бўлади?” *[Худонинг ёрдами билан маълум бир даражада ғазабимизни назорат қила олишимиз учун. Сўнг, ўзимизни анча босиб олганимиздан кейин, бориб ўша одам билан гаплаша оламиз. Акс ҳолда, буни ғазаб билан қилсак, оқибат яна ҳам ёмон бўлади.]*



**14-савол (иккинчи қадам)**

📖 Саҳифага берилган изоҳларни ўқинг (аввал Али айтган сўзларни, сўнг Самаднинг сўзларини).

**? Савол беринг:**

- “Улар муаммони тинч муҳокама қила олдими?” [Ҳа.]
- “Улар бир-бирини диққат билан охиригача эшитдими?” [Ҳа.]
- “Улар бир-бирининг гапини бўлдими?” [Йўқ]
- “Улар ўз туйғуларини самимий ва босиқлик билан билдирдими?” [Ҳа.]
- “Нима учун мана шу ёндашувлар уларга низони бартараф этишга ёрдам берди?” [Бирга муҳокама қилинглар. Менимча, бу ёндашувлар уларга муаммони тўлиқ, икки томонлама кўришга ёрдам берган.]

**17-савол**

📖 17-саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Бу ерга нима деб ёздингиз?” [Бирга муҳокама қилинглар. Муаммони кўпчилик билан муҳокама қилганмизда, у худди шамолда учирилган уруғлар сингари, ҳар ёққа ёйилиб кетади. Бу оғриқни кучайтиради ва ярашишни қийинлаштиради.]
- “Яраштирувчи сифатида учинчи шахсни чақириш фойда берадими?” [Бирга муҳокама қилинглар. Бизнинг ўйлашимизча, бу ерда вазиятга қараб иш тутилгани маъқул. Одатда, муаммони бевосита икки киши ўртасида ҳал қилиш мумкин бўлганда, учинчи шахсга мурожаат қилинмагани маъқул. Гоҳида, одамлар низони ўзлари бартараф эта олмаса, мана шундай воситачига эҳтиёж пайдо бўлади. Воситачи иккисининг ҳам ҳурматини қозонган одам бўлиши лозим. Шунингдек, бир киши иккинчисини таслим бўлишга ундаган ҳолатда ҳам мана шундай йўл тутилиши лозим. (9-саволда кўрсатилгани каби)]

**20-савол (учинчи қадам)**

Расмларни кўздан кечиринг.

📖 Саҳифага берилган изоҳларни ўқинг (аввал Самад айтган сўзларни, сўнг Алининг сўзларини)



**[?] Савол беринг:**

- “Бу суҳбатда ким кечирим сўрамоқда: Алими ёки Самадми?” *[Иккаласи ҳам!]*
- “Улар бир-бирига нима деганларини кўрсатинг:
  - а) “Бунда менинг айбим йўқ эди”;
  - б) “Ҳамма айб менда”
  - в) “Қилган айбим учун мени кечир”. *[Ҳар бири ўз айбига иқрор бўлиб, бунинг учун кечирим сўради.]*

**22-савол****📖 22-саволни ўқинг.****[?] Савол беринг:**

- “Худо барча гуноҳларимизни кечиргани боис, бизга қарши гуноҳ қилганларни биз кечиришга тайёр бўлишиз керакми?” *[Ҳа!]*
- “Ўзгани бизга қарши қилган гуноҳи учун кечириб, буни эсдан чиқарганимиздан кейин ҳам ўша одамни яна эслашимиз керакми? *[Йўқ.]*
- “Бу одам кейин ҳам бизга қарши гуноҳ қилса-чи?” *[Биз уни яна кечиришимиз керак. Масих Бутрусга айнан шундай қилишни буюрган.]*
- “Самад ва Алининг юзлари қандай ёришганига қаранг, улар ўртадаги низони бартараф этишди! Ўзга билан ярашганда нима ҳис қиласиз?” *[Бирга муҳокама қилинглари, ўз тажрибангиздан амалий мисоллар келтиринг.]*

**23-савол****📖 Саҳифага берилган изоҳни ўқинг.****[?] Савол беринг:**

- “Агар ўзга низони бартараф этишни истамаса, биз уни кечиришимиз керакми?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Бу жуда қийин масала. Биз ўйлаймизки, юрагимизда барибир уни кечиришимиз керак, бироқ то бу одам худди шундай жавоб бермагунча низо бартараф этилди деб бўлмайди. Гоҳида, ўртада низо бўлган одам вафот этиши ёки бошқа жойга кўчиб кетиши мумкин. Афсуски, бундай ҳолатда низони бартараф этиб бўлмайди. Шундай бўлган тақдирда ҳам, биз уни чин юракдан кечиришимиз керак.]*



**Амалий машғулот**

- ❖ Низони бартараф этишнинг ушбу учала қадамини ролли ўйин орқали **яхши ўрганиб чиқинг**:
- ❑ Гуруҳни жуфтликларга ажратинг (ёки агар фақат бир киши билан машғулот ўтаётган бўлсангиз, у билан жуфтликда ишланг).
  - ❑ **Ёки:** Ҳар бир жуфтлик шундай вазиятни тасаввур қилиши керак: Бир киши иккинчисига қарз беради, қарз олган қарзни ўз вақтида қайтармайди. Бундан ташқари қарз берган одам, учинчи одамга қарз олганнинг устидан шикоят қилади. Улар бу низони қандай бартараф эта олади?
  - ❑ **Ёки:** Жуфтликларни – эр-хотин деб тасаввур қилинг. Кеча улар эрнинг қариндошлари учун яхши дастурхон тузаб, уларни кечги овқатга таклиф қилишди. Бироқ хотини овқатни сал кечиктирди, шу сабабдан эри меҳмонлар олдида унга аччиқланди. Хотиннинг ўйлашича эри уни камситди, эр эса аксинча, хотини уни камситди деб ҳисоблайди. Улар бу ҳақда қандай гаплашиб олиши ва низони бартараф этишлари мумкин?
  - ❑ Жуфтликлар Али ва Самад мисолида, низони бартараф этишнинг уч қадамини қўллаган ҳолда ролли ўйинларнинг бири ёки иккаласини ўтказишлари лозим. *[Вақтдан келиб чиқиб, ролли ўйинларнинг иккаласини ёки биттасини ўтказинг, ҳар бирига 3-5 дақиқадан вақт ажратинг. Агар гуруҳ билан иш олиб бораётган бўлсангиз, энг яхши жуфтликдан охирида ҳамма олдида ролли чиқишларини қайтадан ижро этиб беришни сўранг.]*
- ❓ **Савол беринг:**
- ❑ “Ушбу ролли ўйин орқали нима ўргандингиз?” *[Муҳокама қилинг.]*



**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА****[?] САВОЛ БЕРИНГ**

“Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” [Ҳар бир ўқувчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз керак.]

**[к]** 12-дарс бўйича амалий топшириқни ҳамда 23-саволда “Тўхтанг ва мулоҳаза қилинг” номли бўлимни **ЎҚИНГ**.

**АЙТИНГ:**

- “Илтимос, бу ҳафта ушбу амалий топшириқни бажаринг”.
- “Жимжитликда бу сўзлар ҳақида мулоҳаза қилинг. Агар биров билан ўртангизда низо юзага келган бўлса, бу ҳақда Худо билан бўлишинг”.
- “Уйда 13-дарсни ўрганинглари”.

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ** Худодан низоларни бартараф этишда ушбу учта қадамга амал қилишда сизга ёрдам беришини сўранг.



**13-дарс бўйича кўрсатмалар****Гувоҳлик бериш****13-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР**

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Бошқаларга Масих ҳақида айтишни хоҳлаши;
- б. Кимга ва қачон бу ҳақда гапириш масаласида донолик билан иш тутиши;
- в. Исо Масих биз учун нима қилганини тушунтира олиши;
- г. 1 Бутрус 3:18 ни ёд олиши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ:**

- ❑ Айтинг: “Ўтган дарс бўйича амалий топшириққа кўра сиз ўзга билан ўртадаги низони бартараф этишингиз керак эди. Буни қила олдингизми ёки имкон бўлиши ҳақида ибодат қиляпсизми? Нима бўлди?” [Бирга муҳокама қилинглари.]

**БУГУНГИ МАВЗУ:**

- ❑ Айтинг: “Биз Исо Масих орқали янги ҳаётга эга бўлдик, чунки кимдир бизга бу ҳақида айтган. Худди шу тарзда биз ҳам бошқаларга бу ҳақда айтишимиз керак. Гувоҳлик бериш (шоҳидлик) барча масиҳийларга фарз этилган”.

**13-ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

- ❑ Бирга 13-дарс мазмуни ёзилган саҳифани очинг ва ўқувчилар саволларга қандай жавоб берганини кўринг:  
*1-савол:* а) Қўрқувга; б) тайёр туринглари; в) мулойимлик, ҳурмат;  
*2-савол:* а) тайёр туринглари; б) мулойимлик ва ҳурмат билан бажо қилинглари  
*3-савол:* “Масих бизни гуноҳларимиздан то абад фориғ қилиш учун азоб чекканини ёдингизда тутинглари. У солиҳ бўла туриб, биз, гуноҳкорларни Худога яқинлаштириш учун жонини фидо қилди” (1 Бутрус 3:18).



### Маданиятга оид маслаҳат: Гувоҳлик (Шоҳидлик)

Дунёга кенг ёйилган бир динда эътиқод қилувчининг ўз имонини тасдиқлаши (*шоҳидлик*) гувоҳлик деб аталади ва бу эътиқод қилувчининг шахсий мансублигини белгилаб берувчи муҳим омил саналади. Бу гувоҳлик (*шоҳидлик*) янги туғилган чақалоқнинг қулоғига шивирлаб айтилади, шунингдек, ибодатга чақиришда қайта ва қайта тилга олинади.

Масиҳийлар учун илк даврларданоқ Исо Масиҳнинг тирилганини ва чиндан ҳам Раббий эканини эътироф этиш гувоҳлик ҳисобланган. (Римликларга 10:9) Бу гувоҳлик масиҳийларнинг шахсий мансублигини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади, шу тариқа Масиҳнинг тирилгани ва ҳокимияти ҳақида гувоҳлик беришни *шоҳидлик* деб аташ ўринли бўлиши мумкин. Бироқ қатнашчиларга мазкур атаманинг бу маънода ишлатилиши ёқмаслиги мумкин, шу тариқа улар нимани афзал кўришини тушунишга ҳаракат қилинг.

Янги Аҳд китоби (Инжил)да юнонча “гувоҳлик” сўзи “эътиқод йўлида ўлиш” маъносида ҳам ишлатилади. Худди шуни араб тилида ҳам кўришимиз мумкин. Гувоҳлик берувчи (*шоҳид*) эътиқод йўлида ўлиши мумкин. Бу Исога ишонган ва ўз эътиқоди йўлида жонини фидо қилган жуда кўп одамлар учун реал воқеликка айланган. Биз бу дарсда ўқиган одам – Меҳди Дибаж ҳам мана шундайлардан бири бўлган. Унинг ҳамда Масиҳ йўлида жонини фидо қилган бир қатор эронлик имонлиларнинг эътиқоди ўз мамлакатидаги кўп масиҳийларга руҳий далда бўлди.

13-дарсда мана шу боғлиқликлар кўрилади ва ўқувчилар учун бу анча муҳим бўлиши мумкин.

Кўпинча масиҳийлар учун улар кимга, қачон ва қай тарзда Масиҳ ҳақида айтишлари кераклигини тушуниш бир мунча қийин бўлади. Улар гувоҳлик беришга қўрқишлари ёки Исо ҳақида айтмаганлари боис айбдорлик ҳиссини сезишлари мумкин. Ўқувчилар бу соҳадаги кечинмалари ҳамда оила аъзоларининг Масиҳга келишини истаётганлари ҳақида ҳис-туйғуларга берилиб гапириши мумкин. Ҳис-туйғуларга берилиб гапиришларига имкон беринг.





**А) МАСИҲ ҲАҚИ ГУВОҲЛИК (1-савол)**

📖 1 Бутрус 3:14-18 ни ўқинг.

**❓ Савол беринг:**

- ❑ “1 Бутрус 3:14-15 дан биз гувоҳлик беришнинг қайси учта муҳим принциплари ҳақида билиб олдик?”

[Биринчи саволдан топишингиз мумкин:

- о 1. “Қўрқувга тобе бўлманглар”;
- о 2. “Жавоб беришга доимо тайёр туринглар”;
- о 3. “Мулойимлик ва ҳурмат билан.]

**Б) ҚЎРҚУВГА ТОБЕ БЎЛМАНГЛАР (2-7-саволлар)****Маданиятга оид маслаҳат: Жасоратми ёки эҳтиёткорликми?**

Айрим масиҳийлар одамларга Масиҳ ҳақида гапиришга ҳаддан зиёд қўрққанлари боис гувоҳлик беришда ҳам, руҳий ўсишда ҳам сустлашади. Бошқалар аксинча, қўрқмасдан, тез гапириб, мавриди бўлмаган пайтда кераксиз низоларга замин яратса агар, бу ҳам зарар келтириши мумкин. Шу тариқа, тажрибага эга бўлган кўп имонлиларнинг ҳисоблашича, масиҳийлар ўзларининг янги эътиқодини узоқ сир сақламасдан, у ҳақда тушунтириш учун аста-секин замин яратиб бориши энг яхши йўл бўлади.

Масиҳийларнинг қай даражада тез “ўзларини топиши” вазиятга боғлиқ, шу жумладан оиланинг бунга муносабатлари ва ўша мамлакатда эркинликнинг қай даражада чекланганига ҳам. Шунингдек, билингки, “сир” билан “ошкоралик” оралиғида ўрта позиция бўлади. Кўп имонлилар ўзлари ишонган одамларга эътиқоди ҳақида очиқ-ойдин айтиб, бошқалардан буни яширишади. Аста-секин очилиш лозим. Бироқ шундай пайтлар бўладикки, имонлилар қариндошлари уларнинг эътиқоди ҳақида тасодифан ёки кутилмаганда хабар топганларини билиб қолишади. Бунга ҳам тайёр туришимиз ва тўғри жавоб бера олишимиз лозим.

Гувоҳлик ҳақида тўлиқ мавзу ниҳоятда муҳим. 13-дарсда бу мавзуга оид саволлар мослаштирилган шаклда кўриб чиқилади, бироқ уларни қўллаш ўқувчиларнинг ўзларига боғлиқ бўлади. Шу тариқа, алоҳида имонлиларга маслаҳат беришга ниҳоятда донолик билан ёндашиш ва бу ҳақда кўп ибодат қилиш лозим.



**5-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

❓ Савол беринг:

- “Оилангизда ким сизнинг масиҳий эканлигингиздан ҳали беҳабар?”  
*[Жавобларни муҳокама қилинг.]*
- “Сиз одатда қандай ибодат қиласиз – расмда кўрсатилган эркакка ўхшабми ёки аёлга ўхшабми?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради.]*

**6-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

❓ Савол беринг:

- “Бу саволга қандай жавоб бердингиз?” *[Умид қиламиз, ўқувчилар “Юсуф” деб ёзишган.]*
- “Қариндошларингиз сизнинг масиҳий эканингизни билгач, “синовлар даврини” бошдан ўтказганмисиз? Ўтказган бўлсангиз, воқеа қандай юз берди ва нима билан тугади?” *[“Синовлар даврини” бошдан ўтказмаган ўқувчилар бундан ўтганларнинг тажрибасидан ўрганиб олишлари мумкин].*
- “Агар сиз ҳали буни бошдан ўтказмаган бўлсангиз, эътиқодингиз ҳақида бошқаларга қачон айтишни ўзингиз ҳал қиласизми ёки бу сиз ўйламаган вақтда юз бериши мумкинми?” *[Гоҳида вақтни назорат қиламиз, гоҳида эса – йўқ, шу тариқа бунинг қутилмаган вақтда рўй бериши мумкинлигига ҳамиша тайёр туришимиз керак.]*

**Айтинг:**

- “Агар бу масала ҳақида ўйлаётган бўлсангиз, менинг олдимга келинг ва биз бу ҳақида кўпроқ гаплашамиз ва ибодат қиламиз”.



**В) ЖАВОБ БЕРИШГА ДОИМО ТАЙЁР ТУРИНГЛАР (8-13-саволлар)****8-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “А бандидаги саволга ким жавоб берди? Нима деб ёздингиз? *[Бирга муҳокама қилинглари. Жавоблар ҳар хил бўлиши мумкин. Мисол учун, биз Худонинг аёл зоти билан яқинликда бўлгани ҳақида фикрдан мутлақо йироқмиз – бу даҳшатли фикр! Бу билан ўғил отанинг ҳокимиятини ва табиатини намоён этгани англашилади. Айрим тилларда “Ўғил” деган сўз асл маносида эмас, балки мажозий маънода ишлатилади, мисол учун, араб тилида “Йўл ўғли” деган ибора сафарга чиққан одамни англатади, форс тилида “Қобул ўғли” деб Қобулда туғилиб ўсган одамни айтишади.]*
- ❑ “Орангизда ким Б саволни танлади? Нима деб ёздингиз? *[Бирга муҳокама қилинглари. Мисол учун, шундай дейишингиз мумкин: “Мен ота-боболаримни сотганим йўқ. Ота-боболаримни, қариндошларимни ва оиламни яхши кўраман. Мен Исо Масиҳга эргашишга қарор қилдим ва У Ғарбдан эмас, Шарқдан чиққан. Дастлабки минг йиллик давомида Масиҳга ишонганларнинг аксарияти Ғарб мамлакатларидан бўлмаган, бугун ҳам худди шундай бўлмоқда!”]*
- ❑ “В жавобни ким таналади?” Нима деб ёздингиз?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Бу ёлғон. Масиҳийлар Муқаддас Битикларни ўзгартирмаган. Бутун дунёдаги музейларда Муқаддас Китобнинг қадимги қўлёзмалари минглаб нусхаларда сақланиб келаётгани буни тасдиқлайди. Уларни солиштириб кўрсак шунга амин бўламизки, биз дастлаб ёзиб қолдирилган матн нусхасини ўқиямиз.]*

**10-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

Ёд олиш учун берилган оят устидан **ишланглар**, ҳар бир ўқувчи уни яхши ўрганиб олмагунча буни давом эттиринг.



**13-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- ❑ “Одам сизнинг айтганларингизга биринчи мартаданоқ ишонадимми?”  
[Ишонмайди, деб тахмин қилишимиз мумкин. Бироқ хавотир олманг, бу оддий ҳолат. Улар бу ҳақда кейинчалик ўйлаб кўришади. Кейинчалик улар худди шу нарсани бошқа одамдан эшитиши ёки Янги Аҳд китоби (Инжил)ни ўқишлари мумкин. Балки Худо уларга тушларида гапирар. Вазифангиз – уруғ экиш, Худонинг Ўзи уни парвариш қилади.]

**Айтинг:**

- ❑ “Энди келинг, ёд олиш учун оятдан фойдаланган ҳолда, саволга жавоб беришга ҳаракат қилайлик. Бу 1 Бутрус 3:18 эди. Илтимос, ўқув қўлланмангиз охирида 2-иловани очинг”.

**2-илова                      Худога қандай етишиш**

📖 “Худога қандай етишиш” номли 2-иловада дастлабки иккита абзацни ўқинг.

**Айтинг:**

- ❑ “Ҳозир биз дўстимизга Худога қандай етишишни тушунтиришда ушбу диаграммадан фойдаланишни амалда қўллаб машқ қиламиз. Аввал мен ушбу диаграмма орқали сизлар билан ишлайман, кейин эса сизлар бир-бирингиз билан ундан фойдаланишни машқ қиласизлар”.

1 Бутрус 3:18 га асосланган тўртта пойдевор ҳақиқатни **тушунтиринг**.

- ❑ Агар истасангиз, ўз сўзларингиз билан тушунтиришингиз мумкин, лекин келтирилган сўзларни ишлатиш фойдалироқ бўлиши мумкин, негаки бу ерда ҳаммаси лўнда тушунтирилади, шунингдек, ўқувчилар ушбу диаграммани ўзлари ишлата олиши учун, бу уларга намуна бўлиб хизмат қилади.
- ❑ Диаграмма ёрдамида Исо Масих қандай қилиб гуноҳ жарлиги устидан олиб ўтадиган йўл бўлганини тушунтириш учун фойдаланинг.
- ❑ Жами уч дақиқа ичида тушунтириб етказишга ҳаракат қилинг. Мақсадингиз – ўқувчиларга улар эслаб қоладиган ва мустақил такрорлай оладиган жуда содда усулни кўрсатиш.



**Маданиятга оид маслаҳат: “Кўприк” диаграммаси**

2-иловадаги диаграмма кўпчиликка таниш бўлган “кўприк” диаграммасига ўхшаш, бироқ унинг қуйидаги жиҳатлари мувофиқлаштирилган:

- Бу ерда Худонинг тасвири келтирилмаган.
- Бу ерда Худо бизнинг даражамизда эмас, балки биздан устун эканлиги кўрсатилган.
- Бу ерда Кўприк ҳақида эмас, Тўғри Йўл ҳақида сўз боради.

Шундай бўлсада, расмни кўпчилик учун таниш Кўприк диаграммасида бўлгани каби, горизонтал кўринишда ишлатиш ва суҳбатни биз қил кўприкдан ўтиб жаннатга тушишимиз лозимлиги тушунчаси асосида қуриш мумкин. Исога ишонмаган кўп одамларга бу кўприк “одамнинг соч толасидан ҳам ингичка” деб ўргатилган, шу тариқа кўп одамлар кўприкдан қулаб жаннатга ета олмасликдан қўрқишади.

Биз бу ерда фақат Исо Масиҳ бизни мана шу кўприкдан бехатар олиб ўтишга қодир эканини тушунтиришимиз мумкин. Шарль Блондэн исмли бир одам Ниагара шаршарасини арқондан кесиб ўтган, шунингдек у бошқаларни белига олиб нариги томонга ўтказишни таклиф қилган. Ҳеч ким рози бўлмаган, фақат бир кишигина унга ишонч билдириб, унинг белига ўтирган. Блондэн уни шаршаранинг нариги томонига бехатар олиб ўтган. Исо Масиҳ бизга жаннатга бехатар олиб ўтишни таклиф этади, бироқ бунинг учун биз Унга ишонишимиз керак.

★ “Худого қандай етишиш” ни худди дўстингизга тушунтиргандек **ишлаб чиқинг**:

- Гуруҳни жуфтликларга ажратинг (агар фақат бир киши билан ишлаётган бўлсангиз, унга шерик бўлинг).
- Жуфтликда бир киши дўст ролини ўйнайди. Бошқаси, диаграммадан ва 1 Бутрус 3:18 дан фойдаланиб, ўз дўстига Худого қандай етишишни уч дақиқа ичида тушунтириши лозим.
- Уч дақиқадан кейин роллар алмашилади.



**[?] Савол беринг:**

- “Бу топшириқни бажариш қийин бўлдимиди? Ҳаммасини бир уринишдан эслаб қололмаган бўлсангиз, ташвишланманг. Яна бир нарса: ҳаётда сиз буни анча узоқ вақт ва ўз сўзларингиз билан тушунтирган бўлардингиз. Бу ерда эса намуна берилади ва истасангиз ундан фойдаланишингиз мумкин”.
- “Эсда тутинг, буни эътиқодингиз ҳақида эшитишни истаган одамларгагина қўллаш лозим. Агар одам бунга тайёр бўлмаса, бу ҳолда кутинг ва ибодат қилинг”.

**Айтинг:**

- “Энди, келинг 13-дарсга қайтайлик. 16-савол”.

**Г) МУЛОЙИМЛИК ВА ҲУРМАТ БИЛАН (14-18-саволлар)****16-17-саволлар****Айтинг:**

- “Пухта гувоҳлик беришда (*шоҳидлик*) биз қўллайдиган биринчи принцип – “қўрқувга тобе бўлманглар”. Иккинчи принцип – “жавоб беришга доимо тайёр туринглар”. Навбатдаги, учинчи принципга етиб келдик ва у – “мулойимлик ва ҳурмат билан” деб номланади.

**📖 16-17-саволларни тўлиқ ўқинг.****[?] Савол беринг:**

- “17-саволда кўрсатилган қийин вазиятларда сиз нима қилган бўлардингиз?”  
[Бирга муҳокама қилинглари. Жуда кўп нарса вазиятга ва оқибатларга боғлиқ. Дастлабки иккита вазият маълум бир вақтдан кейин ўзгариши мумкин, учинчи масалага келсак, у анча мураккаб, негаки оқибатларни ҳеч қандай ўзгартириб бўлмайди.]
- “Қариндошларингиз қўйган талабларни Масих ҳақи рад қилишга тўғри келганда, сиз буни “мулойимлик ва ҳурмат билан” қандай қиласиз?  
[Муҳокама қилинг. Қуйидаги бандлар фойдали бўлиши мумкин:  
  - o Ҳар доим ҳурмат билан гаплашинг, аччиқланманг.
  - o Оилангизга ҳар томонлама амалий ёрдам беринг, уларга севги кўрсатинг.
  - o Уларнинг юзини ерга қаратадиган ҳеч қандай ишга қўл урманг.
  - o Ўз фикрингизни билдириш учун қулай вақт танланг.]

**Д) ҲАЁТ НОНИ (19-20-саволлар)****20-савол****📖 Саволни охиригача ўқинг.**

**[?] Савол беринг:**

- “Оилангиз ҳали қабул қилишга тайёр бўлмаган вақтда уларга Исо Масих ҳақида айтиш биринчи хато бўлса, ҳаддан зиёд узоқ вақт бунни яшириб юриш иккинчи хато бўлиши мумкин. Бу ерда қулай вақтни қандай топиш мумкин?”  
[Муҳокама қилинг. Бу Масихга келган кўп одамлар учун ниҳоятда қийин масала ҳисобланади, бироқ улар бир-бирларига маслаҳат солиб ёрдам беришлари мумкин. Тажрибаси бор имонлилар шундай маслаҳат беради:
- Оилангиз сизнинг ҳаётингизда ижобий ўзгаришларни кўрсин;
  - Оилангиз эътиқод қилган динни кўп танқид қилманг;
  - Оилангизга аста-секин Муқаддас Китобда айрим фойдали маслаҳатларни топаётганингизга ишора қилинг, бироқ масиҳий бўлганингизни очиқ-ойдин айтманг;
  - Уларга Масихга шогирд бўлиш аслида нима эканини тушунишларига ёрдам беринг, уларни ҳақиқий имонлилар билан таништиринг;
  - Қулай вақт келганда оилангизни Муқаддас Китобни кўпроқ очиб берадиган китоблар, дисклар ёки вэбсайтлар, ё бўмаса бугунги кунда ҳаёти ўзгарган одамларнинг гувоҳликлари билан таништиринг.
  - Худо уларнинг юрагини тайёрлаши учун кўп ибодат қилинг;
  - Аввал оилангизда бошқаларга қараганда нисбатан хайрихоҳ бўлган кишини танланг;
  - Шунинг эса тутинг: оилангиз масиҳий бўлганингиз ҳақида сиз бу ҳақда айтишдан аввал билиб қолиши мумкин, бироқ Худо вазиятни бошқариб келади ва бунни яхшиликка ўгиради;
  - Агар оилангиз сиздан тўғридан-тўғри: “Масиҳиймисан?”, деб сўраса, эътиқодингизни инкор этманг.]



**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА****[?] САВОЛ БЕРИНГ:**

“Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” [Ҳар бир ўқувчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз керак.]

**[📖] 13-дарс бўйича амалий топшириқни ўқинг.**

**АЙТИНГ:**

- “Бу сизларга мазкур ҳафтага амалий топшириқ бўлади. Эсда тутинг: “Қўрқувга тобе бўлманглар”, “ҳар бир кишига жавоб беришга доимо тайёр туринглар”, “буни мулойимлик ва ҳурмат билан бажо қилинглари”.
- Уйда 14-дарсни ўрганинглари”.

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ**

Худодан Раббимиз Исо Масиҳ ҳақида кимга айтишингиз кераклигини кўра олишингизда, шунингдек яхши гувоҳ бўлишингизда, айниқса оилангизга тўғри гувоҳлик беришда сизга ёрдам беришини сўранг.





**14-дарс бўйича кўрсатмалар      Сувга чўмиш маросими****14-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР**

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Сувга чўмиш маросими қандай учта ҳақиқатни очиб беришини тушуниши;
- б. Ёки шукроналик билан ўзининг сувга чўмиш маросимидан ўтганини эсга олиши ё бўлмаса келажакда сувга чўмиш маросимидан ўтишини интиқлик билан кутиши ёки режалаштириши;
- в. Матто 28:19 ни ёд олиши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА*****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ******ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ:***

- ❑ Айтинг: “Ўтган дарсда берилган амалий топшириққа кўра сиз битта одамга Исо Масиҳ ҳақида айтишга имкон топишингиз керак эди. Сизда бунга имкон бўлдимми? Бу ҳақида бўлишинглар”. [Бирга муҳокама қилинглари. Имкон тополмаганларга савол беринг: “Бунинг учун ибодат қилиб турасизми?”]

***БУГУНГИ МАВЗУ***

- ❑ Айтинг: “Сувга чўмиш маросими борасида боши қотган Анварга ўхшайсизми? Бугун сизнинг саволларингизга жавоб беришга ҳаракат қиламиз”.

***ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ***

- ❑ Бирга 14-дарс мазмуни ёзилган саҳифани очинг. Ўқувчилар қандай жавоб берганларини кўринг:
  - 1-савол: “бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглари. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдиририлган” (Матто 28:19).
  - 2-савол: а) Масиҳга тегишли янги шахсман; б) гуноҳларим тамомила ювилган; в) жамоатига.
  - 3-савол: Бу жуда муҳим маросим.



**Маданиятга оид маслаҳат: Сувга чўмиш маросими**

Сувга чўмиш маросими муҳим қадам ҳисобланади. Бу Масихга ва Унинг жамоатига тегишлилик бўлганликнинг белгисидир. Аммо Масихга ишонмаган оилалар ва жамият бу қадамни муртадлик белгиси деб қабул қилишади. Уларнинг назарида сувга чўмиш маросимидан ўтган одам бу билан ўз оиласидан кечади ва қавму-қариндошлари шаънига доғ солади. Натижада оила ҳам, атрофдагилар ҳам ғазабланади, айрим мамлакатларда улар Масихга ишонган одамни ҳатто ўлдириши ҳам мумкин. Бошқа мамлакатларда хавф бу қадар катта бўлмасада, аянчли азобларга олиб келиши, яқинлари имонлидан юз ўгиришлари мумкин. Буни кўра билиш, имкон қадар оиланинг юзини ерга қаратмасликка, шаънига доғ туширмасликка ҳаракат қилиш зарур.

Шу тариқа, имонга келганларни сувга чўмиш маросимига тайёрлашда руҳий жиҳатлардан ташқари, бунинг жамиятда қандай оқибатларга олиб келишини ҳам ҳисобга олинг. Қуйидаги масалаларни улар билан муҳокама қилинг:

- ❑ Уларнинг сувга чўмиш маросимидан ўтиши учун энг қулай вақт. (Одатда Худо уларга Муқаддас Руҳ орқали буни кўрсатади, шу тариқа шошилтирманг, бироқ вақти келганини сезсангиз, бу ишни кейинга қолдирманг.)
- ❑ Сувга чўмиш маросимида кимлар иштирок этиши лозим? (Ҳеч бўлмаганда бир нечта ишончли дўстлари; Имонлилар жамоатидан ва имонсиз қариндошлардан кимларни таклиф этиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг.)
- ❑ Бу масалаларни имонлилар билан муҳокама қилинг, негаки ҳаммаси вазиятга боғлиқ).
- ❑ Имонли ўз нияти ҳақида имонсиз оиласини олдиндан хабардор қиладими? (Бу оиладаги муҳитга боғлиқ).
- ❑ Сувга чўмиш маросими фотосуратга олинадими? Бу суратларнинг тарқатилиши назорат қилинадими? (Рақамли суратлар ва ижтимоий тармоқлар даврида бу савол жуда муҳим аҳамият касб этади! Сувга чўмиш маросимидан олинган фотосуратларни жамиятда тарқатиш имонли учун хавфли бўлиши, унинг оиласи шаънига доғ солиши мумкин. Бу ерда энг нозик жой – бу имонлининг сувга кўмилиши, АЙНИҚСА эркак киши аёлни сувга чўмдирса агар. Бу каби фотосуратлар қатъий назорат остига олиниши лозим. Бироқ маросимдан кейин гуруҳнинг фотосуратлари, мисол учун сувга чўмдирилган имонлининг имонли дўстлари билан бирга тушган суратлари бу қадар нозик масала эмас).
- ❑ Имонли аёллар ва қизлар билан муҳокама қилинг: улар сувдан чиқаётганда уятли кўринмаслик учун нима қилади? (Ингичка матодан тикилган либос сувдан чиққанда баданга ёпишади. Қалин матодан тикилган либос кийиш ва сувдан чиққан заҳоти сочиққа ўраниб олиш лозим).
- ❑ Сувга чўмиш маросимидан ўтганлик ҳақида гувоҳнома бериш керакми? (Айрим мамлакатларда бу ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, бошқа мамлакатларда бу сувга чўмдирилган одам учун ҳам, сувга чўмдирилган учун ҳам хавфли бўлиши мумкин. Бироқ имонлининг сувга чўмдирилгани ҳақида қандайдир далил бўлиши керак. Буни муҳокама қилинг).



**А) Нима учун сувга чўмиш маросимидан ўтишим керак? (2-3-саволлар)****2-савол**

📖 2-саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Маросимдан ўтишнинг асосий сабаби нима?” Сувга чўмиш маросими нимани кўрсатади?” [Буни Раббимиз Исо Масиҳ амр этган.]
- “Масиҳ қандай вазиятда бу амрни берганини биласизми?” [Бу Масиҳ тирилгач, осмонга кўтарилишидан аввал рўй берган. Бу сўзларни айтиб, Исо Ўзининг яқин издошларига У бошлаган ишни давом эттиришни буюрди. Ўша вақтдан бери, то бугунги кунга қадар Масиҳга эргашганлар шогирдлар орттириб, уларни сувга чўмдириб келмоқда.]

Ёд олиш учун берилган Матто 28:19 устидан **ишланг**.

**Б) Сувга чўмиш маросими нимани кўрсатади? (4-14 -саволлар)****4-савол (Масиҳга тегишли янги шахс)**

Биринчи абзацни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Сувга чўмиш маросими бизнинг эски ва янги табиатимизга оид нимани кўрсатиб беришини ўз сўзларингиз билан тушунтиринг”. [Бизнинг эски табиатимиз ўлади ва биз янги табиат орқали янги ҳаётга эга бўламиз.]

**7-савол (гуноҳлар ювилган)****Маданиятга оид маслаҳат: Диний тозаланиш**

Дунёга кенг ёйилган бир динда вузуъ (диний тозаланиш, юз, қўл ва оёқни ювиш) фарз ҳисобланади. Камроқ ҳолатларда тўла ювиниш, яъни ғусул қилинади. Ғусул катта булғанишлардан тозаланиш ҳисобланади. Шунингдек, ушбу дин вакиллари барча эски гуноҳлари динни қабул қилганларида ювилиб кетган деб ҳисоблаши мумкин. Бунга ишора сифатида улар катта таҳорат – ғусул қиладилар. Бироқ Масиҳга имон келтирганлар кўпинча сувга чўмиш маросимини гуноҳдан тозаланиш эмас, балки янги ҳаётга эга бўлишнинг белгиси ўрнида қабул қилишади.



📖 Бахтиёр ҳақида ҳикояни ўқинг.

❓ Савол беринг:

“Сувдан чиққанингизда сиз ҳам худди Бахтиёрда бўлгани каби кечинмаларни ҳис қилганмисиз? Ўша пайтда қандай кечинмаларни бошдан ўтказгансиз?” [Муҳокама қилинг.]

---

## 10-савол

📖 Саволнинг биринчи абзацини ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Сув гуноҳларимизни ювишдек мўъжизакор кучга эгами?” [Йўқ]
  - ❑ “Гуноҳларимизни чиндан ҳам юва оладиган нарса нима?” [1 Юҳанно 1:7 да ёзилгандек, Исо Масиҳнинг қони. Сув бизни баданимиздаги кирдан тозалайди холос, лекин Масиҳ юрагимизни гуноҳдан тозалашини ифода этувчи муҳим рамзий маънога ҳам эга.]
- 

## 12-савол (Масиҳнинг жамоатига қўшилиш)

📖 12-саволни охиригача ўқинг.

❓ Савол беринг:

“Мен сувга чўмиш маросимидан ўзим учун ўтяпман. Бу Худо билан менинг ўртаимизда холос. Имонлилар жамоатига қўшилишимга ҳожат йўқ”, деган одамга нима деган бўлардингиз?” [12-саволга қўра, сувга чўмиш маросими бутун борлигимизнинг Масиҳ жамоатига қўшилишини англатади. Бу билан имонлилардан ташкил топган оддий жамоат, уй жамоатлари ёки шунчаки имонлилар гуруҳи назарда тутилади. Қандай бўлмасин, биз Масиҳнинг танаси ҳисобланган имонлилар жамоатига қўшилишимиз лозим. Биз жамоатга тегишлимиз, жамоат эса – бизга. Биргаликда биз Худонинг танланган, яхлит халқимиз.]

---



**В) Қутқарилиш учун сувга чўмиш маросимидан ўтишим керакми?  
(15-17-саволлар)**

**16-савол**

**[?] Савол беринг:**

- “Тасаввур қилинг, сиз сувга чўмиш маросимидан ўтяпсиз ва бутун гуруҳга гувоҳлик беряпсиз. Беш дақиқа ичида нима ҳақида гапирган бўлардингиз? 16-савол бўйича тайёрлаган ёзувларингиздан фойдаланинг”. *[Бир ёки бир неча киши ўз гувоҳлиги ҳақида бўлишиши лозим. Эътибор беринг, кўпинча гувоҳлик бериш учун эндиgina имонга келганларни таклиф этишади. Улар учун бу ўзига хос бир “удум” бўлиб қолади. Гоҳида эса улардан ҳадеб буни қилишни сўрайверганларида, уларнинг эътибор марказида бўлишдан кўнгли қолади. Улардан гуруҳ олдида гувоҳлиги ҳақида бўлишишни сўраганда буни ҳисобга олинг.]*

**Г) Сувга чўмиш маросимидан қачон ўтишим керак? (18-22-саволлар)**

**21-савол**

**[📖] Саволни охиригача ўқинг.**

**[?] Савол беринг:**

- “Бу ерга нима деб ёздингиз?” *[Бирга муҳокама қилинглр. Мана таклифлар:*
  - *Ҳамма олдида эълон қилманг, бунинг ўрнига ўзингиз ишонган одамларни алоҳида таклиф қилинг;*
  - *Маросимни бегоналар кўрмайдиган, сокин жойда ўтказинг;*
  - *Фақат битта фотоаппаратдан фойдаланинг, фотосуратлар кимга берилишини сувга чўмиш маросимидан ўтаётган одамнинг ўзи танлашига йўл қўйиб беринг;*
  - *Маросимдан ўтаётган одам сувда бўлган пайтда суратга олишларига йўл қўйманг (у сувдан чиққандан кейин, дўстлари билан бирга расмга тушиши мумкин);*
  - *Агар сувга чўмдирилганлик ҳақида гувоҳнома берилиши кўзда тутилган бўлса, уни хавфсиз жойда сақланг;*
  - *Ушбу дарснинг бошида сувга чўмдириш маросими ҳақида “Маданиятга оид маслаҳат” ни ўқинг.]*



**22-савол (а)**

📖 **Биринчи абзацни ўқинг.**

❓ **Савол беринг:**

- ❑ “Бу ерга нима деб ёздингиз?” *[Бирга муҳокама қилинглар. Биронта саволни “тўғри” деб айтолмаймиз, негаки ҳаммаси вазиятга боғлиқ. Кўп ҳолатларда турмуш ўртоғи билан сувга чўмишни кутганларнинг умидлари рўёбга чиқади. Бироқ йиллар ўтиб ҳам агар эр ёки хотин Масихга имон келтирмаса, бу ҳолда имонли бир ўзи сувга чўмиш маросимидан ўтиши кераклигини сезиши мумкин.]*

**Изоҳ:**

- ❑ Ўқувчиларнинг ўқув қўлланмасини текширинг, улар 21 ва 22-саволларнинг жавобларини ёзганига ишонч ҳосил қилинг. Агар улар ўзлари жавоб беришса, бу уларга саволларга жиддийроқ ёндашишга ҳамда муҳокамада фаолроқ қатнашишга ёрдам беради.

**22-савол (б)**

📖 Саҳифага берилган изоҳни ўқинг.

**Айтинг:**

- ❑ “Сувга чўмиш маросими маълум бир даражада хавф солсада, биз бундан кўп кўрқмаслигимиз керак. Бу аслида байрам!”

**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА**

❓ **САВОЛ БЕРИНГ:**

- ❑ “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” *[Ҳар бир ўқувчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз керак.]*

📖 14-дарс бўйича амалий топшириқни **ЎҚИНГ.**

**АЙТИНГ:**

- ❑ “Агар сувга чўмиш маросимидан ўтмаган бўлсангиз, ушбу амалий топшириқни бажаринг. Агар сувга чўмиш маросимидан ўтган бўлсангиз, бу ҳафта мана шу қадамни босиш ҳақида ўйлаётган гуруҳ қатнашчиларидан бири билан учрашингиз мумкин. Унга ўз маслаҳатингизни беринг ва у билан ибодат қилинг”.

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ**

Биз бугун сувга чўмиш маросимининг учта мазмуни ҳақида сўз юритдик. Булар учун Худога раҳмат айтинг ҳамда гуруҳингизда бу маросимдан ўтиш ҳақида ўйлаётганлар учун ибодат қилинг.



## 15-дарс бўйича кўрсатмалар

## Тўғри йўл

**15-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР**

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Ҳаётига ўзи эгалик қилмасликка, уни Худога бағишлашга қарор қилиши;
- б. Биз “Тўғри йўлдан” ўзимиз, мустақил юра олмаслигимизни тан олиши;
- в. Нима учун Масихга қул бўлиш ҳақиқий эркинлик беришини тушуниши;
- г. 1 Коринфликларга 6:19-20 ни ёд олиши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ:**

- ❑ Айтинг: “Ўтган дарсда берилган амалий топшириққа кўра, сувга чўмиш маросими борасида маслаҳат олишингиз ёки маслаҳат беришингиз керак эди. Бу топшириқни бажардингизми? Қандай қарор қабул қилдингиз? *[Бирга муҳокама қилинглари. Агар қатнашчилардан бири тез орада сувга чўмиш маросимидан ўтишга хоҳиш билдирса, дарсдан кейин у билан маросимга тайёрланиш билан ким шуғулланиши ҳақида гаплашинг.]*

**БУГУНГИ МАВЗУ**

- ❑ Айтинг: “Масихийларда қонунлар йўқдек кўринади, шундай эмасми? Негаки Масихнинг таълимотида бошқа динларга қараганда, қоида ва кўрсатмалар бу қадар кўп эмас. Шунга қарамай, биз Худонинг тўғри йўлидан юришга ҳаракат қиламиз, бироқ бу *шариат* бўйича яшаш дегани эмас. Келинг, навбатдаги учта дарсимизни мана шу мавзуга бағишлайлик”.

**ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

- ❑ Қатнашчилар дарс мазмуни саҳифасидаги саволларга тўғри жавоб берганини текширинг. Мана тўғри жавоблар:  
*1-савол:* а) Мусо қонунида; б) Масих қонунида.  
*2-савол:* Муқаддас  
*3-савол:* а), б) ва в) бандларни Масих қонуни тақиқлайди (*шариат*), қатнашчилар г) ва д) бандларга нима деб ёзганларини кўринг (умид қиламиз, улар бу бандларни бўш қолдирмаган!)  
*4-савол:* “... қиммат баҳога сотиб олингансизлар. Шунинг учун ўз танангиз билан Худони улуғланглари” (1 Коринфликларга 6:19-20).



### Маданиятга оид маслаҳат: *Шариат ва қонунга амал қилиш*

15-17-дарслар Масихга келганлар учун жуда муҳим ҳисобланган мавзуни ёритади. Бу мавзуга сабаб “қонуннинг” бошқа динларда ниҳоятда муҳим ўрин эгаллаганидир. Ҳатто арабча “шариат” сўзи ҳам асл маъносида қонун ҳисобланмайди, бу билан ҳаёт тарзи назарда тутилади. У одамга у овқатланиш, меҳмон кутиш, савдо ишларини юритиш, мол **сўйиш**, тозаланиш, ухлаш, ҳожатга чиқиш, ҳукуматга бошчилик қилиш, адолат билан иш тутиш, ибодат қилишда нималарга амал қилиш лозимлигини тушунтиради. Шундай қилиб, ушбу динга чин дилдан эътиқод қилганлар *шариат* нафақат уларнинг шахсий ҳаётини, балки жамиятнинг ҳаётини ва маданиятини ҳам шакллантириб боришини исташи мумкин. Бунга итоат қилинса агар, одам ҳаётда Худонинг марҳаматларига, бўлғуси ҳаётда эса мукофотларга эришади деб ҳисобланади.

Бундай диний жамиятни тарк этган одамлар юриш-туришнинг икир-чикирларигача ўргатадиган ахлоқий кодексдан энди озод бўлганидан хурсанд бўлиши мумкин, бироқ шу билан бирга уларда жавоб талаб этадиган кўплаб мураккаб саволлар пайдо бўлади. Масиҳий одамнинг ҳаётида “қонун” борми? Агар бор бўлса, у қандай ўрин эгаллайди? Агар қонунга ўрин бўлмаса, бу биз исталган нарсани қилишимиз мумкинлигини англатадими? Агар қонуннинг ўрни бўлса, унинг табиати ва моҳияти нимадан иборат? Биз нима учун мана шу “Масиҳ қонунига” бўйсунимиз керак: мукофот олиш учунми ёки шукрона тариқасидами? Рўза тутиш вақти ва қанча хайр-эҳсон қилиш каби масалаларга қандай қилиб аниқлик киритиш мумкин? Масиҳни Раббий сифатида билиб, Унга бўйсунишда қандай принципларга амал қилиниши лозим, ахир бошқа динларга қараганда кўрсатмалар бу қадар аниқ берилмаган?

Худонинг Эски Аҳд давридаги қонунидан мақсад, фарзийларнинг уни суиистеъмол қилиши ва шунингдек, Исо ваъз қилган янги “севги қонуни” – буларнинг ҳаммаси масиҳийлар учун ўта долзарб мавзулардир.

Исога эндигина келган айрим одамлар учун биз Масиҳнинг янгича *шариати* остида яшайпмиз деган тушунчани қабул қилиш осонроқ бўлади. Бошқаларда *шариат* сўзи ўтмишдаги тажрибаси боис салбий туйғуларни уйғотиши мумкин, бироқ улар барибир биз янгича ҳаёт кечириб, Раббимизга бўйсунимиз, исталган нарсани қила олмаслигимиз принципини тушуниб олишлари лозим.





## А) Нима учун одамлар Тўғри Йўлдан юра олмайди?

### Маданиятга оид маслаҳат: Тўғри йўл

Бир диний жамият вакиллари ҳар куни: “Бизни тўғри йўлдан етакла” деб ибодат қилишади. Уларга минглаб пайғамбарлар Худонинг тўғри йўли ҳақида ваъз қилиш учун юборилган деб ўргатишади. Улардан бир нечтаси Муқаддас Китобда тилга олинади: Одам Ато, Нух, Иброҳим, Мусо, Довуд, Исо ва бошқалар.

Улар мана шу пайғамбарларнинг ҳаммаси одамларга Худо *шариатидаги* “тўғри йўлни” кўрсатиш учун келганига, бунга амал қилинса мукофотга ва марҳаматларга эришиш мумкинлигига ишонади. Бироқ тўғри йўл нимадан иборатлигини билган, ундан юришни истаган тақдиримизда ҳам, биз ўзимиз буни қила оламизми? Агар қилолмасак, бунинг сабаби нима? Илоҳиётга асосланган бош тушунчалар 15-дарсда берилган.

### Кириш қисми

Маст одамнинг расмига **қаранг**.

#### **[?] Савол беринг:**

- “Бу одам нима учун тўғри чизикдан юра олмайди?” *[У спиртли ичимлик таъсири остида. Ҳатто тўғри юришни ўзи истаган тақдирда ҳам у буни қилолмайди.]*
- “Ушбу мисолнинг руҳий маъноси нимадан иборат?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Одамзод гуноҳнинг таъсири остида бўлгани ва гуноҳга қул бўлгани боис “тўғри йўлдан” юришга ноқобил. Ҳатто истаган тақдирда ҳам улар тўғри юра олмайдилар.]*
- “Ҳар куни диний ибодат вақтида бир дин вакиллари Худодан: “Мени тўғри йўлдан бошла” деб илтижо қилишади. Улар Худо йўл кўрсатиш учун минглаб пайғамбарларни юборган деб ҳисоблайдилар. Бироқ Тўғри Йўлдан юришлари учун уларга йўл кўрсатилишининг ўзи кифоя қиладимизми? *[Йўқ]* Нима учун? *[Ибодат қилиш – бу яхши, пайғамбарларнинг юборилгани ҳам яхши, лекин тўғри йўлдан юриш учун одамларга куч керак.]*



**3-савол**

📖 3-саволни охиригача ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- ❑ “Бу ерга нима деб ёздингиз? Қўлланмада тўғри жавоб сифатида г) банд белгиланган. Сизнингча бу тўғрими?” *[Бирга муҳокама қилинглр. Ўқувчилар мустақил ўйлашлари керак. Бироқ Муқаддас Китобга кўра г) бандида берилган жавоб тўғри.]*
- ❑ “Одамларни гуноҳ бўйинтуруғидан озод қилиш учун машаққат билан ишлаш, қўшимча қонунлар ва ибодатнинг ўзи кифоя қилмаслигини дўстингизга қандай тушунтирган бўлардингиз?” *[Бирга муҳокама қилинглр. Гарчи бу амаллар маълум бир даражада одамга ёрдам берсада, лекин улар асосий муаммога ечим беролмайди. Бу муаммога Худонинг кучи билан барҳам берилади.]*

**Б) ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМ (5-6-саволлар)****5-савол**

📖 5-саволни охиригача ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- ❑ “Бу парчада қайси сўзларни тагига чизиб белгиладингиз?” *[ёмон фикрлар, фаҳш, ўғирлик, қотиллик, зино, очкўзлик, фосиқлик, маккорлик, шаҳват, ҳасад, туҳмат, манманлик ва нодонлик.]*
- ❑ “Ҳалол овқат фарзийларнинг ичини, яъни қалбини поклай олганми?” *[Йўқ] “Нима учун?” [Чунки ичидаги гуноҳ уларни ҳаром қилар эди.]*
- ❑ “Қайси бири ёмон: ҳаром овқатми ёки ҳаром фикрларми?” *[Бирга муҳокама қилинглр. Масиҳнинг таълимотига кўра, ҳаром фикрлар ёмонроқ, негаки улар инсон юрагини ҳаром қилади. Бундай юракдан ёмон сўзлар ва ҳаром ишлар чиқади.]*

**6-савол**

📖 6-саволни охиригача ўқинг.

- ❑ “Бу ерга нима деб ёздингиз?” *[Бирга муҳокама қилинглр. Қўлни ювиш ёки “ҳалол” овқатни истеъмол қилиш юракни тозалашдан кўра анча осон!]*



## В) ХУДОНИНГ БУЛҒАНГАН ЮРАКНИ СОҒАЙТИРИШИ (7-10-саволлар)

### 7-савол

📖 7-саволни охиригача ўқинг.

#### Ишлаб чиқинг:

- ❑ Аввал оятни мустақил равишда, ўз исмингизни қўшиб ўқинг. Мисол учун, исмингиз Темур бўлса, шундай ўқийсиз: “Сенга, Темур, янги юрак бериб, қалбингни янги руҳга тўлдираман. Бағрингдаги тош юракнинг ўрнига юмшоқ юрак бераман. Ичингга Ўз Руҳимни соламан. Темур, сен фармонларимга риоя қиладиган, қонун-қоидаларимни битта қолдирмай бажарадиган бўласан”.
- ❑ Энди қолганлардан ушбу оятни ўз исmlарини қўйиб ўқишни сўранг. Улар буни бир вақтда ёки навбатма-навбат қилишлари мумкин.

#### Айтинг:

- ❑ “Худонинг ҳар биримизга берган ваъдаси мана шундан иборат! Биз Масиҳга эргашганимиз заҳоти, У ичимизга Ўзининг Руҳини солган”.

❓ **Савол беринг:** “Биз ҳозир ўқиб ўрганган оятга кўра:

- ❑ “Ким бизга Тўғри йўлдан юриш истагини беради?” [Ичимизда яшаган Худонинг Руҳи.]
- ❑ “Ким бизни Тўғри йўлдан юришга қодир қилади?” [Ичимизда яшаган Худонинг Руҳи.]

## Г) ХУДО УЧУН ЯШАШ (11-16-саволлар)

### Маданиятга оид маслаҳат: “Катта” ва “Кичик” гуноҳлар

Бир динга эътиқод қилувчиларга айрим гуноҳлар бошқаларидан кўра оғирроқ бўлиши уқтирилади, яъни Худонинг назарида, мисол учун ёлғон гапириш каби “кичик” гуноҳлар кўп аҳамиятли бўлмаслиги мумкин, лекин “оғир” гуноҳлар учун жазо муқаррар деб ўргатилади. Шунингдек, агар кимсанинг юрагида гуноҳ қилиш “нияти” бўла туриб, у буни қилмаса, бу гуноҳ ҳисобланмайди. Бу таълимот Масиҳнинг таълимотидан фарқ қилади. Масиҳнинг таълимотига кўра, ҳатто юракка суқулиб кирадиган шаҳват ҳам худди зино сингари гуноҳ ҳисобланади. (13-саволга қаранг)

Бу бўлим Масиҳ ўрнатган муқаддас қонунда жуда юқори талаблар қўйилганига бағишланади. Ахлоқий маънода олиб қаралганда, ундан кўра *шариатга* амал қилиш анчайин осон, гарчи диний нуқтаи назарда у нисбатан оддийроқ кўринсада.



**15-савол**

📖 15-саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Кўриниб турибдики, а) жавоб – тўғри, бироқ б) жавоб ҳақида нима дейиш мумкин? Кичик гуноҳларнинг қандайдир аҳамияти борми? *[Бирга муҳокама қилинглари. Эҳтимол, Исога юз буришдан аввал улар аҳамиятсиз бўлгандир, бироқ энди Масиҳнинг қонуни олдида улар аҳамиятлидир.]*
- ❑ “г) жавоб борасида нима дея оласиз, ахир ёлғоннинг ҳеч қандай ёмон томони бўлмаслиги мумкин, шундай эмасми?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Масиҳ қонуни олдида бу аҳамиятли, гарчи аксарият одамлар буни жиддий қабул қилмасида.]*
- ❑ “е) жавоб – гуноҳли фикрлар борасида нима дея оласиз? Агар бизда гуноҳ қилиш нияти бўла туриб, гуноҳ қилмасак, бу гуноҳ ҳисобланадими?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Агар шайтон бизни ёмон ниятлар билан васваса қилса ва биз васвасага қарши курашсак – бу гуноҳ бўлмайди. Бироқ, агар била туриб гуноҳли фикрларга берилсак ёки ёмонликка қўл уришни ният қилсак, бу гуноҳ бўлади.]*

**16-савол**

📖 16-саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Сизнингча, бу ерда санаб ўтилган қайси жавоблар муҳим? Нима учун?” *[Бирга муҳокама қилинглари.]*
- ❑ б), в), д) ва ж) жавоблар 1 Бутрус мактубидан олинган, шу тариқа ишонч билан айта оламизки, улар Масиҳнинг қонунига мувофиқ. а), г) ва е) жавоблар Янги Аҳд китоби (Инжил)нинг биронта оятида тилга олинмайди, шу тариқа масиҳийларнинг уларга риоя қилиши шарт эмас. Мисол учун, соқол қўймаслик – гуноҳ ҳисобланган айрим динлардан фарқли равишда, эркаклар ўз ихтиёрига кўра соқол қўйиши ёки қўймаслиги мумкин.]
- ❑ “Ушбу рўйхатда б), в), д) ва ж) бандларда кўрсатилган муҳим амрлар билан а), г) ва е) бандлардаги муҳим бўлмаган амрлар ўртасида қандай фарқ бор?” *[Муҳим амрлар юрагимизнинг ҳолати ҳамда бошқаларга бўлган муносабатимиз билан боғлиқ; муҳим бўлмаган амрлар эса бизнинг ташқи кўринишимизга ва диний удумларга тааллуқли.]*



**Д) ҲАҚИҚИЙ ЭРКИНЛИК (17-22-саволлар)**

📖 Римликларга 6:11-18 ни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “11-14-оятларга кўра, биз нима олдида ўликмиз? Нима қилиб яшашимиз керак?” *[Гуноҳ олдида ўликмиз. Исо Масиҳ туфайли Худога шуҳрат келтириб яшашимиз керак.]*
- ❑ “14-оятга кўра, нима учун гуноҳ бизнинг устимиздан ҳукмрон бўлмайди?” *[Чунки биз энди қонун остида эмас, балки иноят паноҳидамиз.]*
- ❑ “15-оятда айтилишича, биз “иноят паноҳидамиз”. Бу биз энди истаганимизни қилишимиз мумкинлигини англатадими? Нима учун? *[Йўқ! Чунки ўзимизни итоаткор қул қилиб Раббимизнинг измига топширишимиз лозим. 16-оятга қаранг.]*
- ❑ 11-18-оятларда бизнинг “иноят паноҳи” остида бўлганимиз ҳақида нима дейилган? *[Бизнинг “иноят паноҳи” остида бўлганимиз, биз Масиҳ воситасида янги ҳаётга эга бўлганимизни, энди Худои Таоло бизнинг Эгамиз, биз эса Унинг солиҳликка эришган ва Худога итоат қилиш учун озод этилган қулларимиз.]*
- ❑ “Тўхтанг ва бу ҳақида ўйлаб кўринг: Сиз ўлимга олиб борувчи гуноҳга қул бўлишни истайсизми ёки Худога итоат қилиш учун эркин бўлишними?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради.]*

**17-савол**

📖 17-саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Бу ерга нима деб ёздингиз?” *[Бирга муҳокама қилинглр. 1 Бутрус 4:2 да бу йигит қолган умрини нафсини қондиришга эмас, Худонинг иродасини бажаришга бағишлаши лозимлигини айтади. 1 Бутрус 4:3 у ўтмишда узоқ вақт ёмон ишларга булғаниб яшаганини айтади.]*
- ❑ “Расмда кўрсатилган одам: “Қанча кўп гуноҳ қилсам, У мени шунча кўп кечиради!” дейди. Римликларга 6:15 да нотўғри муносабат ҳақида нима дейилган?” *[Бу ерда: “Хўш, буёғи энди нима бўлади? Қонун остида эмас, иноят паноҳида бўлганимиз учун гуноҳ қилаверайликми? Йўқ, асло!” дейилади!]*



**19-савол**

Расмда кўрсатилган одамга **қаранг**.

**[?] Савол беринг:**

- “Бу одам чиндан ҳам эркинми? Сиз нима деб ёздингиз?” *[Бирга муҳокама қилинглр. Кўриниб турибдики бу одам эркин эмас. У оғир гуноҳларга булғаниб яшайпти.]*
- 

**20-савол (а)**

**[📖]** 20-саволни охиригача **ўқинг**.

**[?] Савол беринг:**

- “Бу худди юқоридаги расмда кўрсатилган одам. Уни ушлаб турган кишанлар билан нима бўлди?”
  - [У хоч олдида кишанлардан озод бўлди.]*
  - “Энди у гуноҳ бўйинтуруғидан озод бўлдими?” *[Ҳа.]*
  - “Биз ҳақиқий эркинликка қандай эришамиз – ўзимиз учун яшабми ёки Исо Масиҳ учун яшабми?” *[Муҳокама қилинг. Ҳақиқий эркинликка қачонки Исо Масиҳга қул бўлганимизда эришамиз. Ғалати эшитилсада, аслида айнан шундай бўлади.]*
- 

**21-савол**

**[📖]** Ёд олиш учун берилган 1 Коринфликларга 6:19-20 ни **ўқинг**.

**Оят устидан ишланг:**

- Аввал гуруҳ қатнашчиларининг бирига айтинг (мисол учун, унинг исми Махмуд): “Махмуд, сен энди ўзингга тегишли эмассан, чунки Худо сени қиммат баҳога сотиб олган. Шунинг учун ўз тананг билан Худони улуғла”.
- Энди Махмуд худди шу сўзларни бошқага айтади: “Замира, сен ўзингга тегишли эмассан ..., шунинг учун ... ва ҳоказо”.
- Шундай қилиб, бутун гуруҳ бу оятни айтиши, энг охиридаги қатнашчи эса буни гуруҳ етакчисига, яъни сизга айтиши лозим.

**Айтинг:**

- “Чиндан ҳам шундай. Худо ҳар биримизни қиммат баҳога сотиб олган. Биз ўзимизга тегишли эмасмиз. Шундай экан, келинг, ўз танамиз билан Худони улуғлайлик! Келинг, Худонинг Руҳи ёрдамида гуноҳдан воз кечайлик”.
- 



**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА****[?] САВОЛ БЕРИНГ:**

- “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” [Ҳар бир ўқувчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз керак.]

**[📖] 15-дарс бўйича берилган амалий топшириқни ЎҚИНГ.**

**АЙТИНГ:**

- “Илтимос, бу ҳафта мана шу амалий топшириқни бажаринг. Шунингдек, уйда 16-дарсни ўрганинг”.

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ** Худога бизни гуноҳ бўйинтуруғидан озод қилгани учун раҳмат айтинг. Бу ҳафта Ундан Масихга қул бўлиб яшашга бизга ёрдам беришини сўранг.



## 16-дарс бўйича кўрсатмалар Севги қонуни

### 16-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Худони бутун қалби билан севишга ва ўз яқинини ўзини севгандек севишга интилиши;
- б. Худонинг севгиси бизнинг Унга бўлган севгисига мутлақо боғлиқ эмаслигидан шубҳаланмаслиги;
- в. Биз Худо олдида бурчдор эканимизни тушуниши ва Худодан миннатдор бўлиши;
- г. Марк 12:30-31 ни ёд олиши лозим.





**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ**

- ❑ Айтинг: “Ўтган дарсда берилган амалий топшириқ бўйича сиз бошқа одамга ғазаб билан неча марта гапирганингизни санаб боришингиз керак эди. Жуфтликларга бўлиниб, бир-бирингизга бу ҳақида гапириб беринг ва қачон ғазабланганингизга мисоллар келтиринглар”.
- ❑ Жуфтликларда уч дақиқа муҳокама ўтказинг (агар гуруҳ қатнашчилари бир-бирларига етарли даражада ишонишса).

**БУГУНГИ МАВЗУ**

- ❑ Айтинг: “Бугун биз кўпроқ Масих қонуни ёки бошқача қилиб айтганда, Масих *шариати*, яъни севги қонуни ҳақида сўз юритамиз”.

**ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

- ❑ Қатнашчилар дарс мазмуни саҳифасидаги саволларга тўғри жавоб берганини текширинг. Мана тўғри жавоблар:  
*1-савол: Энг муҳим илоҳий амр: “Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан, кучингиз борича севинг”.*  
*Энг муҳим амрлардан иккинчиси: “Ўзгани ўзингизни севгандай севинг”.*  
*2-савол: Севги*  
*3-савол: а) Нотўғри; б) Тўғри*

**АЙТИНГ:**

- ❑ “Шак-шубҳасиз ўтган ҳафта ҳаммамизда ғазаб билан гапирган вазият бўлган. Ёмон иш қилишимиз, ёмон фикрга берилишимиз, ёмон сўз гапириб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Бунга безътибор қарамаслигимиз керак. Бироқ Худонинг инояти **туфайли** биз гуноҳдан фориғ бўлишимиз, Исо Масихнинг қони билан тозаланиб, Худо ҳузурига қайтишимиз мумкин. Илтимос, қуйидаги сўзларни такрорлаб, мен билан ибодат қилинг:



**ИБОДАТ**

“Худойим, Отажон... [Бирга такрорланг]

Гуноҳларимизни эътироф этсак, бизни кечириб, [бирга]

Ҳар қандай ёмонликдан фориғ қилишни ваъда қилганинг учун раҳмат... [бирга]

Чунки Сен содиқ ва адолатлисан... [бирга]

Ўтган ҳафта ҳар биримизнинг оғзимиздан ёмон сўзлар чиқди,

Илтимос, бизни кечир... [бирга]

Бизни покла ва Ўз Руҳинг билан тўлдир ... [бирга]

Токи бу ҳафта Сенга яхшироқ хизмат қилайлик... [бирга]

Раббимиз Исо Масиҳнинг номи билан сўраймиз. Омин. [бирга]

**Маданиятга оид маслаҳат: Итоатга ғайратлантириш**

16-дарс 15-дарс очган Худо қонуни ҳақида мавзуни давом эттиради. (юқорида мавзунинг умумий мазмунига қаранг) Ушбу дарснинг бошида Худо қонунига умид, мукофот ёки кўрқув асосида бўйсунуш билан Худо қонунига Унинг биз учун қилган барча ишларига миннатдорчилик тариқасида бўйсунуш ўртасидаги кескин фарқ кўрсатилади. Бу Масиҳни қабул қилган одамнинг дунёқарашада юз берадиган асосий ўзгариш ҳисобланади. Биз Худони севамиз, чунки У биринчи бўлиб бизни севди, Исо Масиҳнинг хочдаги ўлими бунинг яққол далилидир. Шу тариқа бунга жавобан биз “севги қонунига” бўйсунушни истаймиз, бу эса Худони бутун қалбимиз билан севишни, шунингдек, ўзгани ўзимизни севгандай севишни англатади.

**А) ХУДО БИРИНЧИ БЎЛИБ БИЗНИ СЕВДИ (1-5-саволлар)****Кириш қисми**

Икки хизматчи кўрсатилган расмга қаранг.

**[?] Савол беринг:**

- “Иккала хизматчидан қайси бири ўз хўжайинига севишиб хизмат қилади”. [Хўжайинини яхши кўргани. Иккинчиси хўжайинидан кўрққани учун хизмат қилади.]
- “Бу биз учун қандай аҳамиятга эга?” [Худо бизни қутқаргани учун, биз севишиб Унга хизмат қиламиз. Бошқалар жазодан кўрқиб хизмат қилади.]



**4-савол**

📖 4-саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Биз Худонинг севгиси остида ўзимизни тўлиқ хотиржам ҳис қиламизми?”  
*[Ҳа, агар Масиҳга тегишли бўлсак.]*
- ❑ “У бизни дўзахга, қисқа муддатга бўлсада юбориши мумкинми?” *[Йўқ, негаки Исо Масиҳ гуноҳларимизнинг баҳосини тўлаган; энди жазога лойиқ ҳеч қандай айбимиз йўқ. Айрим динларда одамлар уларнинг тақдири нима бўлиши, жаннатга тушадими ёки маълум бир вақт дўзахда азоб чекадими, бу борада аниқ тушунча йўқ.]*
- ❑ “Шундай экан, биз нима учун Худога бутун қалбимиз билан хизмат қилишимиз керак?” *[Чунки биз Уни жуда севамиз! Биз Унинг учун яшашни, Унга бўлган миннатдорлигимизни кўрсатишни, Уни улуғлашни истаймиз.]*

**Б) ХУДО ЎЗ СЕВГИСИНИ ИСБОТЛАДИ (6-10-саволлар)****7-8-саволлар****Айтинг:**

- ❑ “Бутун дунёда масиҳийлар иккита маросимни бажариб келади. Булардан бири сувга чўмиш маросими деб аталади. У ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Иккинчиси – Қутлуғ Зиёфат дейилади. Бу маросимда Исо Масиҳнинг биз учун Ўзини фидо қилгани хотирланади ва нишонланади”.

📖 7-8-саволларни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Қутлуғ Зиёфатда қанча кўп қатнашасиз? Ёки бунинг учун сизда ҳеч қачон имкон бўлмаганми?” *[Бирга муҳокама қилинглар. Имонлиларнинг айрим гуруҳлари буни тез-тез қилиб туришади, бошқалар эса нисбатан узоқроқ вақт оралиғида қилишади. Қатнашчилар орасида бу маросимда ҳеч қачон иштирок этмаганлар бўлиши мумкин.]*
- ❑ “Сизларнинг жамоатингизда бу маросим қандай аталади?” *[Турли жамоатларда бу маросимга нисбатан қандай ҳар хил номлар ишлатилишини билиб олиш ўқувчилар учун фойдали бўлади.]*
- ❑ “Нон ва шаробни қабул қилганда қандай туйғуларни ҳис қиласиз?” *[Бирга муҳокама қилинглар]*



- “Сизларнинг жамоатингизда нима ичилади шаробми ёки узум шарбатими? Шароб ичилса, бу сизга муаммо туғдирмайдими?” [Айрим мамлакатларда кўп жамоатлар спиртсиз ичимликлардан фойдаланишади. Айрим имонлилар спиртли ичимликларни ичишади, бошқалари эса – йўқ, айнан шу сабабдан бу масала қатнашчилар учун муҳим бўлиши мумкин. Фақат шароб ичиладиган ҳолатда, спиртли ичимлик ичмайдиган одам бир ҳўплам ичиши мумкин, негаки бу бошқа вазиятлардаги “ичкиликбозлик” дан фарқ қилади.]
- “Имонсизларга нон ва узум шарбатини қабул қилишга йўл қўйиш мумкинми?” [Йўқ. Бу маросимда фақат Масиҳга эргашганлар қатнашади.]

**Айтинг** (агар хоҳласангиз):

- “Ушбу курс охирида биз алоҳида учрашув ташкил қиламиз ва унда Худони улуғлаб, сўнг гуруҳ билан бирга Қутлуғ Зиёфат маросимини ўтказамиз”.

## **В) СЕВГИ ҚОНУНИ (11-13-саволлар)**

📖 1 Юҳанно 4:7-13 ни ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- “Худо бизни, биз Уни севганимиз учун севадими? Ёки У биринчи бўлиб бизни севдими?” [У биринчи бўлиб бизни севди. Бу Худо ўзини пок сақлаган одамларнигина яхши кўради деб ўргатган бошқа диний таълимотлардан фарқ қилади.]
- “Қайси оят Худо бизни ҳали жавобан ҳеч нарса қилмаганимиздаёқ, биринчи бўлиб севганини кўрсатади?” [9-10-оятлар.]
- “Ушбу оятларга кўра, Худо бизга Ўз севгисини қандай намоён қилди?” [У бизга ҳаёт бериш учун ягона Ўғлини дунёга юборди, 9-оят. Худо бизни гуноҳларимиздан поклаш учун Ўз Ўғлини қурбон қилди, 10-оят.]
- “7 ва 11-оятларга кўра, биз Худонинг севгисига қандай жавоб беришимиз керак?” [Бир–биримизни яхши кўришимиз керак.]
- “12-оятга кўра, гарчи ҳеч ким ҳеч қачон Худони кўрмаган бўлсада, агар биз бир–биримизни яхши кўрсак, одамлар нимани кўра оладилар?” [Худо биз билан бирга эканлигини ва Унинг севгиси бизда ўзининг мукамал ифодасини топганини].]

## **13-савол**

📖 13-савол ўқинг.


Ёд олиш учун берилган Марк 12:30-31 оятлари устида **ишланг**.



**[?] Савол беринг:**

- “Масих қонунининг ушбу умумлаштирилган шакли жуда қисқа ва уни ёд олиш осон. Бироқ унга амал қилиш осонми?” *[Бирга муҳокама қилинглар. Биз ўйлаймизки, ушбу қонунга амал қилиш жуда қийин.]*
- “Ким бизни мана шу севги қонунига амал қилишга қодир қилади?” *[Ҳаётимизда Худонинг Руҳи. Биз – кучсизмиз, бироқ Эгамиз қудратли. Биз – гуноҳқормиз, У эса – мутлақ беғуноҳ, Худонинг Муқаддас Руҳи. Шу тариқа, Ундан мадад сўрашимиз лозим. У худди электр токи сингаридир, – у жуда кучли, лекин қачонки қўл узатиб тугмачани босганимиздагина ишлайди.]*

**Г) ХУДОНИ БУТУН ҚАЛЪ БИЛАН СЕВИШ****14-савол**

 14-саволни охиригача ўқинг.

**[?] Савол беринг:**

“Қайси саволни тагига чиздингиз? Нима учун айнан ўша саволни танладингиз?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради. Ҳар бир қатнашчидан изоҳ беришни сўранг. Шунингдек, уйда ушбу дарсда тайёрланишда қайси саволни танлаганингизни айтинг.]*

**Д) ЎЗГАНИ ЎЗИНГИЗНИ СЕВГАНДАЙ СЕВИШ (15-25-саволлар)****17-савол**

Тўртта расмга қаранг.

**[?] Савол беринг:**

- “А расмдаги аёл нима учун эри билан бахтли?” *[Эри у ҳақида ғамхўрлик қилади ва амалда унга севги кўрсатади. Эр Масих қонуни (шариати) га бўйсунди.]*
- “Б расмда эр Масих қонунига бўйсунмиш учун нима қилиши лозим?” *[Бирга муҳокама қилинглар. У қўлидаги газетани четга қўйиши ва болага қараши лозим?]*
- “В расмда Худо бу аёлнинг ибодатига қандай жавоб бериши мумкин?” *[Аёлнинг қайнанаси ҳатти-ҳаракатини ўзгартиради. Ўзгартирмаган тақдирда ҳам, келини уни кўп ёмон кўрмайди. Ё бўлмаса, Худо унга сабр-қаноат бериши, бу вазиятда тинчлик улашиши мумкин.]*
- “Г расмда қиз Масих қонуни (шариат)га бўйсунмаяпти. Бу нимага олиб келади?” *[Унинг дугонаси ранжийди, ўртада ишонч йўқолади.]*



**19-савол**

📖 19-саволни охиригача ўқинг.

**Айтинг:**

- ❑ “Ҳа, б) жавоб чиндан ҳам тўғри. Бизга берилган Муқаддас Рух орқали юракларимиз Худонинг меҳр–муҳаббати билан тўлиб–тошади! Ўзимиз бундай меҳр-муҳаббат ҳосил қила олмаймиз, уни Муқаддас Рух юрагимизда ҳосил қилади!”

**22-савол (а)**

📖 Рамкада келтирилган ҳаётий ҳикояни ўқинг.

**Айтинг:**

- ❑ “Бунга ўхшаш бошқа мисоллар ҳам бор. Непал давлатида масиҳийлар бир-бирларига қайси бири қамоққа тушса, бошқалари уларнинг оиласи ҳақида ғамхўрлик кўрсатишни ваъда қилишади. Бу уларга Исо Масиҳ ҳақида кўрқмасдан ваъз қилишга ёрдам берди”.

**22-савол (б)**

📖 Ҳикоядан кейинги абзацни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Бу ерга нима деб ёздингиз?” *[Бирга муҳокама қилинглари.]*

**24-савол**

📖 1 Бутрус 4:7-9 ни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Саккизинчи оят масиҳийлар учун бир нарсанинг жуда муҳим эканини кўрсатади. Бу нима?” *[Бир-бирларини чин юракдан яхши кўриш.]*
- ❑ “Шунингдек, саккизинчи оятда “севги кўп гуноҳларни ювади” дейилган. Сизнингча, бу билан нима англашилади?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Бизнинг ўйлашимизча, масиҳийлар баъзан бир-бирига қарши гуноҳ қилган тақдирида ҳам, агар бир-бирларини чин юракдан яхши кўришса, улар бу хафагарчиликларни енгадилар.]*
- ❑ “Тўққизинчи оятда севги кўрсатишнинг қандай йўли ҳақида айтилган?” *[9-оят: “очиқ чеҳра билан бир–бирингизни меҳмон қилинглари.”]*
- ❑ “24-расмда кўрсатилган Фаридага ва Алига қаранг. Сиз уларнинг қайси бирига ўхшайсиз?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради.]*



- ❑ “Ҳаётингиздан Худо бошқа одамга амалда севги кўрсатишингизга қандай ёрдам бергани ҳақида яна мисоллар келтиринг”. *[Бирга муҳокама қилинглари. Ўқувчилар ўз ҳаётидан амалий мисоллар келтиришлари керак.]*

### Маданиятга оид маслаҳат: *Меҳмондўстлик*

Евроосиё давлатларидаги кўп имонлиларнинг маданиятида меҳмондўстлик жуда юқори қадрланади. Шу билан бирга, уйда меҳмон кутиш борасида ҳали кўп нарса ўрганиши лозим бўлган имонлилар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Агар имонли киши огоҳлантирмасдан уйингизга келса, уни қабул қиласизми? Агар жамоатингизда одамлар бир қизга: “Биз сенинг оилангиз”, деса-ю вақт ўтиб, қизнинг ота-онаси уни уйдан қувиб юборса, қизнинг борадиган жойи бўлмаганда, жамоатдагилар уни қабул қила оладими?

## 25-савол

📖 25-саволни охиригача, сўнг саҳифага берилган изоҳни ўқинг.

### ❓ Савол беринг:

- ❑ “Сиз нима деб ўйлайсиз? Душманни яхши кўриш мумкинми?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Душманни яхши кўриш одамлар учун имконсиздек кўринади. Бироқ Муқаддас Китобда: “Менга куч-қувват берадиган Исо Масиҳнинг мадади билан ҳар нарсани қила оламан”, дейилган. (Филиппиликларга 4:13).]*
- ❑ “Масиҳийлар ўз душманини яхши кўргани ҳақида ҳаётдан мисол келтира оласизми?” *[Муҳокама қилинглари. Ўқувчилар мисоллар келтириши мумкин. Ҳаётингизда қикоялардан бири Мурод ҳақида бўлиб, биз уни 10-дарсда ўқидик.]*
- ❑ “Тасаввур қилинг, агар дунёда ва жамиятимизда одамлар ўз душманларини яхши кўрса, нима бўлар эди?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Агар шундай бўлганида, дунё мутлақо ўзгарар эди! Чиндан ҳам, Масиҳ қонуни – энг яхши қонун!]*



**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА****[?] САВОЛ БЕРИНГ:**

- ❑ “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?! [Ҳар бир ўқувчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз керак.]

📖 16-дарс бўйича берилган амалий топшириқни **ЎҚИНГ**.

**АЙТИНГ:**

- ❑ “Илтимос, бу ҳафтага берилган амалий топшириқни бажаринг. Шунингдек, уйда 17-дарсни ўрганинг”.

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ**

- ❑ Худога биз Уни ҳали севмаганимизда, бизни севгани учун раҳмат айтинг. Ундан Муқаддас Руҳи орқали юрагимизда меҳр-муҳаббат уйғотишини сўранг, токи Уни бутун қалбимиз билан севишга ва ўзгани ўзимизни севгандек севишга қодир бўлайлик.





**17-дарс бўйича кўрсатмалар****Рўза ва хайр-эҳсон****17-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР**

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Худонинг бошқаруви остида интизомлик билан рўза тутишга ва хайр-эҳсон қилишга одатланиши;
- б. Буни мажбурликдан ёки мукофот учун эмас, балки ўзини фидо қилган ҳолда, сахийлик билан бажариши;
- в. Худо бизни қандай бошқаришига оид иккита принципни тушуниши;
- г. Марк 12:30-31 ни такрорлаши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА*****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ******ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ:***

- ❑ Айтинг: “Ўтган дарсда берилган амалий топшириқ бўйича муҳтожлик сезган масиҳий биродар, опа ёки сингилга ёрдам беришингиз керак эди. Бу топшириқни бажардингизми? У киши буни қандай қабул қилди?” *[Бирга муҳокама қилинглар.]*

***БУГУНГИ МАВЗУ:***

- ❑ Айтинг: “Бугун сўнгги маротаба Масиҳ *шариати*, севги қонунини муҳокама қиламиз. Масиҳнинг издошлари сифатида бизлар рўза тутамиз, хайр-эҳсон қиламиз, лекин бошқа динларга эътиқод қилувчилардан мутлақо фарқли сабаблар билан”.

***ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ***

- ❑ Бирга 17-дарс мазмуни ёзилган саҳифани очинг ва ўқувчилардан улар саволларга қандай жавоб берганини сўранг:  
*1-савол:* а) Каломи; б) Руҳи.  
*2-савол:* ибодат;  
*3-савол:* а) Ҳаммаси; б) Имкон қадар кўп.  
*4-савол:* а) Худони; муҳтож одамларга; б) Севги



### **Маданиятга оид маслаҳат: Шариятда кўрсатилган батафсил йўл-йўриқлар**

15 ва 16-дарсларда Худо қонуни ҳақида асосий таълимот бўйича якуний хулосалар қилингандан кейин ушбу дарсда шундай савол берилади: масиҳийлар амалда унга қандай амал қилиши мумкин, ахир бизда бошқа динлардан фарқли равишда, бу борада батафсил йўл-йўриқлар берилмаган?

Бошқа динларда одамларга улар нима қилиши кераклиги борасида аниқ кўрсатмалар берилади. Мисол учун, улар Рамазон ойида эрта тонгдан то қоронғи тушгунга қадар рўза тутишлари, даромадининг аниқ бир қисмини *закот* (хайр-эҳсон) сифатида беришлари керак. Масиҳийлар-чи, улар бундай ҳолатда нима қилишлари лозим?

Ушбу дарсда Каломда ёзилган принциплар ўрганилади, шу билан бирга турли имонлилар жамоатларида бунга турлича амал қилиниши ҳам ҳисобга олинади. Шу тариқа, мураббий сифатида сиз жамоатингизда нимага амал қилиниши ҳақида бўлишишингиз мумкин, бироқ имонли учун энг муҳими – мана шу принципларни тушуниш эканини эсда тутинг.

Ўқувчилар аниқ кўрсатмалар олишга истак билдиришса, уларга ҳаётини назорат қилмаган ҳолда, ўртача тушунча беришга ҳаракат қилинг. Уларга Исони Раббий сифатида билиб, Унга итоат қилишга, энг аввало Унинг кўрсатмасига бўйсунушга ёрдам беринг.

### **А) Худо қандай қилиб бизни тўғри йўлдан етаклайди? (1-5-саволлар)**

#### **1-савол**

Биринчи саволда қўйлар кўрсатилган иккита расмга **қаранг**

#### **[?] Савол беринг:**

- “Ушбу расмлардан қайси бирида бошда дин *шариати*, қайсисида Масиҳ *шариати* кўрсатилган? Уларнинг фарқи нимада?” [Бирга муҳокама қилинглари. Бошқа динда шариат худди тўсиққа ўхшайди. У мустаҳкам ўрнатилган бўлиб, қўйларни керакли жойда ушлаб туради. Бу қонун батафсил кўрсатмаларни ўз ичига олади, шу тариқа унга эътиқод қилувчилар жоиз ва тақиқланган нарсаларнинг чегарасини билишади. Шу вақтнинг ўзида Масиҳнинг таълимотида қоидалар бу қадар кўп эмас. Аввалига бу ҳолат одамни ўйлантириб қўйиши мумкин, чунки чегаралар қаердалигини тушуниш қийин. Бироқ бизнинг Чўпонимиз – Исо Масиҳ ва У Ўзининг сурувини ям-яшил яйловларга олиб боришни, бу ерда уларга зарар етказилмаслигини ваъда қилади. Исо уларга Ўзининг Руҳи орқали гапиради. Агар улар Исога яқин юришса, Унинг овозини эшитадилар.]



**3-4-саволлар**

📖 3-саволни бошдан охиригача ва 4-саволнинг биринчи абзацини ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- ❑ “Бизга Ўзининг Руҳи орқали гапирган Исо Масиҳни биз қандай эшитамиз?”  
*[Бирга муҳокама қилинглар. У бунга қадар ҳам бизга Муқаддас Китоб орқали гапириб келган, шу тариқа биз Муқаддас Китобни ҳар куни ўқишимиз керак, шунда Унинг овозини эшитамиз. Шунингдек У виждонимиз орқали бизга “пичирлаб” гапиради, аниқ ва ойдин қилиб онгимизга фикр беради, кучли ҳистуйғулар билан руҳимизни тебрантиради ёки Каломдаги маълум бир оят билан бизни ҳаяжонга солади. Гоҳида У туш ёки эшитилар овоз орқали баландроқ гапиради. Шунингдек, У бошқа имонлиларнинг маслаҳати орқали ҳам гапиради.]*
- ❑ “Муқаддас Руҳнинг овозини эшитишда адашишимиз мумкинми?” *[Ҳа, ҳеч гап эмас. Гоҳида гуноҳли истакларимизни Худонинг овози деб қабул қиламиз! Худо нима дейишидан қатъий назар, бу ҳеч қачон Унинг Каломига зид бўлмайди.]*

**Айтинг:**

- ❑ Шунини эсда тутинг: агар Масиҳга яқин бўлсак, яъни ҳар куни ибодатда бўлиб, Унга итоат қилсак, Унинг овозини яхшироқ эшитамиз. Чўпондан узоқлашиб кетган қўй аниқки, унинг овозини эшита олмайди!




**Б) РЎЗА (6-14-саволлар)****Маданиятга оид маслаҳат: Рўза**


Кўп мамлакатларда рўза тутиш учун алоҳида вақт белгиланган бўлиб, у Рамазон ойи деб аталади. Шунинг билан, йилнинг бу пайтида ўша эътиқоддан чиқиб, эндигина имонга келганлар ўз оилаларини бошқача соғинишлари мумкин.

Ота-онаси билан яшаган ёш имонлиларнинг худди Ҳамида бошдан кечирган ҳолатга тушиши ҳеч гап эмас. Улар яқинлари билан бирга рўза тутишлари керакми, йўқми? Айрим масиҳийларнинг ўйлашича, бу имонли учун ўз оиласига садоқат кўрсатишнинг айна мавриди бўлади. Имонли одам бу ерда фарз сифатида эмас, балки Масиҳ ҳақи ҳурмати рўза тутиши ва бўлар-бўлмас сабаблардан келиб чиқадиган кераксиз қувғинларнинг олдини олиши мумкин. Бошқа имонлиларнинг ҳисоблашича, имонли одам ўз принципларида маҳкам туриши ва бу масалада оиласига қўшилмаслиги лозим, бу билан у очиқчасига гувоҳлик қилиб, иккиюзламачиликнинг олдини олади. Бироқ масиҳийлар рўза тутишдан бош тортишса, бошқаларнинг кўзи олдида дангаса, ялқов бўлиб кўринмайдими?

Ўқувчилар билан ушбу иккала нуқтаи назарни муҳокама қилинг. Шунинг ҳам ҳисобга олинг, бу борада жуда кўп нарса алоҳида олинган оиланинг муҳит-шароитига боғлиқ бўлади. Улар белгиланган ўша ойда рўза тутмасликка қарор қилишса, кейинчалик, Худонинг бошқаруви остида, бошқа пайтда рўза тутишга ҳаракат қилишадими?

**6-7-саволлар**

 6-саволни охиригача ўқинг.

 **Савол беринг:**

- “Сизда ҳам, худди Ҳамидада бўлгани каби саволлар борми?” *[Бирга қисқача муҳокама қилинглари.]*
- “Еттинчи саволга кўра, Ҳамида ўз саволларига қаердан жавоб топиши мумкин?” *[Худонинг Каломи унга умумий принципларни беради, Худонинг Руҳи эса уни бевосита бошқаради.]*



**8-савол**

📖 8-саволни охиригача ўқинг.

**❓ Савол беринг:**

- ❑ “Биз нима учун масиҳийлар сифатида рўза тутишимиз керак?” *[Ўқувчилар ўз фикрлари билан бўлишади.]*
- ❑ “Каломдан олинган қуйидаги парчаларда одамлар қандай сабабларга кўра рўза тутган?” *[Қуйида келтирилган парчаларга қаранг. Қатнашчиларни учта гуруҳга ажратинг ва ҳар бир гуруҳга биттадан парча беринг, агар гуруҳда қатнашчилар сони учтадан кам бўлса, ҳар бир парчани бирга ўтинглар.]*
  - Дониёр 9:3-5 – гуноҳларни эътироф этиш, тавба ва илтижо;
  - Забур 34:13 – муҳтож учун ибодат;
  - Ҳаворийлар 13:2-3 – сажда, Хушxabар ёйиш сафари ва қарор қабул қилишда донолик учун ибодат.

**Айтинг:**

“Бизнинг рўза тутишимиздан мақсад дин йўлида мукофотга эришиш эмас, биз бу билан Худони чин юракдан излаганимизни кўрсатамиз. Бу Унга ибодатимизнинг жиддийлигини кўрсатади. Биз хавф келган пайтда, тавба қилганимизда, қайғуга ботганимизда ёки бошқа сабабларга кўра рўза тутишимиз мумкин. Муқаддас китобда кўрганимиздек, бунга турли омиллар сабаб бўлиши мумкин”.

**12-савол**

📖 12-саволни охиригача ўқинг.

**❓ Савол беринг:**

- ❑ “Биз масиҳнинг издошлари сифатида қачон рўза тутишимиз лозим?” *[Ҳар сафар, Муқаддас Рух бизни бунга йўналтирган вақтда. 11-12-саволларга қаранг.]*
- ❑ “Биз, масиҳийлар учун рўза тутиш фарз этилганми?” *[Бирга муҳокама қилингллар. Биз ўйлаймизки, қачонки Муқаддас Рух буни кўнглимизга солса, биз албатта рўза тутишимиз лозим. Бошқа пайтларда рўза тутиш шарт эмас.]*



**13-савол (а)**

📖 13-саволни охиригача **ўқинг**, шу қаторда “Тўхтанг ва ўйлаб кўринг” бўлимидаги абзацни ҳам.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Бу саволга қандай жавоб бердингиз?” *[Бирга муҳокама қилинглар. Етакчи сифатида сиз ҳам қандай жавоб берганингиз ҳақида бўлишинг.]*

**14-савол**

📖 Мавзуси сиз яшаган муҳитга тўғри келса, 14-саволни охиригача **ўқинг**. (У кўпроқ Худога ишонмаган оила аъзолари билан бир уйда яшовчи имонлиларга кўпроқ тўғри келади, алоҳида яшаганларга эмас)

**? Савол беринг:**

- ❑ “Бу ерга нима деб ёздингиз? Ҳамида жамиятда ибодат ва рўза тутиш ойна ҳисобланган вақтда оиласи билан бирга рўза тутиши ёки тутмаслиги кераклигига қандай сабаблар келтира оламиз?” *[Бирга муҳокама қилинглар. Ўйлашимизча, қуйидаги сабаблар унинг ўз оиласи билан бирга рўза тутишига асос бўла олади:*

*Ҳамида бу билан гарчи Исога эргашган бўлсада, оиласига содиқ қолганини кўрсата олади;*

- *У оиласи қутқарилиши учун чин юракдан рўза тутиб, ибодат қилиш мақсадида бу имкондан фойдаланиши мумкин;*
- *Агар у ўз оиласи билан бирга рўза тутмаса, бу кераксиз муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади;*
- *Агар у рўза тутмаса, оиласи назарида масиҳийлар ялқов, дангаса деган фикр туғилади.*

*Ўйлашимизча, қуйидаги сабаблар унинг ўз оиласи билан бирга рўза тутмаслигига асос бўла олади:*

- *Улар Ҳамида ҳали ҳам уларнинг динига эътиқод қилади деб ўйлашади;*
- *Улар Ҳамида бунини дин йўлида мукофотга эришиш учун қилипти деган фикрга боришади;*
- *Унинг ўзи ҳам аввалгидек фикрлай бошлаши, бунини дин йўлида мукофотга эришиш учун қилаётганига ишониши мумкин.]*
- ❑ “Ҳамиданинг қарори қай даражада унинг муҳит-шароитига боғлиқ?” *[Муҳокама қилинг. Маълум бир даражада, агар у ўз оиласи билан яшаётган бўлса ва оила аъзолари ўша динга эътиқод қилишса. Алоҳида яшаганларда бу борада танлов доираси кенгроқ бўлади.]*
- ❑ “Сиз яшаган муҳит-шароит борасида нима дейиш мумкин?” *[Муҳокама қилинг. Ҳар бир ўқувчининг муҳит-шароити ўзгача бўлиши мумкин, шу тариқа улар умумий принципларни ўз шароитларида қандай қўллаши мумкинлигини муҳокама қилинг.]*



**В) ХАЙР-ЭҲСОН (15-25-саволлар)****Маданиятга оид маслаҳат: Хайр-эҳсон**

Бир динда *зако́т* ёки муҳтожлар учун ажратиладиган хайр-эҳсон миқдори бир йиллик умумий маблағ ҳисобини қандай чиқариш борасида батафсил кўрсатмалари билан йиллик маблағнинг (даромаднинг эмас) 2,5% ини ташкил қилади. Маълум бир мезонларга қараб, яъни бу мисол учун камбағалларга ёрдам ёки эътиқодни ёйиш учун хайр-эҳсонми, буни ҳар ким ўзи белгилашга ҳақли. Шунингдек, ушбу динга эътиқод қилувчи кўп одамлар юқорида кўрсатилган ва шунга ўхшаш бошқа мақсадлар учун йил давомида ихтиёрий хайр-эҳсонлар қилишади.

**15-савол**

📖 15-саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Сизда ҳам худди Комилникига ўхшаш саволлар борми? Балки сизда хайр-эҳсон билан боғлиқ бошқа саволлар бордир?” [Бирга қисқача муҳокама қилинглари]

**16-19-саволлар**

📖 16-саволни охиригача ҳамда 17-саволнинг биринчи ярмини ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “Мол-мулкимизнинг қанча қисми Худоники?” [Ҳаммаси Худоники.]
- “Шундай экан, Унга қанча миқдорини беришни белгилашимиз керакми?” [Йўқ]

**Айтинг:**

- “Энди ҳаворий Павлуснинг Коринфликларга иккинчи мактубидан бир парча ўқиймиз. Павлус уларга Худо хизмати учун сахийлик билан беришлари лозимлигига бир нечта салмоқли сабабларни кўрсатади. Ушбу парчани ўқиганимизда, мазкур сабабларга алоҳида эътибор қаратинг”.

📖 2 Коринфликларга 9:6-15 ўқинг.



**Айтинг:**

- ❑ “Ушбу парчани ҳаворий Павлус ёзган. Келинг, навбатма-навбат ҳар биримиз биттадан оят ўқиб, унга изоҳ берайлик.” *[Биринчи бўлиб ўзингиз етакчи сифатида 6-оятни битта жумлада ўз сўзларингиз билан тушунтириб беринг. Сўнг ҳар бир қатнашчига биттадан ёки бир нечтадан оят беринг, шунингдек, уларга жимжитликда оят устидан мулоҳаза қилишлари учун, бир дақиқа вақт беринг. Сўнг, еттинчи оятдан ўн бешинчи оятга қадар ҳар бир ўқувчи белгиланган оят мазмунини ўз сўзлари билан айтиб бериши керак.]*

📖 20-саволни охиригача ўқинг.

---

**21-савол**

📖 21-саволнинг охириги абзацини ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Бу саволга қандай жавоб бердингиз?” *[Очиқ мунозара. Умид қиламизки, ўқувчилар аввалгидан кўра кам эмас, аксинча кўпроқ хайр-эҳсон қилишади.]*
- 

**24-савол**

📖 24-саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Бу ерга нима деб ёздингиз?” *[Бирга муҳокама қилинглар. Ойнинг охиригача кутсак, ҳеч нарса қолмаслиги мумкин.]*
  - ❑ “Сизнинг вазиятингиз қандай? Сиз ўзингиз ишлаб пул топасизми? Агар пул топмасангиз, Худога бошқа қандай йўллар билан хайр-эҳсон қилишингиз мумкин?” *[Бирга муҳокама қилинглар. Бу бизнинг ажратган вақтимиз, ихтиёрий олиб борган хизматимиз ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Лекин барибир аксарият одамлар оз бўлсада пулга эга бўлишади ва биз ўша оз пулдан хайр-эҳсон қилишни ўрганмоғимиз лозим. Ҳатто болалар ҳам онаси берган пулдан Худога хайр-эҳсон қилишлари мумкин.]*
- 





**25-савол**

📖 25-саволни охиригача ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- ❑ “Бу ерга нима деб ёздингиз?” *[Бирга муҳокама қилинглар. Бизнинг ўйлашимизча, қуйидаги нарсаларга хайр-эҳсон қилинса яхши бўлади:*
  - Фақат қариндошларимизга эмас, балки бизга бегона бўлган камбағалларга ҳам ёрдам бериш;
  - Янги Аҳд китоби (Инжил) ёки Исо Масиҳ ҳақида дисклар сотиб олиб, эътиқодимизга қизиқиш билдирган одамларга бериш;
  - Маҳаллий имонлилар жамоати харажатларини ёпишга ёрдам бериш;
  - Доимий хизматда бўлган имонлиларга ёрдам бериш;
  - Худо Ўзининг Руҳи билан очган бошқа нарсаларга.]

**Г) СЕВГИ ҚОНУНИ (26-савол)**

📖 26-саволни охиригача ўқинг.

- ❑ Ёд олиш учун Марк 12:30-31 дан берилган оят устидан **ишланг**.

❓ **Савол беринг:**

- ❑ “Рўза қандай қилиб севги қонунига бўйсунганини ифода этиши мумкин?” *[Чунки бу билан биз Худога бўлган севгимиз боис ўзимиздан воз кечамиз, Худони ўзимиздан, яъни очлигимиздан устун қўямиз. Шунингдек, муҳтож одамлар учун ибодат қилиб, рўза тутганимизда бу билан уларга меҳр-муҳаббат кўрсатамиз.]*
- ❑ “Пул бериб, хайр-эҳсон қилиш қай тарзда севги қонунига бўйсунганини аниқлатади?” *[Чунки бу билан Худога пул берамиз, Унга бўлган севгимизни, шунингдек бошқа одамларга ёрдам тариқасида пул бериб, уларни яхши кўришимизни кўрсатамиз.]*



**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА****[?] САВОЛ БЕРИНГ:**

- “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” [Ҳар бир ўқувчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз керак.]

**[📖] 17-дарс бўйича амалий топшириқни ўқинг.**

**АЙТИНГ:**

- “Биз Худога бериш учун пул тўплаш ҳақида ўйлашнинг ўзи билан чегараланмаслигимиз, аксинча, мана шу ойдан бошлаб чиндан ҳам хайр-эҳсон қила бошлашимиз лозим!
- Энди келинг, уч кишилик гуруҳларга бўлиниб ибодат қилайлик. Худодан қачон рўза тутишимиз ва қанча хайр-эҳсон қилишимизни хоҳлашини бизга кўрсатишини сўрайлик. Келинг, бу масалаларда Унинг ёрдами билан сахий ва интизомли бўлишга ҳаракат қилайлик”.

Кичик гуруҳларга бўлиниб, **ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ**



**18-дарс бўйича кўрсатмалар      Тақдир ва афсунгарлик****18-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР**

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Тақдир ва афсунгарлик борасида Калом таълимотига асосланган учта пойдевор ҳақиқатни яхши билиши;
- б. Худо нима учун бутпарастликдан жирканишини тушуниши;
- в. Ўтмишдан қолган афсунгарлик таъсирини бартараф этиши;
- г. 1 Бутрус 5:7 ни ёд олиши лозим.

Изоҳ: Ушбу дарсга тайёрланишда ва уни ўтказишда етакчи сифатида сажда ва гуноҳни эътироф этиш орқали Масихнинг ғалабасини тасдиқлаётганингизга ишонч ҳосил қилинг. Муҳокама вақтида ўқувчиларингизда ўтмишдаги афсунгарлик таъсири қўзғалиши мумкин, бу уларнинг қандай муҳитдан келиб чиққанига боғлиқ, шу тариқа руҳан сергак бўлишингиз зарур.



**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ**

- ❑ Айтинг: “Ўтган дарсда берилган амалий топшириқ бўйича сиз ҳар ой Худога қанча пул бериш борасида аниқ бир қарорга келишингиз ва агар шахсий даромадингиз бўлмаса, бу ҳолда сахийлик билан хайр-эҳсон қилишнинг бошқа йўллари ҳақида ўйлаб кўришингиз лозим эди”.
- ❑ “Бир қарорга келдингизми? Ўйлаганингизни амалда қўллаш бошладингизми?”

**БУГУНГИ МАВЗУ**

- ❑ Айтинг: “Эгамиз – қодир Худо. Худонинг Ўғли Исо Масиҳ шайтонни ва барча ёвузлик кучларини енгди. Бугун биз нима учун бундан буён қурқувга тобе бўлмаслигимиз, у тақдир бўладими, *жин* ёки ёмон кўз бўладими, ҳеч нарсадан қўрқмаслигимиз кераклигини билиб оламиз”.

**ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

- ❑ Бирга 18-дарс мазмуни ёзилган саҳифани очинг. Ўқувчилар саволларга қандай жавоб берганини кўринг:  
*1-савол:* а) тақдир; б) жирканади; в) кучлар.  
*2-савол:* “Барча ташвишингизни Худога топширинглар, чунки У ҳамиша сизларга ғамхўрлик қилади” (1 Бутрус 5:7).



**Маданиятга оид маслаҳат: Халқ урф-одатлари ва афсунгарлик**

“Тақдир” ва “афсунгарлик” дунёда кўп одамлар учун муҳим тушунча ҳисобланиши, балки сизни ажаблантирар. Тарихий маънода улар одамлар ҳали бошқа диний эътиқодларни қабул қилмасиданоқ кўп маданиятларда негиз отиб улгурган ва бунинг натижасида “халқ дини” деган аралаш тушунчалар пайдо бўлган. Шунингдек, йирик динларнинг бирида Худо инсон зотидан жуда узоқ бўлган зот сифатида қабул қилинади. У ҳаммасини аввалдан белгилаб қўйган ва одамлар буни ҳеч қандай ўзгартиролмайди. Бундай тушунча тақдирнинг инсон ҳаётини бошқарувчи омил сифатидаги ролини кучайтиради. Бундан ташқари, Худо узоқ бўлган зот сифатида қабул қилингани боис, эътиқод қилувчиларда Худо чиндан ҳам муаммоларда уларга ғамхўрлик қилиши, ибодатларини эшитишига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади, шу сабабдан улар назарида Худога яқинроқ кўринган ва руҳий воситачи ўрнини эгаллайдиган бошқа одамлардан ёрдам излайдилар.

Ибодатга жавоб олиш учун изланишлар, руҳий мададга ёки яширин билимга бўлган эҳтиёжлар динга берилган айрим одамларни афсунгарлик амалларига олиб келади. Масиҳга келганларидан кейин уларда бундай қуликдан қутилиш зарурати туғилиши мумкин. Бошқалар учун бу анча умумлашган маданий таъсир бўлиши мумкин, бунга мисол сифатида билакка ёки автомашина ойнасига “ҳимоя” қилиши учун тумор тақишни кўрсатиш мумкин. Яна кимлардир бунга ўхшаш таъсирларни деярли бошдан кечирмаслиги мумкин.

18-дарсда бу масалага оид Муқаддас Китоб таълимоти келтирилади. Бироқ амалнинг нотўғри эканини кўрсатишнинг ўзи кўп самара бермайди, бу борада асосий дунёқарашларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бошқа диний эътиқодлардан келиб чиққан имонлилар инсон даражасига тушган, (бу демакки дардларимизни тушунадиган) сўнг жамики руҳий кучлар устидан кўтарилган (шу тариқа улар устидан ғолиб бўлган) Исо Масиҳга чин юракдан имон келтиришса, бу ҳолда улар зарурат туғилганда бошқаларга эмас, балки айнан Масиҳнинг Ўзига мурожаат қилишади. Шунингдек, Масиҳнинг ўлими зулмат кучлари устидан ғолиб бўлди ва бизни ёвуз кучлар кўрқувидан озод қилади.



**А) КИРИШ ҚИСМИ (ва 1-савол)**

📖 Ибодатни 1-саволгача ўқинг. Гуруҳ билан бирга шу сўзлар билан ибодат қилинг.

**Айтинг:**

- ❑ “Тақдир ва афсунгарлик ҳақида шуни айтиш мумкинки, шайтон узоқ вақт бизни алдаб келди. Одамлар асрлар давомида бу ёлғонга ишонгани боис шайтоннинг таъсири остида яшади. Бу ёлғон фикр-онгимизни ҳам заҳарлаган бўлиши мумкин. Келинг, бугун Худонинг ҳақиқати билан шайтон тўқиган ёлғонни фош этайлик!”

**1-савол**

📖 1-саволни охиригача ўқинг.

**❓ Савол беринг:**

- ❑ “Сизнинг бу борада фикрингиз қандай? Бу тўғрими ёки нотўғрими, ё бўлмаса аниқ айтилмайсизми?” [Ҳар ким ўзи жавоб беради.]
- ❑ “Сизнинг бу борада фикр-тасаввурларингиз қандай шаклланган?” [Ўқувчилар бу ҳақида ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган, шунчаки оналари ёки урф-одатлари ўргатгандек иш тутган бўлиши мумкин.]

**Б) Ҳаётимизни Худо бошқаради, тақдир эмас (2-9-саволлар)****2-савол**

📖 2-саволни охиригача ўқинг.

**❓ Савол беринг:**

- ❑ “Сизга: “Худо мен ҳақимда қизиқмайди, чунки мендан жуда узоқ”, деган фикр бўлганми? Масиҳга эргашганингиздан кейин бу фикр-тасаввурларингиз ўзгардими?” [Ҳар ким ўзи жавоб беради.]

**3-савол**

Ушбу диаграммага қаранг (бўш жойларда ёзилган сўзлари билан).

**❓ Савол беринг:**

- ❑ “Сиз яшаб ўсган жойда одамлар тақдир, жин, ёмон кўз уларнинг кундалик ҳаётига таъсир қилишига ишонадими?” [Бирга муҳокама қилинглари. Кимлардир бунга кўпроқ, бошқалар эса камроқ ишонади.]
- ❑ “Бироқ Муқаддас Китобга кўра, ҳаётимизни аслида ким бошқаради?” [Худо.]
- ❑ “Худо бизга яқинми ёки узоқми?” [Яқин.]



**Маданиятга оид маслаҳат: Руҳий кучлар**

Бошқа диний эътиқод вакиллари ичида кўпчилик “руҳий кучлар” га, яъни:


- фаришталарга, жумладан Муқаддас Китобда тилга олинганларига, мисол учун Жаброилга, ҳамда ҳар бир одамга бириктирилган ва вазифаси одамнинг яхши ва ёмон ишларини ёзиб боришдан иборат бўлган фаришталарнинг борлигига;
- “кўз тегишига”, ҳасаднинг кўринмас таъсири одамларга ёмон оқибатлар олиб келиши, мисол учун ҳамма чақалоқни ширин ва ёқимли эканини айтиб мақтаса, бу унга салбий таъсир кўрсатишига;
- тақдирга, яъни инсон тақдири одамнинг пешанасига ёзилгани ва одамлар буни ҳеч қандай ўзгартира олмаслигига;
- *жинларга*, яъни руҳий кучларга, уларнинг яхши ёки кўпроқ ҳолатларда ёмон бўлишига, касаллик ва дардлар олиб келиши, одамни ақлдан оздиришига;
- ёвуз руҳларга, Муқаддас Китобда берилган ўхшаш концепцияларга ишонишади.

Гуруҳ қатнашчилари ўзлари ўсган жойда ёвуз таъсирларни қувишда расм бўлган турли урф-одатларга, жумладан, одамларга тақиладиган, автомашиналарга осиладиган тумор ва кўз тегишдан сақлайдиган тақинчоқлар, кўз мунчоқлар ва ҳоказоларга таъриф беришлари мумкин.

Кўп одамлар шу қаторда азиз авлиёлар ёки қадамжо жойларда (шу жумладан авлиёлар қабрида) бўладиган кўринмас “марҳаматларга” ишонишади, уни *барака* деб аташади ва жисман ўша объектларга яқинлашиш орқали ўша *баракага* эришишга интилишади. Баъзида одамлар муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланган жойга яқин ўсган дарахтларга мато бўлакларини боғлашади, бу уларга ўша жойда қилган ибодатлари ёки қасам ичганларини эслатади.

**6-савол**

Расмга **қаранг**.

 6-саволни охиригача **ўқинг**



**[?] Савол беринг:**

- “а) қисмга нима деб ёздингиз?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради.]*
- “б) қисмга нима деб ёздингиз?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради.]*
- “Нима учун иккинчи жавобда яхшироқ тасалли берилган ва Худонинг ҳақиқий характери кўрсатилган деб ҳисоблайсиз?” *[Бирга муҳокама қилинглр. Бу яхшироқ тасалли беради, чунки унда Худонинг кўнгли чўкканларга яқинлиги, руҳан эзилганларни қутқариши ҳақида айтилган. Муқаддас Китоб буни ўргатади.]*
- “Кейинги сафар таъзия билдирганингизда иккинчи жавобда айтилган сўзларга ўхшаш мазмунда гапира оласизми?” *[Бирга муҳокама қилинглр. Ўқувчилар бунга кўниши мумкин, кўнмаслиги ҳам мумкин. Муҳокама вақтида ҳаммининг фикрига қўшилишлари шарт эмас.]*

**Маданиятга оид маслаҳат: Таъзия билдириш**

Кўп маданиятларда одатга кўра одам вафот этган заҳотиёқ яқинлари марҳумнинг қариндошлариникига тасалли бериш, уларнинг ёнида ўтириб, қайғусига шерик бўлиш учун боришади. Буни ҳамдардлик билдиришнинг муҳим йўли, ҳам Эски Аҳд давридаги маданиятга яқин одат десак бўлади (мисол учун, Юҳанно 11-бобга қаранг).

Одатда бошқа динга эътиқод қилганлар марҳумнинг яқинларига тасалли бериб: “Худонинг иродаси шу экан. Тақдирга бўйсунмай иложимиз йўқ”, дейишади. Олтинчи саволда биз масиҳий одам Худони бошқача қабул қилган ҳолда яхшироқ тасалли беришга қодир бўлишини таклиф этамиз: Худо бизга яқин ва У бизга азобларимизда шерик бўлади.

**7-савол**

 **Диаграммани ўқинг.**

**[?] Савол беринг:**

- “Бу диаграмманинг 3-саволдаги диаграммадан фарқи нима?” *[Худо биздан узоқ эмас, У Исо Масиҳ қиёфасида биз инсонлар даражасига тушди. У чиндан ҳам бизга ғамхўрлик қилади. У бизга биз ҳақимизда ўйлайдиган даражада яқин.]*





**8-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

- Ёд олиш учун оят устидан шундай **ишланг** (агар гуруҳда ишлаётган бўлсангиз):
- Биринчи ўқувчи иккинчисига савол беради: “Шу кунларда нима ҳақида ташвишланяпсиз?”
- Иккинчи одам жавоб беради.
- Биринчиси иккинчисига дейди: “Барча ташвишингизни Худога топширинглар, чунки У ҳамиша сизларга ғамхўрлик қилади” (1 Бутрус 5:7).
- Энди иккинчи қатнашчи худди шу савол билан ўзидан кейингига мурожаат қилади ва шу тарзда савол-жавоб давом эттирилади. Бунда сиз ҳам етакчи сифатида, энг охирида иштирок этишингиз лозим.
- Шундай қилиб, ёд олиш учун оят амалий топшириқ билан бирга бир неча марта такрорланади.

**В) Худо афсунгарлик ва бутпарастликдан жирканади (10-17-саволлар)****10-савол**

📖 10-саволни охиригача ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- “Бу ерга нима деб ёздингиз?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради]*

**11-савол**

📖 Қонунлар 18:9-14 ни ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- “9-оятга кўра, Худонинг халқи бошқа халқлар сингари афсунгарлик амалларини қилса, Худо бунга қарши бўладими?” *[Албатта! Худо буни “жирканч одатлар” деб атайди.]*
- “10-11-оятларда Худо афсунгарликнинг қандай ҳар хил турларини тақиқлайди?” *[Ўқувчилардан рўйхатни ўқиб эшиттиришни сўранг. Уларнинг ҳар бир бандни тушуниши шарт эмас, асосий мазмуни ушбу курснинг 11-саволида берилган.]*
- “12-оятда афсунгарликнинг бундай турларига амал қилган одамлар ҳақида нима дейилган?” *[Худо улардан жирканади ва ўша одатлари учун У бу халқларни ҳайдаб чиқаради.]*
- “Шундай экан, Худонинг халқи нима қилиши лозим, 13-оят?” *[Худога бутунлай содиқ қолиши]*
- “14-оятда Худо Ўз халқига афсунгарлик қилишни тақиқлайдими ёки бунга рухсат берадими?” *[Тақиқлайди.]*



**15-савол**

📖 15-саволни охиригача ўқинг.

**[?] Савол беринг:**

- ❑ “Худонинг халқи бу каби амалларни қилганда, Худо бунга қандай қарайди?”  
[Худо булардан жирканади. Бу бутпарастликнинг тури ҳисобланади, чунки одамлар қўлда ясалган буюмларни Худонинг ўрнига қўйишади.]

**16-савол**

📖 Саҳифага берилган изоҳни ўқинг.

**[?] Савол беринг:**

- ❑ “Бу аёлга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?” [Бирга муҳокама қилинглар. Қўйида бир нечта таклифлар берилади.
  - *Энг аввало у Худо унга бефарқ эмаслигини билиб олиши лозим. Худо унинг дилидаги оғриқларини билади. Юқорида билиб олганимиздек: “Кўнгли чўкканларга Эгамиз яқиндир, руҳан эзилганларни У қутқаради”.*
  - *Бу ёлғон! “Мулла” ҳеч қанақасига бу аёлдан кўра Худога яқин эмас. Қолаверса, бу ерда “мулладан” кўра аёл Худога яқин, негаки у Масихга ишонади, мулла эса – йўқ. Бу аёл Худонинг руҳий фарзанди! Самодаги Отаси шак-шубҳасиз унинг ибодатларини эшитмоқда.*
  - *Худо бу аёлнинг “муллага” боришини истамайди. Аёл икки хўжайинга хизмат қилмаслиги керак. У ёки Масихнинг гапига киради ёки “мулланинг”.*
  - *Бу аёл бошқа имонлилардан унинг учун ибодат қилишларини сўраши лозим. Улар Исо Масихнинг номи билан ибодат қилиб, Худодан бу аёлга фарзанд беришни сўрашлари мумкин. Бундан ташқари, улар Худодан бу аёлнинг ҳаётида Ўз режаларини бажо этишини сўрашлари мумкин. Аёл фарзандли бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, шуниси аниқки, Худонинг режалари мукамал.]*

**Г) Раббимиз Исо барча руҳий кучлар устидан ҳокимлик қилади (18-21-саволлар)****19-савол**

📖 1 Бутрус 3:22 ни ўқинг.

Диаграммага қаранг (унда бўш жойларда сўзлар ёзилган).



**[?] Савол беринг:**

- “Бу диаграммада ким юқорироқ: Раббимиз Исо Масиҳми ёки “руҳий кучларми”? [Раббимиз Исо Масиҳ.]
- “Ким Жиндан кучли?” [Раббимиз Исо Масиҳ.]
- “Ким ёвуз руҳлардан кучли?” [Раббимиз Исо Масиҳ.]
- “Агар сизни кимдир лаънатласа, ким бу лаънатдан кучли?” [Раббимиз Исо Масиҳ.]
- “Ким барча руҳий кучлар устидан ҳокимлик қилади?” [Раббимиз Исо Масиҳ.]


**21-савол (а)**

 Биринчи абзацни ва саволни ўқинг.

**[?] Савол беринг:**

- “Орамизда ким ўз тажрибасида Масиҳ ёвуз руҳларни қандай енганига гувоҳ бўлган?” [Бирга муҳокама қилинглари.]

**21-савол (б)**

 Қавс ичидаги абзацни ўқинг.

**[?] Савол беринг:**

- “Агар орангизда кимдир шу кунларда ёвуз руҳлардан безовта бўлиб келаётган бўлса, илтимос, дарс охирида мен билан ёки бошқа бир тажрибали имонли билан гаплашиб олинг”.

**Д) Икки хўжайинга хизмат қила оламизми? (22-24-саволлар)****23-савол**

 Рамкада келтирилган ҳикояни ўқинг.

**[?] Савол беринг:**

- “Бу саволга қандай жавоб бердингиз?” [Бирга муҳокама қилинглари. Бизнинг ўйлашимизча, тушнинг мазмуни шундан иборат: биз Исо Масиҳга ҳаётимизнинг барча соҳаларини назорати остига олишига йўл қўйишимиз лозим. Ҳаётимизнинг маълум бир соҳаси ўзимизнинг, қандайдир авлиёнинг ёки тумор каби нарсаларнинг назорати остида бўлса, бу шайтонга хужум қилиш учун имкон яратиб беради.]

**Айтинг:**

- “Шуни ёдда тутинг: “Агар Исо Масиҳ ҳаётингизнинг барча соҳалари устидан Ҳоким бўлмаса, У ҳеч қандай Ҳоким эмас!”




**Якуний қисм****[?] Савол беринг:**

- “Бугун биз шайтоннинг тузоқларини йўқ қилишга қодир бўлган учта муҳим ҳақиқат ҳақида сўз юритдик. Бу қандай ҳақиқатлар?”
  1. *Ҳаётимизни Худо бошқаради, тақдир эмас.*
  2. *Худо афсунгарлик ва бутпарастликдан жирканади.*
  3. *Раббимиз Исо барча руҳий кучлар устидан ҳокимлик қилади.*
- “Бугунги муҳокама сўнгида юрагингиздан қандай туйғулар ўтмоқда: ёвуз кучлар сизни безовта қияптими ёки Исо Масих орқали уларни енганингиздан хурсандмисиз?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради. Назарингизда ҳамон безовта бўлиб келаётган қатнашчилар билан якка ҳолда гаплашишга ҳаракат қилинг.]*

**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА****[?] САВОЛ БЕРИНГ:**

- “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” *[Ҳар бир ўқувчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз керак.]*

 24-саволдан кейин саҳифага берилган изоҳни ва 18-дарсга берилган амалий топшириқни **ЎҚИНГ**.

**АЙТИНГ:**

- “Бу ҳафта Худо ҳузурида бир дафъа ўзингизга мана шу саволларни беринг. Саволларни диққат билан ўтинг. Худодан сизга ўтмишдан афсунгарлик ёки муқаддас ҳисобланган авлиёлар ҳаётингизга таъсир кўрсатган ҳодисаларни эслатишини сўранг. Агар бундай таъсир бўлган бўлса, бошқа имонлидан сиз билан бирга бунга қарши ибодат қилишни сўранг”.
- Уйда 19-дарсни ўрганишни унутманг.

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ** Ўқувчилар билан бирга ўрнингиздан туриб, шайтонга қарши қуйидаги учта ҳақиқатни овоз чиқариб эътироф этинг:

- “Ҳаётимизни Худо бошқаради, тақдир эмас”.*
- “Худо афсунгарлик ва бутпарастликдан жирканади”.*
- “Раббимиз Исо барча руҳий кучлар устидан ҳокимлик қилади”.*



**19-дарс бўйича кўрсатмалар****Бир-бирига хизмат қилиш****19-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР**

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Бир-бирига хизмат қилиш учун ўз инъомларини камтарлик ва садоқат билан ишга солиши;
- б. Имонлилар жамоати оқсоқолларига ёрдам бериши ва уларнинг масъулиятини тушуниши;
- в. 1 Бутрус 4:10 ни ёд олиши лозим.

**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ:**

- ❑ Айтинг: “Ўтган дарсда берилган амалий топшириқ бўйича сиз ўтмишда қолган афсунгарлик ва муллалар сизга таъсир қилгани ёки қилмаганини текширишингиз керак эди. Бу топшириқни бажардингизми?”
- ❑ “Агар бу ҳақида ҳали ҳам безовта бўлаётган бўлсангиз, илтимос машғулотдан кейин менинг олдимга келинг. Бу масалани сиз билан якка ҳолда муҳокама қилишни истар эдим”.

**БУГУНГИ МАВЗУ**

- ❑ Айтинг: “Худо сизга турли қобилиятлар ва инъомлар берган. Бугун биз Худога хизмат қилишда ва бир-биримизга хизмат қилишда бу инъомларни қандай ишга солишни билиб оламиз”.

**ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

- ❑ Айтинг: “Келинг, 19-дарс мазмуни ёзилган саҳифани очайлик. Қуйидаги саволларга қандай жавоб бердингиз?  
1-савол: а) ҳар хил; б) Ҳар бир одамда; в) оқилона.  
2-савол: “Худо сизларга берган инъомлар билан бир-бирингизга хизмат қилинглар. Худонинг бу бой эҳсонларидан оқилона фойдаланинглар” (1 Бутрус 4:10).



**А) БИР-БИРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ (Кириш қисми ва 1-3-саволлар)**

Расмга **қараб** Исо хочга михланган кеча энг яқин шогирдлари учун бу билан нима қилганини тушунтиринг.

📖 Юҳанно 13:3-5,12-17 ни ўқинг.

Секин, қисқа тўхталишлар билан **айтинг**:

- “Расмда кўрсатилган оёқларга қаранг. Бу сизнинг оёқларингиз деб тасаввур қилинг”.
- “Расмда кўрсатилган қўлларга қаранг. Бу Масихнинг қўллари деб тасаввур қилинг”.
- “Масих сизнинг оёқларингизни ювмоқда!”
- “Бунини ўйлаганингизда юрагингиздан қандай туйғулар ўтади? Ҳозир юрагингизда Раббимиз билан бу ҳақда гаплашинг”.

❓ **Савол беринг:**

- “Раббимиз Исо Масих оёқларингизни ювгани ҳақида ўйлаганингизда нима ҳис қилдингиз?” *[Бирга муҳокама қилинглари.]*

**Маданиятга оид маслаҳат: Оёқларни ювиш**

Кўп одамларнинг маданиятида оёқ жуда жирканч аъзо ҳисобланади. Исо ер юзида яшаган даврда ҳам шундай бўлган. Одамга “оёқ кўрсатиш” ёки унга оёқ кийим ирғитиш оғир ҳақорат деб саналанади. Бундай ҳолатда ўзганинг оёқларини ювиш Исонинг камтарликка оид кўрсатган намунасини ажойиб тарзда намоён этиш ҳисобланади”.

**2-савол**

📖 Саволни охиригача ўқинг.

❓ **Савол беринг:**

- “Биз яшаган маданиятда етакчилар ўз издошларига шундай хизмат қиладимиз?” *[Йўқ, бунини деярли кўрмайсиз, бу айниқса етакчилар ўзларига ҳурмат талаб қилган жойларга тааллуқли.]*
- “Бироқ буюк етакчимиз Исо Масих оёқларимизни ювиш учун паст эгилди. Биз энди нима қилишимиз керак?” *[Рамкадаги парчани ўқинг. У дейди: “Мен сизларга нима қилган бўлсам, сизлар ҳам ўшани қилишингиз керак. Мен сизларга ўрнак кўрсатдим”. Бу демакки, биз ҳам У сингари, бир-биримизнинг оёқларимизни ювиш, бир-биримизга хизмат қилиш учун паст эгилишимиз лозим.]*



- ❑ “Етакчилар одамларга худди Масих сингари хизмат қилса агар, бу туфайли хурматини йўқотадимиз?” *[Шарт эмас, лекин буни ушбу дарсда, кейинроқ муҳокама қиламиз.]*

## Б) ИНЪОМЛАР БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ (4-18-саволлар)

### 4-савол

📖 1 Бутрус 4:10-11 ни ўқинг.

Ёд олиш учун оят устидан **ишланг**: “Худо сизларга берган инъомлар билан бир-бирингизга хизмат қилинглр. Худонинг бу бой эҳсонларидан оқилона фойдаланинглр” (1 Бутрус 4:10).

### ❓ Савол беринг:

- ❑ “Ўнинчи оятга кўра, ҳаммамизга инъом берилганми?” *[Ҳа. Бу ерда “Худо сизларга берган инъомлар” дейилган“.]*
- ❑ “Бизга берилган инъом билан нима қилишимиз керак?” *[У билан бошқаларга хизмат қилишимиз керак, 10-оят.]*
- ❑ “Худонинг Каломида тилга олинган кўп, ҳар хил инъомлардан қайси иккитасига 11-оятда алоҳида таъриф берилади?” *[“Ваъзхон” ва “Хизматчи“.]*
- ❑ “11-оятга кўра, “ваъзхон” қандай ваъз қилиши керак? *[У “шундай ваъз қилсинки, гўё у орқали Худонинг Ўзи гапиргандай бўлсин”. У ўз хизматида жиддий ёндашиши ва уни пухта олиб бориши лозим.]*
- ❑ “11-оятга кўра, “хизматчи” қандай хизмат қилиши керак?” *[“Худонинг берган кучига мувофиқ”. У ўз хизматида жиддий ёндашиши ва уни пухта олиб бориши лозим.]*
- ❑ “11-оятнинг охириги қисмига кўра, биз ўз инъомларимизни қандай мақсадда ишга солишимиз керак: ўзимизга обрў орттириш учунми ёки Худони улуғлаш учунми?” *[Худони улуғлаш учун, “Худо ҳар бир ишингизда ва ҳар бир сўзингизда улуғлансин“.]*
- ❑ “Келинг, 11-оятнинг охириги қисмини баралла, баланд овозда айтайлик”. *[Бирга: “Қудратли Худога абадулабад шон-шарафлар бўлсин. Омин“]*



**9-савол (Ҳар хил одамларга ҳар хил инъомлар берилган)**

📖 Рамкада келтирилган ҳикояни ва ундан кейинги абзацни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Бу ерга нима деб ёздингиз?” [Бирга муҳокама қилинглар. Ҳар биримизнинг кучли томонларимиз бўлади, шунингдек кучсиз томонларимиз ҳам бор. Ҳаммамиз маълум бир даражада “кўр” ёки “чўлоқ” миз. Орамизда мутлақ етук ва мукамал бўлган биронта одам йўқ. Аммо менинг ожиз томонларимни сизнинг кучли томонларингиз тўлдиради. Шу тариқа, маҳаллий имонлилар жамоатида биз бир-биримизга муҳтож бўламиз. Биз бир-биримизнинг кучли томонларимизни қадрлашимиз, кучсиз томонларимизга эса сабр-тоқатли бўлишимиз зарур.]

**11-савол (Ҳар биримизда инъом бор)**

Расмларга қаранг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Худо Ферузага қандай хизмат учун инъом берган?” [Бошқаларнинг кўнглини қўтариш инъомини.]
- ❑ “Лайло Ферузага қандай ёрдам берди?” [Унга инъоми нимадан иборат эканини айтди.]

**13-савол**

📖 13-саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Сизнингча, ҳар хил хизматларнинг қандай турлари маҳаллий имонлилар жамоатини мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин?” [Бирга муҳокама қилинглар. Бунинг кўп, ҳар хил турлари мавжуд, мисол учун катта ёшлиларга Муқаддас Китобдан таълим бериш, болаларга таълим бериш, Худони улуғлаш хизматини бошқариш, хасталар учун ибодат қилиш, одамларга маслаҳат бериш, чой тайёрлаш ва ҳоказолар.]
- ❑ “Бизга қандай инъом берилганини қандай билишимиз мумкин?” [Бу ҳақида мана шу, 13-саволда сўз юритилади. Давомига қаранг.
  - о Биринчидан, биз имкониятимиздан келиб чиқиб, маълум бир хизмат турларида қатнашиб кўришимиз;
  - о Сўнг ўзимизга урта савол беришимиз керак:
    - Бошқа имонлилар бунинг яхши уддалаётганимни эътироф этишадими?
    - Бунинг ижобий натижаларини кўряпманми?
    - Бу хизмат ўзимга ёқадими?





- о *Сўнг, мана шу учта саволга “ҳа” деб жавоб берган бўлсак, демак айнан мана шу хизмат тури учун бизга инъом берилган деб хулоса қилишимиз мумкин. Бироқ биз буни қачонки бошқалар бу ҳақда биздан сўраганларида ишга соламиз. Биз ўзимизча ҳаракат қилмаймиз.]*

### 15-савол (Инъомларимиздан камтарлик билан фойдаланишимиз керак)

📖 15-саволни охиригача ўқинг.

#### ❓ Савол беринг:

- ❑ “Сизнингча, Самад қайси сабабларга кўра етакчи бўла олади?” [Бирга муҳокама қилинг. Унда етакчига хос кўп инъомлар бор.]
- ❑ “Сизнингча, Самад қайси сабабларга кўра етакчи бўла олмайди?” [Бирга муҳокама қилинг. Унинг асосий муаммоси – бу мағрурлик.]
- ❑ “Яъни, унинг етакчи бўла олишига ҳам, бўла олмаслигига ҳам сабаблар бор. Имонлилар гуруҳи қандай қарорга келиши лозим?” [Бирга муҳокама қилинглр. Битта жавобни “тўғри” деб бўлмайди. Бу ерда биз ўз таклифларимизни келтирамиз.
  - о Балки нисбатан етук масиҳий Самад билан якка ҳолда, унинг мағрурлиги ҳақида гаплашиб кўриши керакдир;
  - о Шунингдек, улар Самадни текшириш учун, унга кўп муҳим бўлмаган масъулиятларни беришлари мумкин. Самад бу масъулиятни нисбатан етукроқ етакчининг бошчилиги остида бажариб бориши лозим.
  - о Агар у ўз масъулиятини яхши ва камтарлик билан бажариб борса, демак унга кўпроқ масъулият юклаш мумкин. Бироқ, агар мағрурликдан қолмаса, унга яна қутишга тўғри келади.
  - о Келажакда жамоат унинг бир ўзини оқсоқол қилиб тайинламаслиги керак. Ҳар доим икки ёки кўпроқ оқсоқоларнинг жамоа бўлиб иш олиб бориши фойдали бўлади.]

### 17-савол

📖 17-саволни охиригача ўқинг.

#### ❓ Савол беринг:

- ❑ “Худонинг назарида ким кўпроқ мартабага эга, ваъз қилганми ёки овқат берганми?” [Бирга муҳокама қилинг. Ўйлаймизки, иккиси ҳам тенг мартабага эга. Бизга хизмат қилган одамларга миннатдорлик билдириш яхши. Биз ваъз қилганларга миннатдорчилик билдиришимиз лозим, биз овқат берганларга миннатдорчилик билдиришимиз лозим.]




**В) Оқсоқол сифатида хизмат қилиш (19-25-саволлар)****Маданиятга оид маслаҳат: Етакчилик қилишга оид муаммолар**

Афсуски, тарқоқлик бутун дунёдаги барча имонлилар жамоатларида одатий ҳолат бўлиб қолмоқда. Кўп мамлакатларда битта одамнинг Масихга имон келтириши қийин, гуруҳ бўлиб йиғилиш улар учун яна ҳам қийин, бу гуруҳ учун етук масихийнинг бошқаруви остида яхлит жамоа бўлиб қолиш бундан ҳам қийин. Жамоани пухта бошқариш ниҳоятда муҳим мавзу!

“Ортимдан юр” курси эндигина имонга келганлар учун мўлжалланган, шу тариқа унда етакчилик қилиш мавзуси кенг ёритилмайди. Бироқ сиз бу масала борасида кейинчалик, ўқувчилар бунга тайёр бўлганларида кенгроқ тушунча беришингиз мумкин бўлади.

**21-савол**


 21-саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

“Бу ерда қайси жавобларни белгиладингиз?” [Бирга муҳокама қилинглар. Ўйлашимизча, а), б) ва д) – тўғри жавоблар.]

“Бундан келиб чиқадики, Масих жамоатида яхши етакчи қандай фазилатлари билан ажралиб туриши лозим?” [Бирга муҳокама қилинглар. Яхши етакчи пулпараст бўлмаслиги керак, шунингдек у ўзининг эмас, кўпроқ одамларнинг фойдаси, фаровонлиги ҳақида қайғуриши, улар учун ўзини фидо қилиши лозим.]

**22-савол**

 1 Бутрус 5:1-4 ни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- “2-3-саволлар дунёвий ва имонли етакчилар ўртасидаги учта кескин фарқни кўрсатади. Бу қандай фарқлар?”
  - [1. “Мажбурият юзасидан эмас, балки чин кўнгилдан, Худога манзур тарзда хизматни бажаринглар”;
  2. “Шунчаки пулпарастлик мақсадида эмас, самимият билан ижро этинглар”;
  3. “Кўлингиз остидаги сурувга ўз ҳукмингизни ўтказмай, уларга ўрнак бўлинглар”.
- “Дунёвий етакчилар кимнинг фойдасини ўйлаб ишлайди?” [Ўзлари ва оиласининг фойдасини ўйлаб]
- “Масих сингари бўлган етакчилар кимнинг фойдасини ўйлаб ишлайди?” [Уларнинг руҳий оиласи бўлган имонлиларнинг фойдасини.]



- ❑ “Масихдан ўрнак олган ҳолда яхши чўпон бўлиш осонми ёки қийинми?”  
*[Жуда қийин. Шу тариқа биз учун мана шундай оғир вазифани бажариб келаётган етакчиларга биз ёрдам беришимиз керак.]*
  - ❑ “Маҳаллий имонлилар ўз жамоатидаги етакчиларга бу қийин вазифани бажаришда қандай ёрдам кўрсатишлари лозим?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Ўйлашимизча, улар етакчилар учун ибодат қилишлари, уларга ҳурмат кўрсатишлари, далда беришлари ва улардан миннатдор бўлишлари лозим. Улар етакчиларнинг орқасидан гапирмаслиги керак. Агар эътироз ёки таклифлари бўлса, бу ҳолда улар етакчи билан бу ҳақида унга ҳурмат кўрсатган ҳолда гаплашиб олишлари лозим.]*
- 

## 25-савол

📖 25-саволнинг иккинчи абзацини ўқинг.

❓ Савол беринг:

- ❑ “Бу ҳақида нима дея оласиз?” Бунинг имкони борми?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Ўйлашимизча, бунинг имкони бор. Хизмат қилган етакчи барибир етакчи бўлиб қолаверади. Унда бошқариш учун ҳокимият бор ва одамлар бунинг ҳурмат қилишлари керак. Улар кўрққанлари учун эмас, яхши кўрганлари учун ҳурмат қиладилар. Етакчи улар учун ўзини фидо этиб, хизмат қилади. Одамлар бунинг билишади, шу тариқа иштиёқ билан унга эргашадилар.]*

📖 25-савол охирида саҳифага берилган изоҳни ўқинг.

---



**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА****[?] САВОЛ БЕРИНГ:**

- “Бу дарс ҳаётингизга қандай ўзгаришлар олиб келади?” [Ҳар бир ўқувчи, шу жумладан сиз ҳам бўлишингиз керак.]

**[📖] 19-дарс бўйича берилган амалий топшириқни ўқинг.**

**АЙТИНГ:**

- Бу ҳафтага берилган амалий топшириқни бажариш учун сизга дўст керак бўлади, бу сиз бу ҳақда сўрай оладиган, сизни яхши биладиган одам бўлиши керак. Шундай дўстингиз борми?”
- Уйда 20-дарсни ўрганишни унутманг.

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ**

- Дарс бошида берилган расмга яна бир қаранг.
- Оёқларингизни юваётган Масих ҳақида яна бир марта ўйланг. Ундан У сизга хизмат қилгандек, бошқаларга хизмат қилишингизга ёрдам беришини сўранг.



## 20-дарс бўйича кўрсатмалар      Самога зиёратимиз

### 20-ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР

Ҳар бир ўқувчи:

- а. Жаннатга тушишига аниқ ишонч ҳосил қилиши ва буни интиқлик билан кутиши;
- б. Шайтон ҳамлаларини ажрата олиши ва уларга қарши туриши;
- в. 1 Бутрус 5:10-11 ни ёд олиши лозим.



**МАШҒУЛОТ БОШИДА****ИБОДАТ БИЛАН БОШЛАНГ****ЎТГАН ҲАФТА БЕРИЛГАН АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ**

- ❑ Айтинг: “Ўтган дарсда берилган амалий топшириқ бўйича сиз ўз дўстингиздан сизда қандай инъомлар борлиги ҳақида сўраб билишингиз керак эди. У нима деди?” *[Ҳар бир қатнашчи бўлишиши лозим.]*

**БУГУНГИ МАВЗУ:**

- ❑ Айтинг: “Бутун умримиз осмон (жаннат) га сафар қилиш билан ўтади. Бизнинг ажойиб манзилимиз бор, бироқ сафар давомида биз душманимиз – шайтон билан кураш олиб боришимиз керак. Бугун биз мана шу руҳий зиёрат сафаримиз ҳақида билиб оламиз”.

**ДАРС МАЗМУНИДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

- ❑ Бирга 20-дарс мазмуни ёзилган саҳифани очинг. Ўқувчилар саволларга қандай жавоб берганини кўринг:
- ❑ Дарс мазмуни саҳифасидаги 4-саволни биз кейинроқ, ушбу машғулотда муҳокама қиламиз.
- ❑ Тўғри жавоблар:  
 1-савол: а) Қуддусга; б) самодаги.  
 2-савол: а) Биз; б) Масих  
 3-савол: Ёд олиш учун оят: “Гарчи сизлар бу қисқа ҳаётда азоб чекиб яшасангизлар ҳам, Худонинг Ўзи сизларга мадад бериб, барчангизни баркамол, саботли, куч-қудратли ва мустаҳкам қилади. Ахир, иноятга бой Худо Исо Масих орқали сизларни Ўзининг абадий улуғворлигига шерик қилиш учун даъват этган. Қудратли Худога абадулабад ҳамдлар бўлсин. Омин!” (1 Бутрус 5:10-11)  
 4-савол: Ҳар ким ўзи жавоб беради. Гуруҳга айтинг: “Агар орангизда: “Худо мени жаннатга киритармикан?” деб иккиланганлар бўлса, илтимос, машғулотдан кейин мен билан учрашинг, биз гаплашиб оламиз. Худо бизда бу борада тўла ишонч бўлишини истайди. Бу ҳаётимиз тугагач, Худо билан жаннатга киришдан аввал биз азоб-укубатлардан ўтмаймиз!” *[Агар кимдир иккиланишда давом этса, машғулотдан кейин у билан учрашинг ва унга Луқо 23:39-43 ни кўрсатинг. Бу ерда Исо ҳатто жинойтчига ҳам: “Сенга чинини айтайин, бугуноқ сен Мен билан бирга жаннатда бўласан” дейди.]*



**Маданиятга оид маслаҳат: Зиёрат ва осмон (жаннат)**

Кўп одамлар учун ҳаётда имкон қадар, ҳеч бўлмаганда бир марта маълум бир шаҳарга зиёрат қилиш диний фарз ҳисобланади. Одамларнинг бир қисмигина шундай зиёрат қила олади ва буни амалга оширганларнинг эл олдида мартабаси ошади. Ушбу курсда динларнинг бирида бошқача ўргатиладиган “рукнлар” га ишора қилинади, шу вақтнинг ўзида биз уларга алоҳида урғу бермаймиз, негаки айрим имонлилар ўтмишдаги тушунчаларни тамомила унутишни исташади.

Ушбу дарсда бундай ўхшатма Масиҳга эргашган одамнинг ҳаётига қиёсланади, бундай ҳаёт осмонга зиёрат мисолидир (кўпчиликка таниш бўлган *Зиёратчи босган йўл (ёки Зиёратчининг сафари)* номли китобда ҳам шундай ўхшатма келтирилганини кўришимиз мумкин). Бир динда жаннат осмондаги ҳузур-ҳаловот макони қилиб кўрсатилган. 20-дарсда биз жаннатда энг катта қувонч бу Эгамиз Худонинг ҳузурида бўлиш, абадул-абад Унга яқин яшаш, ҳузурида завқланмоқ эканини билиб оламиз.

**А) РУҲИЙ ЗИЁРАТИМИЗ (1-5-саволлар)****2-савол**

📖 2-саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Шу кунларда араблар ҳам, яҳудийлар ҳам Қуддус шаҳри устидан назоратни ўз қўлига олишга интилмоқда. Масиҳийлар кимнинг тарафида бўлиши лозим?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Ҳар бир имонли бу борада ўз фикрига эга. Ҳеч кимга ён босмаган ҳолда, бу ерда биз ўз нуқтаи назаримизни келтирамиз:*
  - 1. *Масиҳийлар ҳар доим адолат тарафида бўлиб, яҳудийларнинг ҳам, арабларнинг ҳам ҳаракатларини холис баҳолаши лозим.*
  - 2. *Шунингдек, Исо Масиҳ биз учун ибодат йўналиши (қибла) ни ҳам ўзгартирди, шу тариқа Қуддус эътиқодимиз маркази ҳисобланмайди.*
  - 3. *Шу билан бирга араблар орасида ҳам, яҳудийлар орасида ҳам Масиҳга эътиқод қилганлар бор. Кимки Масиҳга тегишли бўлса, миллатидан қатъий назар, бошқа масиҳийларга руҳий биродар, опа ёки сингил ҳисобланади.]*



**Маданиятга оид маслаҳат: Қуддус ва Сионизм**

Бу бошқа дин вакиллари билан мунозара қилиш учун қизғин мавзу бўлиб, ёш имонлилар кўпинча мана шу масала устидан бош қотиришади. Болаликданоқ уларга яҳудийларни ёмон кўриш, сионизмга қарши кескин курашиш кераклиги уқтирилган бўлиши мумкин. Бироқ Масихга имон келтиргач, улар энди Худонинг Эски Аҳд даврида яҳудий халқи билан аҳд тузгани, шунингдек, Сион тантана қилингани ҳақида парчаларга оид тушунчалари билан курашишга мажбур бўладилар. Бундан ташқари, улар имонлилардан яҳудийлар ҳақида башоратларга оид турли изоҳларга, шунингдек, бир қарашда ҳозирги Исроил давлати тутган йўлни тўлиқ қўллагандек, ҳатто арабларни ўзларига душман қаторида қабул қилгандек кўринган айрим имонлиларга рўпара бўладилар. Бироқ шунга қарамай, агар ёш имонлилар агар Исроил тутган йўлга тарафдорлик қиладиган бўлса, бу билан уларни муртадлиқда айблаган қариндошларининг таассуротларини тасдиқлайдилар.

Буларнинг ҳаммаси чалкашликларга ва оғриқ-азобларга олиб келиши мумкин. Улар буларнинг ҳаммасини ўз онги ва юрагига қандай сиғдира олади? Ушбу дарсда бу масала йўл-йўлакай кўриб ўтилади ва сизга буни икир-чикирларигача ўрганиш шарт эмас, аммо мавзунинг нозик эканини билиб қўйишингиз керак.

**4-савол**

4-саволни бошидан охиригача, сўнг “Тўхтанг ва ўйлаб кўринг” абзацини ҳам ўқинг

**[?] Савол беринг:**

- “Бу ҳақда ўйлаб кўрдингизми? Қандай қарорга келдингиз?” [Ҳар ким ўзи жавоб беради.]

**Б) ИБЛИСГА ҚАРШИ ТУРИШ (6-16-саволлар)****6-савол**

 1 Бутрус 5:6-9 ни ўқинг.

**[?] Савол беринг:**

- “Саккизинчи оятга кўра, ким шердай бўкириб юради?” [Иблис.]
- “Биз унга қарши тура оламизми, 9-оят?” [Ҳа, агар “имонда мустаҳкам” бўлсак.]





**7-савол**

📖 7-саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Ўз тажрибангизга асосланиб айтинг-чи, масиҳийларни ожиз қиладиган омил нима?” *[Муҳокама қилинг. Мисол учун, улар ибодат қилмай, Худонинг Каломини ўқимай қўйганларида шундай бўлади. Масиҳга эътиқод қилишини ҳаддан зиёд узоқ вақт бошқалардан яшириш ҳам шунга олиб келади.]*
- ❑ “Ўз тажрибангизга асосланиб айтинг-чи, масиҳийлар нима учун хушёрликни йўқотади?” *[Муҳокама қилинг. Мисол учун, улар иблис уларни васвасага солаётганини тушунмаганларида хушёрликни йўқотишади. Бу ҳолда уларнинг гуноҳ қилиши, мисол учун мағрурликка ёки ғазабга берилиши, ё бўлмаса зино билан боғлиқ гуноҳларга қўл уришлари осон бўлиб қолади.]*
- ❑ “Ўз тажрибангизга асосланиб айтинг-чи, масиҳийларни сурувдан нима ажратиши мумкин?” *[Муҳокама қилинг. Мисол учун, бу ҳолат улар имонсиз киши билан турмуш қуриб, сўнг бошқа имонлиларга қўшилмай, улар билан мулоқот қилмай қўйганларида юз беради.]*

**11-савол**

📖 Биринчи абзацни ўқинг.

**Айтинг:**

- ❑ “Баъзида чеккан азобларимиз назаримизда биз кўтара олмайдиган жуда оғир юкдек кўринади! Бироқ Муқаддас Китобда Худо бу борада қандай кучли ваъда берганига қаранг: “Сизлар тушган васвасага бошқалар ҳам дучор бўлган. Аммо Худо содиқдир, У кучингиздан ортиқ васвасага тушишингизга йўл қўймайди. Васвасага бардош бера олишингиз учун керакли пайтда васвасадан қутулиш йўлини ҳам беради” (1 Коринфликларга 10:13).

**? Савол беринг:**

- ❑ “Назарингизда бошқа бардош бера олмаётганингиздек туюлган ҳолатга таъриф бера оласизми? Азобга бардош беришингиз учун Худо сизга қандай далда берди?” *[Бирга муҳокама қилинглари. Эсда тутинг, Худо гоҳида бизни азоблардан ҳимоя қилади, лекин ҳар доим ва ҳар қандай азоблардан эмас. У бизнинг фойдамизни ўйлаб, яъни имонимиз оловда тобланган олтиндай бўлиши учун шундай қилади. Бундан ташқари, ўша оловдан ўтганмизда Унинг Ўзи биз билан бирга бўлади.]*



**12-савол**

12-саволдаги расмларга **қаранг**.

**[?] Савол беринг:**

- “Қайси икки имонлига иблис ташқи қийинчиликлар орқали ҳамла қилди?”  
*[б) расмда Лолага ва г) расмда Рустамга.]*
- “Қайси икки имонлига иблис ички васвасалар орқали ҳамла қилди?” *[а) расмда Бахтиёрга ва в) расмда Замирага.]*
- “Иблис сизга ташқи қийинчиликлар ёки ички васвасалар орқали ҳамла қилган ҳолатларга таъриф беринг. Нима бўлган эди? Бундан қандай сабоқ олдингиз?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради. Бу бўлишиш учун муҳим вақт.]*

**15-16-саволлар**

15-саволдаги расмга **қаранг**.

**[📖]** 16-саволни охиригача **ўқинг**.

**[?] Савол беринг:**

- “15-саволда бўлгани каби, чорраҳага келганимда ҳар гал қандай қарор қабул қиламан?” *[Мен ёки иблис кўрсатган йўлдан, ё бўлмасам Худонинг йўлидан бирини танлашим мумкин.]*
- “Иблис бизни васваса қилиб, унинг йўлидан юришга чақиради. Ким васвасага қарши туришга қарор қабул қилиши керак – бизми ёки Масиҳми?” *[Биз бу қарорни қабул қилишимиз керак. Агар иблиснинг йўлидан борсак, бу бизнинг айбимиз бўлади, Масиҳнинг эмас.]*
- “12-савол а) бандида Бахтиёр порнографиядан воз кечиши учун ким мустақил қарор қабул қилиши зарур?” *[Унинг ўзи.]*
- “Агар Бахтиёр порнографиядан воз кечишга қарор қилса, ким унга бунинг учун куч беради?” *[Масиҳ.]*
- “в) расмда Замира қасос олиш ниятидан воз кечиши учун, ким мустақил қарор қабул қилиши зарур?” *[Унинг ўзи.]*
- “Агар Замира қасос олиш ниятидан воз кечишга қарор қилса, ким унга куч беради?” *[Масиҳ.]*

**Айтинг:**

- “Иблис васвасага солган пайтда, агар унга қарши туришга қарор қилсак, буни уддалай оламиз. 1 Юҳанно 4:4 да: “... ичингиздаги Руҳ дунёдаги шайтондан устундир”, дейилган. Масиҳ сизнинг ичингизда ҳукмронлик қиляпти ва У шайтондан устун!”



**В) БИЗНИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИМИЗ - ОСМОН (17-22-саволлар)****17-савол**

📖 Рамкада келтирилган ёд олиш учун оятни жўр бўлиб ўқинглар  
(1 Бутрус 5:10-11).

Бу оят устидан, уни ҳамма ёдлаб олмагунга қадар, бир неча марта шундай **ишланг**.

---

**19-савол**

📖 19-саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Худо бизни жаннатга киритишига қандай қилиб ишонч ҳосил қилишимиз мумкин?” *[Исо Масиҳнинг Ўзи бизни қил кўприкдан жаннатга олиб ўтади. Биз унга ишонишимиз лозим, У ўз навбатида қулашимизга йўл қўймайди!]*
- 

**21-савол**

📖 Амирнинг ҳаёти ҳақида ҳикояни ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Жаннатга кириш истагингиз қай даражада кучли: озми ёки жуда кучлими?” *[Бирга муҳокама қилинг. Биз ер юзида бахтли кун кечириб, севиниб Худога хизмат қилаётгандирмиз. Бу жуда яхши. Шундай бўлсада, асл манзилимиз бўлмиш – осмондаги жаннатдан нигоҳимизни узмаслигимиз зарур. Жаннатга яқинлашганимиз сари, худди Амир сингари, уни тобора кўпроқ қумсаб боришимиз мумкин!]*
- 

**22-савол**

📖 22-саволни охиригача ўқинг.

**? Савол беринг:**

- ❑ “Ушбу парчада қайси сўзлар сизга кўпроқ ёқди?” *[Ҳар ким ўзи жавоб беради. Ҳар бир ўқувчи жавоб беришини сўранг. Сиз ҳам бу саволга жавоб беришингиз керак.]*

**Айтинг:**

- ❑ “Нақадар ажойиб ваъда! Яна бир марта ўқиб эшиттираман, бироқ бу сафар “улар” деб эмас, “биз” деб ўқийман.



“Худонинг маскани инсонлар орасидадир! У энди одамлар орасида яшайди, биз Худонинг халқи бўламиз.  
Худонинг Ўзи биз билан бирга бўлади. Худо бизнинг кўзимиздаги ҳар бир томчи ёшни артиб қўяди.  
Энди ўлим мавжуд бўлмайди, ҳеч ким қайғурмайди, йиғламайди, азоб чекмайди. ... Лаънат деган нарса у ерда қолмайди. Шаҳарда Худонинг ва Қўзининг тахти бўлади, Худонинг қуллари Унга хизмат қилади. Биз Худонинг жамолини кўрамиз. ... биз то абад ҳукмронлик қиламиз”.

- ❑ “Энди кейинги бетда бола кўрсатилган расмга қаранг. Худо жаннатда кўзимиздаги ҳар бир томчи ёшни артиб қўйганини кўз олдингизга келтиринг!”

---

### Амалий топшириқ

📖 Амалий топшириққа оид кўрсатмаларни ўқинг.

#### Айтинг:

- ❑ “Ушбу Амалий Топшириқ учун бу ҳафта ҳар куни биттадан иборани ўқиб боринг. Ибодат вақтида у ҳақида чуқур мулоҳаза қилинг. Уни ёдингизда сақланг, ёш бола мазали ширинликнинг таъмидан ором олгани сингари, узоқ вақт иборанинг мазасидан завқ олинг”.



**МАШҒУЛОТ ОХИРИДА****АЙТИНГ:**

- ❑ “Мана сизлар билан ушбу курсни якунладик! Курс сизга ёқди деган умиддаман. Эсда тутинг, агар бу курсни шунчаки билимингизни ошириш учун ўтган бўлсангиз, ундан кўп фойда топмайсиз. Агар уни кундалик ҳаётингизда қўллашни бошласангиз, ана шунда бундан жуда катта фойда топасиз!”
- ❑ (Агар истасангиз) “Курсни якунлаганимизни нишонлаш учун келгуси ҳафта биз бирга тушлик қиламиз ва Худога шукрона айтиш билан вақт ўтказамиз. Ҳар биримиз тайёрланган ҳолда келиб, Худо ушбу курс давомида ҳаётимизда нима қилгани ҳақида бўлишамиз”.  
*[Бу таклифни муҳокама қилинг. Бу курсга якун яшашнинг ажойиб йўли ва умид қиламизки, қатнашчилар бу таклифга рози бўладилар. Тушликка бўлмаса агар, гувоҳликлар ҳақида бўлишиш ва Худони улуғлаш учун бирга йиғилишни таклиф этинг. Шунингдек, сизлар 16-дарсда берилган таклиф бўйича, бирга Қутлуғ Зиёфат маросимини ўтказишингиз мумкин.]*

**ИБОДАТ БИЛАН ЯКУНЛАНГ**

- ❑ Барча қатнашчилар 1 Бутрус 5:8-11 ни очишлари лозим. Ҳар хил қатнашчилар ушбу парчанинг ҳар хил қисмлари асосида ибодат қилишлари лозим. Бизлар каби “азобларга дучор бўлаётган” бутун дунёдаги имонли биродарларимиз учун ибодат қилинглари” (9-оят).



**Илова: Ушбу курс давомида ёд олиш учун берилган оятлар**

1-дарс	<b>Матто 11:28</b> “Эй ҳолдан тойганлар, оғир юк остида қолганлар, ҳаммаларингиз Менинг олдимга келинглар! Мен сизларга ором бераман”.
2-дарс	<b>2 Коринфликларга 5:17</b> “Бинобарин, ким Масихга тегишли бўлса, у янги ижоддир. Эски ҳаёт ўтиб кетди, янгиси эса бошланди.
3-дарс	<b>1 Юҳанно 3:1</b> “Қаранглар, Отамиз Худо бизни фарзандларим деб, қандай буюк бир севгини кўрсатди! Ҳақиқатан ҳам, биз Унинг фарзандларимиз”.
4-дарс	<b>1 Бутрус 1:15</b> “Аксинча, бутун юриш–туришингизда муқаддас бўлинглар, зеро, сизларни даъват этган Худо муқаддасдир”.
5-дарс	<b>Ибодат “Бизнинг Осмондаги Отамиз”</b> “Бизнинг Осмондаги Отамиз, Сенинг номинг улуғлансин..” ва ҳ.к.
6-дарс	<b>Ибодат “Бизнинг Осмондаги Отамиз”</b> “Бизнинг Осмондаги Отамиз, Сенинг номинг улуғлансин..” ва ҳ.к.
7-дарс	<b>1 Бутрус 2:9</b> “Аmmo сизлар — танланган бир насл, руҳонийлар шоҳлиги, муқаддас қавм, Худонинг азиз халқисиз. Худо сизларни зулматдан Ўзининг ажойиб нурига даъват этган, Унинг буюк ишларини эълон қилишингиз учун сизларни танлаган”.
8-дарс	<b>1 Бутрус 2:17</b> “Ҳамма одамларни ҳурмат қилинглар. Имонли биродарларингизни яхши кўринглар”.
9-дарс	<b>1 Бутрус 2:21</b> “Ҳатто азоб чекканингизда ҳам Худо сизларни яхшилик қилишга даъват этган. Масих сизлар учун азоб чекиб, намуна бўлди. Унга тақлид қилинглар”.
10-дарс	<b>Матто 5:44</b> “Душманларингизни яхши кўринглар. Сизларни қувғин қилганлар учун ибодат қилинглар”.
11-дарс	<b>Ибтидо 2:24</b> “Шунинг учун эркак киши ота–онасидан бўлак бўлиб, хотинига боғланиб қолади, иккаласи бир тан бўладилар”.



12-дарс	<b>1 Бутрус 3:11</b> “Ёмонликдан қайтиб, яхшилик қилсин”.
13-дарс	<b>1 Бутрус 3:18</b> “Масих бизни гуноҳларимиздан то абад фориғ қилиш учун азоб чекканини ёдингизда тутинглар. У солиҳ бўла туриб, биз, гуноҳкорларни Худога яқинлаштириш учун жонини фидо қилди”.
14-дарс	<b>Матто 28:19</b> “Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдилинглар”.
15-дарс	<b>1 Коринфликларга 6:19-20</b> “Сизлар ўзларингизга тегишли эмассизлар. Сизлар қиммат баҳога сотиб олингансизлар. Шунинг учун ўз танангиз билан Худони улуғланглар”.
16-дарс	<b>Марк 12:30-31</b> “Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан, кучингиз борича севинг. ...Ўзгани ўзингизни севгандай севинг”.
17-дарс	<b>Марк 12:30-31</b> “Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан, кучингиз борича севинг. ...Ўзгани ўзингизни севгандай севинг”.
18-дарс	<b>1 Бутрус 5:7</b> “Барча ташвишингизни Худога топширинглар, чунки У ҳамisha сизларга ғамхўрлик қилади”.
19-дарс	<b>1 Бутрус 4:10</b> “Худо сизларга берган инъомлар билан бир-бирингизга хизмат қилинглар. Худонинг бу бой эҳсонларидан оқилона фойдаланинглар”.
20-дарс	<b>1 Бутрус 5:10-11</b> “Гарчи сизлар бу қисқа ҳаётда азоб чекиб яшасангизлар ҳам, Худонинг Ўзи сизларга мадад бериб, барчангизни баркамол, саботли, куч-қудратли ва мустаҳкам қилади. Ахир, иноятга бой Худо Исо Масих орқали сизларни Ўзининг абадий улуғворлигига шерик қилиш учун даъват этган. Қудратли Худога абадулабад ҳамдлар бўлсин. Омин”.

